**Аннотация:** мақолада қонун ижодкорлиги фаолияти тушунчаси, қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва шакллари илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, амалий илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Олий Мажлис, қонун, қонун ижодкорлиги, сиёсий партиялар, қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлаш

**Аннотация:** в статье с научной точки зрения проанализированы понятие законотворческой деятельности, особенности и формы социологического обеспечения законотворческой деятельности, сформулированы научно-обоснованные предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** Олий Мажлис, закон, законотворчество, политические партии, социологическое обеспечение законотворческой деятельности

**Annotation:** the article scientifically analyzes the notion of law-making activity, features and forms of sociological support of law-making activity, formulates scientifically grounded proposals and recommendations.

**Key words:** Oliy Majlis, law, lawmaking, political parties, sociological support of lawmaking activity.

Мустақил тараққиёт йилларида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши йўлида бир қатор янгидан-янги ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш билан бир қаторда мамлакатимиз қонунчилик тизимида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, "... биз ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агар уларнинг норма ва талаблари амалий ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса – барча қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолат фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлади" (1, 46-бет). Дарҳақиқат, қонунларни жамият эҳтиёжларига мос равишда қабул қилиш бу бир масала, уларни ижросини сифатли ташкил этиш эса муҳим масала эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Мамлакатнинг Биринчи Президентининг қонунчилик борасидаги юқорида қайд этилган фикрларига асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар ҳаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизmlарига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур", - деб қайд этган эди (2, 2-3 бетлар).

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижрочиларга ва аҳолига уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 8 февралда "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад шуки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида ижрочилар ва аҳолини ҳуқуқий хабардор қилиш сифатини оширишдан иборат. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг ягона тартибини ўрнатиш, бу соҳада принципаал янги ёндашувларни белгилаш, янги қабул қилинаётган қонунлар ижросини ташкил қилиш механизmlарини мустаҳкамлаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Қарорнинг эътиборга молик жиҳати шундаки, тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида кўрсатилади. Ушбу механизм янги қабул қилинган қонунларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида амалдаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш механизmlарини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Бугунги кунда қонунлар самарадорлигини ошириш учун жамият эҳтиёжларини ва барча ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини тўла равишда аниқлаш талаб этилмоқда. Бу эса қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жамоатчилик фикрига таянган қонун ижодкорлиги – бу қонунни яратишга ҳуқуқнинг ижтимоий мазмунини белгиловчи ҳуқуқий ҳодисалар йиғиндиси; бу қонунчилик фаолиятида турли ижтимоий кучлар (ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари)нинг фаол иштироки, шунингдек қонунни яратиш жараёнига ва унинг мазмунига жамоат таъсирини сингдириш процессидир.

Шунингдек, жамият аъзолари олдида масъул бўлган қонун чиқарувчи тўпланган социологик билимга нисбатан беписанд бўлмаслиги ва эксперт баҳоларини эътибордан четда қолдирмаслиги даркор. Жамиятнинг нормал ҳаёти учун зарур бўлган қонунларни қабул қилишда фан ва қонун чиқарувчи жамоатчилик эҳтиёжларини инобатга олиши муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ҳуқуқ социологиясида қонунчиликни социологик таъминлашнинг қуйидаги шакллари мавжуддир:

1. Қонунчиликни социологик таъминлаш жараёнида қонун чиқарувчи билан социолог ўзаро муносабатини бошланғич нуктаси ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни прогноз қилишдир. Ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжни прогноз қилишга социологик ёндашувнинг бошқа йўналиши – бир қатор умумий ижтимоий қонуниятларни, жумладан, умуман жамият ривожланиши қонуниятларини, ижтимоий оғишлар даражаси ва структурасининг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси билан алоқаси қонуниятларини прогноз қилиш (3, 145-бет).

2. Қонунчиликнинг социологик таъминлашнинг кейинги босқичи ҳуқуқий тартибга солишдаги эҳтиёжларни прогноз қилишга қаратилган юридик-социологик тадқиқотлар орқали ҳуқуқий норма концепциясини ишлаб чиқишдир. Ҳуқуқий норма концепциясини шакллантириш ижтимоий ва ҳуқуқий характердаги муаммолар мураккаб мажмуини ҳал қилишни тақозо этади. Мутахассислар бу муаммолар орасидан, энг аввало, қуйидагиларни ажратиб кўрсатадилар: режалаштирилаётган ҳужжат ёрдамида эришилиши мўлжалланган мақсадларни таърифлаш, ушбу ҳужжатни чиқариш зарурлигини асослаш; унинг амал қилишидан келиб чиқадиган ижобий салбий оқибатларни прогноз қилиш; унинг мазмунини муҳим жиҳатларини ишлаб чиқиш; унинг самарадорлиги механизмларини асослаш; режалаштирилаётган ҳужжатни аввалги қонунлар билан фарқли томонларини ишлаб чиқиш; унинг қонунчилик тизимидаги ўрнини аниқлаш (4, 29-34 бетлар).

3. Қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлашнинг яна бир шакли сифатида қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси босқичини алоҳида қайд этишимиз ўринлидир. Илмий адабиётларда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш босқичи асосан икки турга бўлиб ўрганилади. Биринчиси, қонун лойиҳаси парламент муҳокамаси, иккинчиси эса мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича қонунлар лойиҳаси халқ томонидан муҳокама қилинишидир. Давлатнинг барча қонун лойиҳаларини халқ муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси сўнги йилларда қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтлардан бири ҳисобланади (5, 104-бет). Дарҳақиқат, давлатдаги жорий қонунлардан халқимизнинг доимий хабардорлиги, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксаклигини белгилаб беради. Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилишининг асосий жиҳати шундаки, бу босқичда бир томондан, қонун лойиҳаси анча мукамаллашади, иккинчи томондан эса муҳокамада иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва уларнинг бу жараёндаги тажрибаси такомиллашиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига танқидий баҳо бериб, қуйидаги фикрларни баён этган эди: “Авваламбор, қонун лойиҳаларини парламентда муҳокама этиш ва қабул қилишда фракцияларнинг ўрни, уларнинг партиявий ёндашуви ва қатъий позицияси етарли даражада сезилмаяпти. Бир неча йил олдин фракциялар муҳокамасидан ўтмасдан, уларнинг хулосасини олмасдан бирорта ҳам қонун, Давлат бюджети

лойиҳаси қабул қилинмаслигини қонуний асосда аниқ белгилаб қўйган эдик. Тан олиш керак, ўтган давр мобайнида парламентда ана шу қоидадан ҳаётга татбиқ этиш бўйича кўп ишлар қилинди. Бироқ фракцияларда қонун лойиҳалари ва бошқа муҳим масалалар муҳокамасини, улардаги конструктив баҳс ва мунозараларни янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун лойиҳаси сайловчилар, партия электорати, турли табақа ва гуруҳларнинг манфаатлари нуктаи назаридан атрофлича муҳокама қилиниши, фракциялар ушбу масалаларда принципаал позициясини намоён этиши шарт. Чунки баҳс, тортишув бўлган тақдирдагина қонунлар мукамал ҳаётини кучга эга бўлади”.

4. Қонун ижодкорлигининг социологик таъминлашнинг яна бир муҳим босқичларидан бири қонун лойиҳасини юридик-социологик экспертиза қилиш ҳисобланади. Бундай экспертизанинг вазифаси тавсия этилаётган нормаларнинг ижтимоий асосланганлигини, уларнинг ижтимоий оқибатлари ва амал қилиш самарадорлиги прогноз қилишнинг мутахассислар (юрислар, социологлар, сиёсатшунослар) томонидан баҳоланишидан иборат.

Шу ўринда қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни қайд этиш мақсадга мувофиқ:

- қонунларни қабул қилиш жараёнини шаффофлигини таъминлаш мақсадида, Олий Мажлисда палаталарида қонунларни муҳокама қилиш жараёнига муайян қонун лойиҳалари бўйича мутахассисларни кенг жалб қилиш ва жараёндаги муаммоларни вазиятларни тўлиқ тарзда халқимизга оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бериш;

- бугунги кунда ижтимоий ҳаёт учун муҳим бўлган қонун лойиҳалари бўйича халқ фикри ва тақлифларини электрон тарзда қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида, депутатларнинг халқ мурожаатларидан ташқари “Аҳолининг қонун лойиҳалари бўйича тақлифлари” алоҳида сайтини очиш.

- сиёсий партиялар томонидан вазирлик ва кўмиталар фаолияти устидан ўзларининг вакиллик органларидаги фракцияси ва партия гуруҳлари орқали парламент ҳамда депутатлик назоратини самарали амалга ошириш;

- қонунларни ижро механизмларини такомиллаштириш бўйича жойлардаги вилоят, туман, шаҳарлар Халқ депутатлари кенгашлари депутатларининг қонунчиликдаги фаоллигини ошириш;

- қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу жараёнга кенг оммани жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот вориталарида намоийш этиладиган турли интеллектуал ўйинлар, кўрсатувлар (Масалан: “Ёш депутат”, “Сиз қонунни биласизми”) сонини кўпайтириш ҳамда ушбу кўрсатувларни сифатига алоҳида эътибор бериш ва бошқалар.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш зарурки, қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлашда қуйидагилар айниқса истиқболлидир: қонунчилик фаолиятида фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш; қонун ижодкорлиги жараёнининг очиқ ва ошкоралигига эришиш, унда жамоат назоратини кучайтириш; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг доирасини кенгайтириш; қонун лойиҳаларининг

умумхалқ муҳокамаси институтини янада ривожлантириш.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон – миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” – Т., 1993, – Б. 46.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузаси // Халқ сўзи. – 2016. – 7 декабрь.

3. Социальные отклонения. Введения в общую теорию. – М., 1994. – С. 145.

4. Казьмин И.Ф. Подготовка научной концепции законопроекта (Методологические вопросы) // –М., 1985. – С. 29-34.

Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. // Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. – Т.: Ўз.Р.ИИВ Академияси, 2005. –Б. 104.

**Қ.К. Матёқубов,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

#### ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАШ ЙўНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада хорижий мамлакатларда давлат-хусусий шерикчилигини амалга оширишда хусусий тадбиркорлик субъектлари ва давлат орасидаги шартномаларнинг мазмун моҳияти очиб берилган. Давлат-хусусий шерикчилиги бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, мамлакатимизда қўллаш йўналишлари муҳокама қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат-хусусий шериклиги, инвестиция, инновация, инфратузилма, Хусусий шерик, ижара, маъмурий жараёнлар, sanoat марказлари, эркин иқтисодий зона, инновацион кластер.

**Аннотация:** в этой статье объясняется значимость контрактов между частным предпринимательством и правительством в реализации государственно-частного партнерства в зарубежных странах. Также описывается опыт зарубежных стран в области партнерства между государственным, частным секторами изучаются и даются предложения в применении их опыта в условиях нашей страны.

**Ключевые слова:** государственно-частное партнерство, инвестиция, инновация, инфраструктура, частное партнерство, аренда, административный процесс, промышленные центры, свободная экономическая зона, инновационный кластер.

**Annotation:** this article highlights the significance of contracts between private entrepreneurship and government in the implementation of public-private partnerships in foreign countries. Moreover it examines the experience of foreign countries on public-private partnerships and its possible implication to the condition of our country.

**Key words:** public-Private Partnership, investment, innovation, infrastructure, private partnership, lease, administrative process, industrial centers, free economic zone, innovation cluster.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор жаҳон тажрибасида синалган усуллар ва механизмлар амалиётга татбиқ қилинмоқда. Давлат-хусусий шерикчилигини йўлга қўйиш бу жараёнларда муҳим бир амалий тадбирлардан бири ҳисобланмоқда. Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими порталида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Лойиҳага кўра, давлат-хусусий шериклиги – бу инвестиция, инновация, инфратузилма ва бошқа лойиҳалар ҳамда муҳим бўлган давлат, ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий аҳамиятга эга дастурларни кўзда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи.

Бунда давлат бошқаруви, ҳудудий ҳукумат органлари ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколатланган бошқа давлат ташкилотлари давлат шериги бўла олади. Хусусий шерик – бу Ўзбекистондаги юридик ёки жисмоний шахс, хорижий

юридик ёки жисмоний шахс, давлат-хусусий шериклигини тузган ёки тузиш истагида бўлган халқаро ташкилот. Улар фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Давлат- хусусий шерикчилик (ДХШ) тизимини бошқариш ва уни амалга оширишда ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ривожланиш даражаси асосан қонунчилик ва давлат тузилиш хусусиятларига қараб амалга оширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ДХШ ривожланган мамлакатларда ташкил топганига анча вақт бўлиб, ҳозирги кунда ўзининг ривожланган кўринишига етган. Ғарб назариячилари (Жаҳон банки таснифига асосан) давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасидаги шартномаларни учта катта гуруҳга бўлади [1].

Биринчи гуруҳ (lease-and-operate contracts) – бу турдаги шартномаларда хусусий ҳамкор аҳолига хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади ҳамда ижарага олинган мулкни бошқариш ва уни сақлаш ишларини амалга оширади. Хусусий тадбиркор ижара учун солиқ ёки шартномада кўрсатилган тартибда ижара ҳақини тўлайди.

Иккинчи гуруҳ шартномалари эса “stricto sensu contracts” деб номланиб, бу турдаги шартномаларда хусусий шерик лойиҳани қуриш ва уни молиялаштириш мажбуриятини олади. Бу шартномалар анча кенг тарқалган ва самарадор ҳисобланб ҳозирги кунда ДХШни амалга оширишда амалда кўп қўлланиб келинаётган амалиёт ҳисобланади. Бу турдаги шартномаларни ҳам икки турга бўлиш мумкин, BOT (build-operate-transfer) хусусий тадбиркор янги қурилиш ёки объектни қуриш ишларини амалга оширади. ROT (rehabilitation-operate-transfer) –бу турдаги шарномаларда хусусий шерик объектни қайта қуриш ёки реконструкция қилиш мажбуриятини олади.

Бу турдаги шарномалар асосида тартибга солинадиган муносабатлар мулкка эгаллик ҳуқуқи давлат шеригига тегишли бўлади ва эксплуатация қилиш жараёни тугагандан кейин бу ҳуқуқ яна давлатга қайтарилиб берилади.

Учинчи гуруҳ BOO (build-own-operate) ҳисобланиб, бу турдаги шарномаларда хусусий шерик мулкка эгаллик ҳуқуқини ва объектни келгусида бошқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятларни олади. Бироқ ҳар бир мамлакат ДХШ лойиҳаларини амалга оширишда ўзига хос хусусиятларга эга.

Масалан, ДХШ лойиҳаси иштирокчиси ва тасарруф этиш учун маълум мулк ва жараёнларга эга бўлган хусусий шерик фаолиятини назорат қилиш учун махсус ваколатли орган яъни агентлик тузиш орқали ёки ихтисолаштирилган муассасалар ва вазирликлар орқали амалга оширилади [2, 56-бет]. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш жараёнларини мониторинг қилишда иккинчи усулдан, яъни ваколатли орган ташкил қилмасдан амалга оширилади. Бу бевосита мамлакатдаги маъмурий жараёнлар ва давлат бошқарувининг таркибий ва ташкилий мезонларига боғлиқ.

Шу билан бирга, муҳим ДХШ лойиҳаларини амалга оширишни мониторингини олиб бориш билан бир қаторда хусусий компаниялар учун маслаҳатлар бериш ва шу соҳада энг яхши амалиётларни таъминлайдиган кўплаб ташкилотлар мавжуд.

Дунё бўйича ДХШнинг шаклланган ва ривожланган институти бўлган икки мамлакат Англия ва Франция тажрибасини айтиб ўтишимиз мумкин.

Мамлакатларнинг ДХШ бўйича амалиётларини кўриб чиқишда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилиб, шу билан бирга лойиҳаларни амалга оширишда давлат иштирокининг улуши, лойиҳаларни амалга оширишда хатарлар ва харажатларни баҳолашга эътибор қаратиш, ДХШ лойиҳаларини амалга оширувчи ва мониторинг қилишда махсус ташкилотлар ёки бўлинмалар мавжудлигига катта эътибор қаратилади. Бундан ташқари, ҳар бир давлатда ДХШнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаймиз.

Бутун дунёда давлат ва хусусий секторни ўзаро шерикчилигини ривожланган наъмуналаридан бири Буюк Британия тажрибаси ҳисобланади. 199 – 2001 йиллар мобайнида бу мамлакатда 400 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди [3], 2001 ва 2007 йиллар мобайнида давлат ва хусусий шериклар ўртасида тахминан 500 та шартнома имзоланган ва ишга туширилган бўлиб, бу тахминан 42 миллиард евроли ташкил этади (бу айни вақтда Европанинг бошқа давлатлари учун PPP шартномаларининг умумий қийматидан 1,5 баробар кўп демакдир)[4, 9-10 бетлар].

Буюк Британия да давлат-хусусий сектор ҳамкорлигидаги лойиҳаларни амалга оширишни тўғридан-тўғри тартибга соладиган махсус қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлмасда, шартномавий муносабатларнинг умумий тамойиллари, танловлар ўтказиш бўйича кўрсатмалар ва бошқа соҳани маълум бир қисмини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ДХШ жараёнлари амалга оширилади.

Давлат ва хусусий ҳамкорлар ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорликка оид жараёнлар ғазначилик ва бошқа органлар томонидан тартибга солинади, бу ташкилотлар ДХШ соҳасига тегишли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаолиятни амалга оширадilar (баъзида аниқ лойиҳа ҳақида маълумот киритади). Бундан ташқари, Қиролликда Автомагистрал Агентлиги (Highway Agency) мавжуд бўлиб, ўз навбатида, у Транспорт вазирлигининг ижроия органи ҳисобланади. Ушбу бўлим таркибда махсус гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб уларнинг асосий вазифаси инфраструктура соҳасида ДХШ асосида тузиладиган аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Агентлик хусусий секторга давлат сектори билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича маслаҳат бериш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Бу соҳада Partnerships UK ташкилотига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ташкилот ДХШ соҳасида лойиҳаларни, моделларни ва шартномаларни ишлаб чиқиш орқали мавжуд муаммолар ва масалалар учун энг самарали ечимларни топишга ёрдам бериш учун ташкил етилган [5, 59-бет]. Ушбу ташкилот 2011 йилгача Қиролликда фаолият юритиб, давлатнинг асосий мувофиқлаштирувчи ва ДХШ соҳасидаги маслаҳат органи сифатида фаолият юритди. Ҳозирги вақтда Қироллик ғазначилиги доирасида Давлат хусусий шерикчилик сиёсатини амалга ошириш бўлими (PPP policy team) [6, 213-бет] фаолият юритиб келмоқда.

Буюк Британияда ДХШ тушунчаси кўпинча “хусусий молиявий ташаббус” тушунчаси билан боғлиқ. Бунинг сабаби Буюк Британия “Хусусий молиявий ташаббус” (“Private financial initiative”) махсус дастурини ишлаб чиқди, бу нафақат лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида маълумот бериш, балки ДХШ лойиҳаларини молиялаштириш масалалари ҳақида маълумот

беради. Бироқ ушбу дастур доирасида амалга оширилган кўплаб лойиҳаларда кўп ҳолларда уни қўллашнинг мақсадга мувофиқлик ва мувофиқ эмаслик тўғрисида саволлар пайдо бўлди. Бунинг асосий сабаби эса кўплаб лойиҳаларнинг иқтисодий самарасизлиги, шунингдек шартноманинг ўртача нархларининг ортиб бориши билан изоҳланади. “Хусусий молиявий ташаббус” (“Private financial initiative”)нинг норозилиги ортиб бориши сабабли дастурда бир қатор тузатиш ва ўзгартиришлар амалга оширилди. Ҳозирда дастур рискларни баҳолаш, лойиҳанинг манфаатли ва самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларни ўз ичига олади, шунингдек шартномаларни тузиш ва баҳолаш жараёнларини ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, Европада ДХШни амалга оширишда Буюк Британиянинг улуши қарийб 50 фоизни ташкил этсада, лойиҳаларнинг муҳим қисми тез-тез юқори харажатлар ва самарасизлиги туфайли узоқ муддат фаолият юритмасдан тугатилиш ҳолатлари кузатилади. Шу боис ДХШнинг инглиз тажрибаси ноёб модел деб айтиш мақсадга мувофиқ эмас.

Кўпгина экспертлар МДХда асосан Россияда ДХШ модели кўп жиҳатдан Француз моделига ўхшаш деб ҳисоблашади. Бу параллел, айниқса, МДХ мамлакатлари концессиясини ва Франциядаги “классик” имтиёзларни солиштирганда аниқ, гарчи моделлар аслида ўхшаш бўлсада, Францияда уларни амалга ошириш учун жиддий асос мавжуд.

Биринчидан, ДХШни тартибга солувчи француз қонунчилиги фақат битта қонуний ҳужжат билан чегараланмайди, қонунларнинг бутун мажмуаси (LOPSI, LOPJ ва бошқалар) мавжуд. ДХШ лойиҳалари, шунингдек иккита йирик гуруҳга бўлинади – “шартномавий” ва “институционал” шакллар. Институционал шакл давлат ва хусусий компания (“Société d’économie mixte”) ўртасида “қўшма корхона” ташкил этилади. Бу қўшма корхона улушида қонунга кўра, давлат капиталининг улуши 50 – 85% бўлиши керак. Шартномавий шаклда эса қуйидаги хусусиятларнинг мавжудлиги сабабли инглиз моделидан фарқли бўлган имтиёзларни ўз ичига олади: бунда давлат мулкни хусусийлаштириш имкониятини тўлиқ равишда четлаб ўтиш, давлат инвестицияларига устувор муносабатнинг мавжудлиги бу моделнинг мураккаб хусусияти саналади.

Францияда 2004 йилда Иқтисодиёт ва Молия вазирлигида давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича махсус тузилма ташкил этилди. Ушбу бўлинма лойиҳаларни амалга ошириш учун шартномалар тузишда консултатив ва ташкилий функцияларни амалга оширади. Мазкур тузилма томонидан бериладиган экспертиза хулосаси лойиҳаларни шакллантиришнинг асосий шarti ҳисобланади. Бундан ташқари тузилма лойиҳаларни бажарилишини назорат қилиш ва ҳатто асосли таклифлар мавжуд бўлганда шартномага ўзгаришлар қилиши мумкин.

Франция ДХШ лойиҳалари инглиз тажрибасидаги каби кўп бўлмасида, уларни амалга ошириш самарадорлиги ва жиддий давлат назорати билан ажралиб туради. Шундай қилиб, жaxon тажрибаси шуни кўрсатадики, концессия ДХШгида асосий ўринни касб этади, ammo унинг миқдори хусусий сектор таваккалчилигини тўлиқ баҳоламаслик натижасида камайиш тенденциясига эга.

Бироқ концессия ва ДХШнинг бошқа шаклларидаги камчиликлар мавжуд бўлсада, халқаро аҳамиятда бундент маблағларини тежаш, аҳолининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, қулай иқтисодий муҳитни яратишнинг асосий омили бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ДХШ ривожлантиришга қаратилган изчил амалий тадбирлар асосида бир нечта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши бошланди. Бунинг учун инвесторларга ер участкалари, буш турган бинолар, шу жумладан фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш ва инвесторлар билан 50 йил муддатта давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув тузиш кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда республикада 4 893 та давлат мактабгача таълим муассасаси фаолият олиб бораётган бўлиб, уларни молиялаштиришга фақат 2016 йилда Давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган [7].

Давлат-хусусий шерикчилик механизмини ҳозирги кунда малакатимизда ижтимоий соҳаларда кенг миқёсда қўллаш амалиёти бошланди. Бир вақтнинг ўзида мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим саналган саноат марказларида, эркин иқтисодий зоналар ва инновацион кластерларда инфратузилма ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини, давлат хусусий шерикчилиги иштирокида амалга оширишни жадаллаштиришни тақозо этади.

Ўрганилган хорижий тажриба асосида шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ДХШ асосида фан, техника ва инновациялар, комунал соҳа, транспорт хизматлари йўл сектори, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, энергиянинг қайта тикланувчи манбалари, механик муҳандислик, металлургия, қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида лойиҳаларни амалга ошириш келажақда катта истиқболли ривожланишга омил бўлиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда биринчи марта Франциянинг “Veolia” компанияси билан биргаликда ДХШ асосида лойиҳа амалга ошириляпти. Лойиҳанинг мақсади Наманган шаҳрида энергия хизматларини бошқариш комплекс тизимини жорий этиш механизмини аниқлаш, шунингдек кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли хонадонларини 100 фоиз иссиқлик энергияси билан таъминлашдан иборат. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини кескин ошириш ҳамда шаҳар хўжалигининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган инновацион технологиялардан кенг фойдаланилади.

Мутахассисларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра мазкур лойиҳа асосида иссиқлик таъминоти кўрсаткичларининг кескин яхшиланиши, жумладан, энг юқори истеъмол даврида ҳам иссиқлик энергиясини барқарор узатилишини таъминланиши, авария ва фавқулодда вазиятлар бўйича тезкор чоралар кўриш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, атмосферага зарарли чиқиндиларни сезиларли даражада қисқартириш ҳисобига экологик муҳитни яхшилаш, бир йилда 24,5 млн м<sup>3</sup> табиий газни иқтисод

қилиш ва иқтисод қилинадиган газни экспортга йўналтирилишидан йилига 3,1 млн АҚШ доллари миқдорда валюта тушумига эришилади [8].

Хулоса қилиб айтганда, бу йўналишдаги ҳар қандай ҳамкорлик асосан лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қурилиш, тиклаш, илмий тадқиқотлар, хизмат кўрсатиш, эксплуатация ва ишончли бошқарувни амалга оширишни ўз ичига олиб аҳолининг турмуш тарзи яхшиланишига, мамлакат бюджет харажатлари камайишига, иқтисодиётнинг барча соҳаларига инновация ва инновацион бошқарувни кириб келишига сабаб бўлади. Маълум бир лойиҳа доирасида шериклар бирга хизмат қилишининг асосий шартлари жаҳон тажрибаси асосида шаклланган юридик асосга эга бўлган шартномада белгиланиб, уни тузиш учун эса халқаро андозалар асосида шаффоф тендер ўтказилишини таъминлаш керак. Хусусий шерикка унинг лойиҳасини амалга ошириш учун давлат кафолатлари ва давлат иқтисодий кўмагини тақдим этишининг ҳуқуқий асослари ва механизмларини ишлаб чиқиш бу йўналишда бажарилиши муҳим бўлган асосий масалаларидан биридир.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. PierreGuislain, MichelKerf. Concessions – The way to privatize infrastructure sector monopolies. // Viewpoint. – October 1995, Note No. 59.
2. Государственно-частное партнерство: теория и практика. Учеб. пособие. Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. – М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2010. – С. 56.
3. Gerrard M. B. What are public-private partnerships, and how they differ from privatizations? // Finance & Development. – 2001. – Vol. 38. – № 3.
4. Feller S. Partenariato public-privato: unonuova forma di cooperazionetraStatoedeconomia private // UBS outlook. – 2009. - № 2. – P. 9-10.
5. Государственно-частное партнерство: теория и практика. Учеб. пособие. Варнавский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. – М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2010. – С.59.
6. Сазонов В. Е. Государственно-частное партнерство: гражданско-правовые, административно-правовые и финансово-правовые аспекты / Кафедра административного и финансового права Российского университета дружбы народов. – М., 2012. – С. 213
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261 сон “Мақтабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ШАРҲ. <http://www.uza.uz>. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида.

М.Абдуллаева,  
ТДЮУ докторанти

#### КОНСТИТУЦИАВИЙ СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**Аннотация:** мазкур мақолада мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни демократлаштириш шароитида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва Ўзбекистон Республикасида конституциявий одил судлов фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** ҳокимиятлар бўлиниши, суд тизими, конституциявий назорат, конституциявий одил судлов, Конституциявий суд ваколатлари.

**Аннотация:** в данной статье анализируются сущность закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан» в условиях модернизации страны и демократизации общества, а также перспективы совершенствования правовых основ деятельности конституционного правосудия в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** разделение власти, судебная система, конституционный надзор, конституционное правосудие, полномочия Конституционного суда.

**Annotation:** in the article it is analysed the law “On Constitutional court” in Republic of Uzbekistan in the condition of modernization of the state and democratization of society, and improvement of the legal framework of the activity of constitutional judiciary

**Key words:** the separation of power, the judicial system, constitutional control, constitutional justice, the functions of Constitutional court

Маълумки, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат мавжуд бўлиши ҳамда фаолият юритишининг муҳим шартларидан бири Конституция устуворлигининг таъминланишидир.

Конституциявий судлар конституциявий тузум асосларини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, конституция устунлигини ва унинг тўғридан-тўғри қўлланилишини таъминлаш, яъни Конституцияда эълон қилинган ва кафолатланган асосий қадриятларга риоя этиш ҳамда таъминлаш мақсадида суд ҳокимиятини конституциявий суд ишларини юритиш шаклида мустақил амалга оширишга ихтисослашган махсус конституциявий назоратни амалга оширувчи олий орган ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус орган – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган Конституциявий судни ташкил этиш ва фаолият юритиши назарда тутилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида “Конституция... устунлиги сўзсиз тан олинади” ва “бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”. Мазкур нормадан келиб чиққан ҳолда Конституциявий суд конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминловчи давлат ҳокимияти тизимидаги муҳим органдир. Шу боис

давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмларидан бирини барпо этиш, шунингдек Конституциянинг устунлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилди. Конституциявий суд фаолияти дастлаб 1995 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинар эди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга оид вазифалар, шунингдек давлат ҳокимияти тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятнинг мунтазам ўзгараётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши Конституциявий суд фаолиятини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилди. 2017 йилнинг 1 июнида матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)ги ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар Конституциявий суд тарихида янги даврни бошлаб берди.

Энг аввало таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши бошқа суд тизимидан алоҳида, маъмурий ва молиявий жиҳатдан мустақил, давлатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Бош Қомусимизга мослигини текширадиган ягона орган сифатида фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Дастлаб, мазкур Қонун янги таҳрирда қабул қилиндими ёки қонун янгидан қабул қилиндими деган саволга жавоб топсак. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 30 декабрдаги 237-II / 150-II-сонли қўшма қарорига мувофиқ янги қонун қабул қилиш тартиби келтирилган [1, 6-бет].

Мазкур қўшма қарорга мувофиқ Қонунга уни моҳиятан қайта ишлашни талаб қиладиган ва айрим таркибий бирликларининг янги таҳрири билан чекланиб бўлмайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, қонунга унинг деярли барча таркибий бирликларига дахлдор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлса, қонуннинг фақат айрим таркибий бирликлари ўз аҳамиятини қисман сақлаб қолса, янги қонун қабул қилиб, айти бир вақтда аввал амалда бўлган қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш мақсадга мувофиқлиги келтирилган. Юқоридагидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонун деярли барча таркибий бирликларига дахлдор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти бўлганлиги боис қонун янги қабул қилинди. Шунингдек мазкур Қонун конституциявий

мақомга эга бўлди, яъни оддий қонунларга кўпчилик овоз талаб қилинса, конституциявий қонунга учдан икки қисм овоз талаб қилиниши билан фарқланади.

Аввалги таҳрирдаги қонун 33 моддадан иборат бўлса, янги қонун 45 моддадан иборат.

Мазкур суд ваколатларига муҳим ўзгартиришлар киритилди. Конституциявий суд фаолиятининг асосий принциплари сифатида Конституциянинг устунлиги, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги каби янги принциплар ўз ифодасини топди ҳамда ҳар бир принципнинг мазмун-моҳияти алоҳида моддаларда очиб берилди.

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Конституциявий суд Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларини, Ўзбекистон Республикаси халқро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаши ваколати ҳам мустаҳкамланди.

Қайд этиш жоизки, Конституциявий суднинг бу ўринда конституциявий назорат соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди. Ҳуқуқ назариясида конституциявий назоратнинг европа ва америка модели мавжудлиги қайд этилади [2, 6-бет]. Европа моделининг ўзига хос хусусиятларидан бири конституциявий назорат қонун кучга киргунга қадар (“ex-ante”) ҳам амалга оширилиши мумкин (ГФР, Франция, Португалия, Руминия). Ўзбекистон Республикасида Конституциявий суднинг юрисдикцияси расман қабул қилинган ва юридик кучга кирган (“ex-post”) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатангина татбиқ этилар эди. Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Конституцияга мослигини назорат қилмайди. Қонунга *Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларини Президент имзолагунга қадар Конституцияга мувофиқлигини текширади* мазмунидаги норманинг киритилиши Европа Кенгашининг Венеция комиссияси томонидан давлатларга берилган тавсиялари амалга оширилишига хизмат қилди.

Ҳуқуқий модернизациянинг муҳим таркибий қисми инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришдир. Аҳамиятли қўшимчалардан бири Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқиши мазмунидаги ўзгартишнинг киритилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу суднинг мазкур ваколати шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги бўйича шикоятлар ва судлар сўровига кўра, Суд қонунчилиқда белгиланган тартибда қонуннинг аниқ ишда қўллаш ёки тегишлилигини текширади. Судлар сўровига кўра, ишни кўриб чиқиш Конституциявий суднинг доимий ва муҳим фаолият йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимига кирувчи бошқа судлар билан ҳамкорлигини таъминлайди.



Конституциявий суднинг судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар айли Олий Мажлис палаталари ва Президентга мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш мажбурияти киритилди. Мазкур тартиб келгусида қонун устуворлигини таъминлаш, унинг принциплари ва нормаларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек Бош Қомус нормаларига зид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишининг олдини олади. Энг муҳим жиҳати шундаки мазкур ўзгартириш қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Конституциявий суднинг ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди юқорида кўрсатилган ваколатлардан ташқари, бошқа ваколатларга ҳам эга. Конституциявий суднинг ваколатларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Конституцияда назарда тутилган ваколатлар;
- 2) Қонунда назарда тутилган ваколатлар [3, 450-бет].

Конституцияда назарда тутилган ваколатлар жумласига Конституциянинг 83-моддасида мустақамланган Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 95-моддада назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишда унга маслаҳат бериш ваколати киради. Конституциявий суднинг бошқа қонунларда назарда тутилган ваколати жумласига Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси 3-қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинишини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан мустақам ҳамкорликда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ўтиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва таомилларга риоя этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ваколати ҳам келтирилган.

Шунингдек, Конституциявий судни шакллантиришнинг демократик механизми ҳам жорий қилинди. Яъни мазкур Суд Президентнинг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат таркибда сайланади. Бунда Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари аъзолар томонидан ўз таркибидан сайланиши белгилаб қўйилаётгани диққатга сазовордир. Бу

суднинг чинакам мустақиллигини таъминлашга, унинг фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ Конституциявий суд беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд доимий ишлайдиган органдир. Конституциявий суд судьясининг ваколати муддати — беш йил. Конституциявий суднинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади. Конституциявий суднинг судьяси лавози-мида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни ташкил этади. Айни бир шахс икки мартадан ортиқ Конституциявий суднинг судьяси этиб сайланиши мумкин эмас мазмунидаги норма билан ўзгартирилди. Ушбу мазмундаги норманинг киритилиши конституциявий суд фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Давлат ҳокимияти тизимини изчиллик билан такомиллаштириш ва мазкур ҳокимиятнинг мунтазам ўзгараётган ижтимоий муносабатлар билан уйғунлашиб бориши келгусида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш долзарблигини белгилаб беради. Зеро, Х.Одилқориев таъкидлаганидек, “Конституциявий суднинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида фаол иштирок этиши мамлакатда рўй бераётган ўзгаришларга конституциявий ҳуқуқий мазмун-маъно бағишлайди, шунингдек ҳокимиятлар тақсимланиши тизимида суд ҳокимиятининг мавқеи Конституция принципларига мувофиқ тарзда мустақамланишига олиб келади” [4, 21-бет].

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида конституциявий назорат Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлигини мақсадга мувофиқ деб билдек ва уни қуйидагича асослаймиз:

Сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларга мувофиқ, конституциявий судга ҳокимият тармоқлари ўртасида юзага келган тенгликнинг, мувозанатнинг кафили сифатида ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида низо келиб чиққан тақдирда уларни келиштириб қўювчи ҳакам ёки воситачи сифатида қаралади.

Кўплаб ривожланган демократик давлатларнинг конституциявий судлари (Қозоғистон, Австрия, Польша) давлат органларининг ваколатига доир низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. Шу боис гарчанд, ҳозирги кунга қадар ҳокимият тармоқлари ўртасида ихтилофлар юз бермаган бўлсада, Конституциявий судга давлат органлари ўртасида вужудга келадиган низоларни кўриб чиқиш ваколатини бериш лозим. Айрим мамлакатларда мансабдор шахсларнинг конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлигини амалга ошириш учун махсус органлар ташкил этилади. Масалан, 1982 йил Польшада Конституциявий трибунал ва Давлат трибунали таъсис этилган. Давлат трибунали давлатнинг олий мансабдор шахслари содир этган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади. Мамлакат президенти, Вазирлар Кенгаши раиси ва аъзолари, депутатлар ва сенаторлар шундай шахслар жумласига киради [5, 47-бет]. Конституциявий жавобгарлик бир қатор давлатларда конституциявий суд томонидан амалга оширилади. Чехия Республикаси Конституциясининг 87-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд бевосита

конституциявий жавобгарликка оид масалаларни кўради [6, 128-бет].

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда конституциявий одил судловнинг самарали механизмнинг амалга оширилиши Конституциямизда муҳрлаб қўйилган Конституциянинг устуворлиги принципини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқ бўлишини амалда таъминлайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилган қонунларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 30 декабрдаги 237-II / 150-II-сон қўшма қарори. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 2011. – № 1. – 15-модда.)

2. Саломатин А.Ю., Корякина А.С. Электронный научный журнал «Наука. Общество. Государство». – 2014. – № 2 (6).

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. – Т.:Ўзбекистон, 2013. – Б. 450.

4. Х.Т.Одилқориев. Конституциявий одил судлов – ҳуқуқий модернизациялашнинг муҳим омили. // Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси. – 2008. – № 16. – Б. 21.

5. Ҳуқуқ ва бурч. // – 2012. – № 6. – Б. 47.

Чехия Республикаси Конституцияси // Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. – Б. 128.

**Д.Ф.Нурмухамедова**

самостоятельный соискатель Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

#### ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ПАЛАТ ПАРЛАМЕНТА В ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВАХ: СООТНОШЕНИЕ СТАТУСА И ЮРИСДИКЦИЙ

**Аннотация:** в статье автор на основании теоретико-правовых и исторических фактов предлагает сравнительный анализ полномочий верхней и нижней палат, а именно, взаимодействие палат в законотворческом процессе с практикой применения верхней палатой права вето и его преодоление нижней палатой, круг полномочий во взаимоотношениях с главой государства и правительством, контрольные полномочия за исполнением законов и деятельностью должностных лиц, кадровые полномочия и одобрение кандидатур на высшие государственные должности.

**Ключевые слова:** бикамерализм, полномочия верхней и нижней палат, совместные полномочия, право вето верхней палаты, преодоление разногласий при взаимодействии верхней и нижней палат, взаимоотношения с главой государства и правительства, контрольные и кадровые полномочия.

**Аннотация:** мақолада тарихий ва назарий-ҳуқуқий фактларга асосланган ҳолда муаллиф юқори ва қуйи палаталарнинг қиёсий таҳлилинини ўтказишни тақлиф этган. Хусусан юқори палата вето ҳуқуқини қўллаш амалиёти ва уни қуйи палата томонидан енгиб ўтиш билан палаталарнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги, давлат раҳбари ва ҳукумат билан ўзаро муносабатлардаги ваколатлари доираси, қонунлар ижроси ва мансабдор шахслар фаолияти бўйича назорат ваколатлари, кадрлар бўйича ваколатлар ва юқори бошқарув лавозимларга номзодини тасдиқлаш.

элмаган ҳолда ёки фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролари бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти бўлиб ҳисобланади. Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқӣ асослари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этилишига доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, бундай кластерлар фаолиятининг асосий вазифаси бўлиб, биринчидан, ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритиш учун кластер ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, иккинчидан, ёш тадбиркорларга рухсат берувчи ҳужжатларни, кредитлар олиш, бизнес-режалар тайёрлаш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, савдо бозорларини топиш ва бошқалар учун зарур хизматларни тайёрлашда амалий кўмаклашиш, учинчидан, ёшларга бизнесни юритиш асосларини ўргатиш, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, шунингдек ёш тадбиркорларга малакали ходимларни танлашда ёрдам бериш, тўртинчидан, стартаплар ташкил этиш учун бизнес-инкубаторлар вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини ошириш, улар фаолиятини барқарор ривожлантириш кабилар ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқӣ химоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида” ги Фармонининг [3] аҳамияти беқиёсдир. Ушбу фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ислохотлар самарадорлиги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимининг янги таъсирчан механизмларини жорий этишдан иборатдир. Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш тизимининг самарадорлик доираси ортмоқда. Хусусий мулкдорлар ҳуқуқи устиворлиги таъминланмоқда. Иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати изчил ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига қонуний аралашувига барҳам бериш бўйича кўриладиган қонуний ва амалий чоралар ўз самарасини бермоқда. Бошқача айтганда, тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устиворлиги принципи кафолатлари яратилди. Қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фойдасига ҳал этиш механизми яратилганлиги улар фаоллигини ошириш баробарида тадбиркорлик эркинликларининг конституциявий асосларини амалда рўёбга чиқариш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида” ги Фармони [3] мамлакатимиз ҳуқуқий тизимидаги янгилик бўлиб ҳисобланади. Унда нафақат вакилнинг ҳуқуқий мақоми, балки унинг фаолиятининг асосий принциплари, асосий вазифа ва йўналишлари, ўз ваколатларини амалга оширишнинг тартиб-таомиллари билан боғлиқ бир қатор нормалар ўзининг ифодасини топган. Конституциямизда белгиланган тадбиркорлик эркинлиги принципини рўйбага чиқаришда вакил томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Бинобарин тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг Вакил институтининг ташкил этилганлиги, уларнинг ҳимоя тизимини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Вакил бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этади. Давлат органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиш юзасидан назоратни амалга оширади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текшириш амалга оширилаётганда уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйбага чиқаришни ўрганади. Шунингдек, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсири самарадорлигини баҳолайди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланишига, уларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, Вакил томонидан тадбиркорликдан келиб тушган мурожаатлар кўриб чиқилмоқда. Натижада уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органларига тақдимнома, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан огоҳнома киритилиб, тегишли таъсир чоралари қўлланилмоқда. Республикаимизнинг тегишли ҳудуддаги туман ва шаҳарларда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими йўлга қўйилганлиги, улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлик соҳасида инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш тизими бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, инновацион тараққиётнинг узоқ даврга мўлжалланган истиқболли дастурларни шакллантириш ва уни ижтимоий ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш пировард мақсад бўлиб ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини инновацион ғояларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги равшан. Тадбиркорлик фаолияти бўйича инновацион таълимни ривожлантириш объектив зарурат. Тадбиркорлик таълими, билим ва амалий кўникмаларини шакллантирмасдан инновацион тараққиётга эришиб бўлмаслиги ҳам айна ҳақиқат. Замонавий инновацион билимга эга бўлган тадбиркорлар корпусини шакллантириш иқтисодиётни тараққий эттиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тизимига тамомила янги инновацион ёндашувларни

ишлаб чиқишни тақазо этмоқда. Энг муҳими, натижадор тадқиқотларни амалиётга қўллашнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўришни талаб этмоқда. Қолаверса, инновацион тадбиркорлик тафаккурини заруриятини келтириб чиқармоқда.

Тадбиркорлик фаолиятида чинакам эркин рақобат муҳитини яратиш, назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан уларга замонавий билим бериш ва электрон хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва усулларини қўлланилишига тўлиқ эришилиши турли тадбиркорлик субъектлари учун тенг имкониятлар яратилиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича уларни рағбатлантиришнинг кафолатланган ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, бозорда устун мавқега эга бўлишни олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларининг самарадорлигига эришишни талаб этмоқда. Айниқса, улар фаолиятига аралашиб, ноқонуний текшириш ҳолатларига узил-кесил барҳам бериш мақсадида самарали ҳуқуқий воситаларни қўллаш эркин тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни рўйбага чиқаришни муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг инновацион тараққиётга эришишда “ўлик” қонунлардан тамомила воз кечиш, эркин тадбиркорликка тўсиқ ва ғов бўладиган, улар мулкий ва ҳуқуқий хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатадиган нормаларни, хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун”ни такомиллаштириш лозим. Давлат ва хусусий шерикликни ривожлантиришда шартномавий алоқадорликни мустаҳкамлаш лозим. Шерикликнинг ҳуқуқий шакли шартнома бўлганлиги боис уни амалиётда қўллаш меҳанизмларини самарадорлигига эришиш лозим.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида [7] барча тадбиркорлик субъектлари молиявий-ҳўжалик фаолияти текширувини 2 йилга тўхтатиш ҳақидаги таклифи том маънодаги Конституциявий эркин тадбиркорликни сўзда эмас, балки амалда қарор топтиришга замин яратади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Керак бўлса, бу қонунларни оддий одамларимиз ва тадбиркорларимиз манфаатлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга ҳам тайёрман” деган фикрлари конституциявий нормага айнан ҳамоҳанг бўлиб, конституциявий кафилликнинг ёрқин намунасидир. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шуки, бугун ҳуқуқий тафаккуримиз тамомила инсон ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи назаридан тубдан ўзгартиришимиз лозим.

Фаол ва эркин тадбиркорлик ва инновация узвий боғлиқликни назарда тутсақ, тадбиркорлик таълими ва ҳуқуқий маданияти даражаси инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Шу жиҳатдан қараганда инновацион тадбиркорлик билимини болалар боғчасида, мактаб, лицей, коллеж ва махсус олий таълим тизимида пухта эгаллашнинг оммани ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, бизнес-мактаблар сонини кўпайтириш, миллий ва хорижий бизнесменлар тажрибасини масофавий (онлайн) тизимида ўрганишнинг яхлит чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизда махсус инновацион тадбиркорлик олий таълим муассаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Тегишли ҳудудларда унинг филиалларини очиб, бу борада тизимли ишларни ташкил этиш ва уни мувофиқлаштириш юксак тадбиркорлар корпусинининг шакллантиришнинг

асосий шарт ҳисобланади. Хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олиб инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича (Инвестиция омбудсмани) институтини шакллантириш объектив заруриятдир. Бундай оммавий ҳуқуқий ҳимоя тизимини йўлга қўйилиши, инвестиция Маслаҳатчиси ва воситачиси институтини қўллаш ва унинг самарадорлигига эришиш хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича махсус истиқболли давлат Концепциясини ишлаб чиқиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш лозим. Хорижий инвестицияни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишни самарали ташкил этмасдан инновацион иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу борадаги ташкилий-ҳуқуқий масалаларни эртага эмас, балки бугун ҳал этиш керак. Энг муҳим масаланинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилик ҳолати инновацион жараёнларни ҳуқуқий таъминлашга мос келадими деган савол туғилади. Бизнингча йўқ. Бу тизимлаштириш билан боғлиқ камчиликдир. Тадбиркорлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини унификация қилиш мақсадида, уни тизимлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги тизимлаштириш ишлари муайян даражада бошланган бўлсада, бироқ тадбиркорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг бугунги талаби ва эҳтиёждан ортда қолмоқда.

Бу борадаги камчиликларни бартараф қилиш мақсадида давлатимиз раҳбари Ш.Мивзиёев томонидан “Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция” ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш лозимлиги ҳақидаги билдирган таклифлари муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганидек, қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт деган фикрлари қонунчилик фалсафаси тизимини ва мазмунини белгилашда таомила янги шакллантиришни тақозо этади. Қонун ижодкорлик фаолиятида халқнинг иштироки ва улар ташаббус ҳуқуқининг амалга ошириш механизмларини янги босқичга кўтариш мақсадида интернет тармоғида “Менинг фикрим” деб номланган махсус саҳифаси демократиянинг илғор механизми сифатида жамoa бўлиб, электрон мурожаат киритиш тартибига оид билдирган таклифлари қонун ижодкорлик фаолиятининг истиқболлини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида “Инновацион ва ижтимоий тадбиркорлик қонун ҳужжатларини ривожлантиришнинг концептуал ёндашувга эҳтиёж мавжуддир. Илмий таҳлиллар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, бу борадаги ишларга дастурий тизимли ёндошув қонунлар устуворлигини таъминлашга ва унинг сифати, узвийлиги ва уйғунлигига оид мавжуд бўшлиқ ва камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Тизимли тадқиқот ишлари натижалари ва хорижий давлатлардаги ҳуқуқий сиёсатнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олиб бу борада комплекс ҳуқуқий ислоҳотлар давлат дастурини ишлаб чиқишга объектив эҳтиёж вужудга келмоқда. Бундай стратегик ва тактик аҳамиятга молик дастурларнинг ишлаб чиқиши ва руёбга оширилиши инновацион тадбиркорликнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, эркин ва инновацион тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари ва улар фаолиятига оид замонавий, таркибий тузилмаларига янги ёндашувларнинг ишлаб чиқиши кучли бизнесменлар корпусини шакллантирилиши инновацион иқтисодиётнинг юксалтиришнинг ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 333-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 991-модда.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2017 й., 06/17/5278/0404-сон.
6. Халқ сўзи. 2017. 9 сентябрь.
7. Халқ сўзи. 2017. 23 декабрь.
8. Халқ сўзи. 2018. 23 январь.

М.М.Камалов

ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯККАБОШЧИЛИК ВА КОЛЛЕГИАЛ АСОСДА БОШҚАРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** мақолада акциядорлик жамиятининг ижроия органларини ташкил этишнинг яккабошчилик ва коллегиял усули тадқиқ этилади. Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ҳамда хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил этиш асосида акциядорлик жамиятларининг ижроия органлари тизими, улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини очиқ беради. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар асослангади.

**Калит сўзлар:** юридик шахс, акциядорлик жамиятлари, ижроия органи, директор, жамият бошқаруви, ишончли бошқарувчи, кузатув кенгаши, яккабошчиликдаги ижроия органи, коллегиял ижроия органи.

**Аннотация:** в статье исследуются коллегияльные и единоличные методы организации исполнительного органа акционерных обществ. Автор раскрыл своеобразные особенности системы исполнительного органа акционерных обществ исследовав законодательство зарубежных стран а также различные взгляды правоведов. В качестве результата исследования автор выдвинул дополнения и изменения к закону Республики Узбекистан “Об акционерных обществах и защите прав акционеров”.

**Ключевые слова:** юридическое лицо, акционерные общества, исполнительный орган, директор, управление общества, наблюдательный совет, орган единоличного управления, орган коллегияльного управления.

**Annotation:** the article explores the collegial and individual methods of organization of the executive body of joint-stock companies. The author revealed special peculiarities of the executive body system of joint-stock companies by studying the legislation of foreign countries and also the different views of lawyers. As a result of the study, the author offered the additions and changes to the law of the Republic of Uzbekistan "On joint-stock companies and protection of shareholders' rights".

**Keywords:** legal entity, joint-stock companies, executive body, director, management of the company, supervisory board, body of one-man management, collegial management body.

Иқтисодиётни бошқариш ва бизнесни юритишнинг замонавий шаклларида бири улушларни йириклаштириш ва уларни ҳиссалар кўринишидаги акцияларга ажратган ҳолда ҳўжалик фаолиятини олиб бориш ҳисобланади. Акциядорлик жамиятлари (АЖ) ҳам бизнеснинг йирик шакли сифатида нафақат улуш эгаларининг мол-мулклари ва маблағларини самарали бошқариш ва иқтисодий фойда олишни назарда тутди, балки иқтисодий муомалада бошқа субъектлар билан ҳуқуқий алоқаларга киришиш йўли билан бозор рақобати шароитида иш олиб боради. Мазкур

шароитда АЖларни бошқариш, унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш – жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликда АЖ ижроия органининг уч хил кўриниши назарда тутилган бўлиб, улар куйидагичадир:

- 1) директор;
- 2) жамият бошқаруви;
- 3) ишончли бошқарувчи (Ўзбекистон

Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддаси).

Директор жамиятни яккабошчилик асосида бошқарувчи институт ҳисобланади. У жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш баробарида юқори турувчи орган – умумий йиғилиш ва муайян масалалар бўйича кузатув кенгаши олдида ҳисобдор саналади.

В.В.Шапка ва Ф.А.Бобровларнинг фикрича, АЖнинг якка бошчиликдаги ижроия органи у мансуб бўлган юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми элементларидан фарқ қиладиган элементларга эга. Яккабошчилик ижроия органининг ҳуқуқий мақомини бир органининг бошқаси билан ва бевосита жамият билан ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи комплекс категория сифатида ифодалаш мумкин [9, - С. 54].

В.И.Хныкин ёзишича, АЖ бошқарувнинг якка бошчилик асосида органи (директор, бош директор) жамият фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширувчи ва директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобдор бўлган, шартномавий, тўлов ва меҳнат интизоми, шунингдек ўзининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жамиятга етказган зарари учун шахсий жавобгарлик зиммасига юкланган бошқарув органидир [8, - 20 с.].

Фикримизча, директор яккабошчилик асосида жамиятнинг кундалик бошқарувини амалга ошириш ваколати юклатилган шахс сифатида унинг фаолияти юзасидан барча қарорларни бевосита амалга оширувчи ва айна пайтда ушбу қарорлар амалга оширилишини назорат этувчи АЖ таркибий тузилмаси ҳисобланади. АЖнинг яккабошчиликдаги ижроия органи қандай номлар (бош директор, директор, президент) билан аталмасин унинг ҳуқуқий мақоми ўзгармайди ва у жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаришга қаратилган ваколатлар билан таъминланган жисмоний шахс ҳамда АЖнинг бошқаруви бўлиб қолади. Шу ўринда АЖнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг қандай ном билан аталиши борасида қонунчиликда муайян чеклаш мавжуд эмаслигини, қонунда фақат “раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган директор” томонидан амалга оширилиши хусусидаги норма белгиланган бўлиб, бу ҳолат АЖ “директорини” бошқа номлар билан аташни истисно этмайди. Шу боис АЖ умумий йиғилиши қарори билан билан ундаги “директор” лавозими турлича аталаши мумкин [6, - С. 127].

Директор энг аввало жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни якка ўзи амалга ошириши билан ажралиб туради. Шу сабабли адабиётларнинг АЖ директори хусусида фикр юритилганда уни жамиятнинг яккабошчилик асосидаги органи экани қайд этилади.

С.М.Алтухова юридик шахснинг яккабошчилик асосида ижроия органи табиати хусусида фикр

юритиб, куйидаги мулоҳазаларни билдиради: бир томондан директор (бош директор) муайян мустақилликка эга бўлган ҳолда умумий қоида сифатида бошқа органлари – умумий йиғилиш, директорлар кенгашининг эрк-иродасини бажаради, уларга бўйсунди ва уларнинг назорати остида бўлади. Бошқа томондан эса, брача учинчи шахслар нуқтаи назаридан директор, бош директор жамиятни ташқи муносабатларда ифода этади, фақат у битимлар туза олади ва унинг ҳаракатлари сабабли жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади [3, - С. 171].

Мантиқий нуқтаи назардан қараганда, ушбу фикр асослидай кўринади, бироқ директорнинг жамият кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга ошириши, ўзига хос жорий қарорларни қабул қилиши, жамият фаолиятини доимий назорат қилиши ҳамда унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги юзасидан одатдаги иқтисодий ҳамда юридик раҳбарликни олиб бориши каби унинг АЖ бошқарув органи сифатидаги моҳиятини элементлари ҳам мавжудлигини эътиборга олиш зарур. Бу эса директор фаолиятининг кўп қиррали эканлиги, “кундалик фаолиятга раҳбарлик” чегараси ва унинг мазмунини бирор бир ҳужжат (ҳаттоки, АЖ уставда ёки директор йўриқномаси) да тўлиқ ифодалашнинг имкони йўқлиги (барча ҳуқуқий ҳужжатларда директор ваколатлари ва унинг мажбуриятлари санаб ўтилган ҳолда, сўнгги банди “қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга” деб кўрсатилиши фикримизнинг далилидир)ни англатади ҳамда директор яккабошчи орган сифатида чиқарган қарорлари юзасидан бевосита ўзи масъул эканлигини билдиради.

А.В.Богдановнинг фикрича, юридик шахс органининг фуқаролик ҳуқуқий статуси (мақоми) унинг юридик шахснинг фаолиятидаги ролини ва юридик шахс органининг бошқа органлар ва юридик шахс билан ички муносабатларини белгилайди. Акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми яккабошчиликдаги ижроия органининг бошқа органлари ва акциядорлик жамияти билан ўзаро боғлиқлигини ифодалайдиган комплекс категория бўлиб, ўзида куйидаги элементларни қамраб олади:

акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органини ташкил этишнинг юридик-фактик асоси;  
акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органининг ваколатлари;

акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органининг ваколатларини тугатиш ва қайта тиклаш асослари;

акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги.

Акциядорлик жамияти яккабошчилик ижроия органининг бошқарув ташкилоти сифатида фуқаролик-ҳуқуқий статуси кўрсатиб ўтилган барча элементларни қамраб олади [4, - 11 с.].

АЖ яккабошчилик органи – директорнинг ҳуқуқий мақоми комплекс категория эканлиги хусусидаги фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бу ўринда директорнинг мақоми унинг юридик шахс органи сифатида ҳолатидан келиб чиқади ва унинг хатти-ҳаракатлари жамият манфаатларига йўналтирилган бўлиши лозим. Бу ўринда А.В.Богданов элементлар кўпроқ назарий аҳамият касб этади ва амалда яккабошчилик органи – директорни лавозимга тайинлаш тартиби ва шартлари, унинг ваколатлари,

жавобгарлиги масаласи қонунчиликда ҳамда у билан тузиладиган шартномада акс этади. Директорнинг жамият бошқарув органи сифатидаги мақоми унинг ваколатлари доираси ҳамда жамият номидан амалга ошириши мумкин бўлган юридик ва фактик ҳаракатлари ҳажмига боғлиқдир. Масалан, жамиятни бошқаришни алоҳида ва яхлит бутунликда оладиган бўлсак ижроия органи (хусусан, директор) мутлақ ваколатлар эгаси эмас, балки юқори бошқарув органи – умумий йиғилиш ва ташкилий бошқарув органи – кузатув кенгаши билан ҳисобдордир ва унинг ваколати кундалик фаолиятга раҳбарлик доираси билан чекланади. Шу сабабли ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи орган сифатида тавсифлаш ва унинг жамият бошқарувидаги умумий ролини ҳам айнан шу мезондан келиб чиқиб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

АЖ ижроия органининг навбатидаги кўриниши – жамият бошқаруви ҳисобланади. АЖ тўғрисидаги қонуннинг 74-моддаси биринчи қисмига кўра, агар жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув томонидан амалга ошириладиган бўлса, жамият уставда бошқарув раҳбарининг (бошқарув раисининг) ваколати ҳам белгиланган бўлиши лозим.

Бошқарув раиси коллегиял органининг раҳбари сифатида жамият кундалик фаолиятини раҳбарликни амалга оширади. Бунда бошқарув раисининг ваколатлари жамият уставда белгиланади ҳамда бошқарув раисининг жамият бошқаруvidан мустақил қандай ҳаракатларни амалга ошира олиши назарда тутилади.

Е.О.Дмитриев ва Л.А.Зинченколарнинг фикрича, жамият уставда бир вақтнинг ўзида яккабошчилик ва коллегиял ижроия органи мавжуд бўлиши назарда тутилган ҳолларда, коллегиял органининг ваколатлари аниқлаб қўйилиши лозим. Бу ҳолатда жамиятнинг яккабошчиликдаги ижроия органи функциясини амалга ошираётган шахс жамиятнинг коллегиял ижроия органи раиси функцияларини ҳам бажаради [5, - С. 98].

S.Sheikh ва W.M.Reesнинг фикрича, корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари бўйича комитет (Лондон) компаниянинг кўп ҳолларда битта шахс бўладиган бошқарув раиси ва бош ижрочи директорнинг ўрнига катта аҳамият беради. Бунда бошқарув раисининг роли корпоратив бошқарув тизимида асосий ўрин тутди. Чунки, бошқарув раисининг вазифаси – бошқарув фаолияти учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олишдан иборат. Шу сабабли комитет ваколатларнинг номақбул тақсимотини четлаб ўтиш учун бошқарув раиси ролини асосий ижро органи даражасигача кўтаришни таклиф этади. Бироқ бу таклиф унчалик ҳам муваффақиятли эмас, бинобарин бошқарув раиси ва бош ижрочи директорнинг ўрин ва мажбуриятларини чеклаб қўйиш тўғрисидаги ғоя ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолат бошқарув раиси томонидан ваколатларни суиистеъмол қилишининг олдини олишга хизмат қилади[2].

Фикримизча, бу ўринда АЖларда бошқарув раиси ва ижрочи директорларнинг вазифаларини жамият уставда аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатга амалиёт мисол келтирадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 9 июлда 1402 рақами билан рўйхатга олинган “Ўзбекэнерго” АК уставининг “9.4.-банди жамиятнинг ижроия органи – бошқарув” га бағишланган бўлиб, унга кўра, жамиятнинг ижроия органи Бошқарув бўлиб, у Жамият ишини ташкил қилади ва Жамият Кузатув

кенгашига жамият фаолиятининг яқунлари тугрисидаги йиллик ҳисоботни тақдим этади. Бошқарув жамиятнинг барча фаолияти учун жавобгардир. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Бошқарув аъзолари бўла олмайдилар. Жамият Бошқаруви 5 аъзодан, шу жумладан Раис ва унинг 4 ўринбосаридан иборат бўлиб, улар лавозимларга Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар. Жамият ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Бошқарув ишига Раис раҳбарлик қилади ва ўз ваколатлари доирасида ишончномасиз жамият номидан иш кўришга ҳақлидир. Бошқарув Раисининг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ишончнома асосида жамият номидан иш кўришга ҳақлидирлар.

Кўриниб турибдики, бу ҳолатда “Ўзбекэнерго” АЖ жамият бошқаруви 5 кишидан иборат коллегиал органи ифодалайди ва бошқарув раиси билан бирга унинг 4 та ўринбосари ҳам жамият номидан ўз ваколатлари доирасида ишончномасиз иш кўришга ҳақлидир. Бошқача айтганда, ўринбосарлар (жамият фаолиятининг муайян йўналишлари бўйича ижрочи директорлар) бошқарув раиси каби ишончнома олмасдан жамиятнинг ташқи муносабатларида унинг эркини ифода этади.

Шу билан бирга, “Ўзбекэнерго” АК устави бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг чегаралари ҳамда раис ҳамда ўринбосарлар ваколатларининг доираси белгиланганки, бу ҳолат турли хилдаги ҳуқуқбузарлик ва суиистеъмолчиликларга олиб келиши мумкин. Масалан, жамиятнинг 4 та ўринбосаридан бири жамият номидан муайян битимни тузиши мумкин ва шу орқали жамиятга катта зарар келтириш мумкин бўлса, иккинчиси ўзбошимчалик билан жамиятга тегишли мол-мулкни тасарруф этишга оид ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Шу сабабли ушбу муаммонинг ечимини топиш учун жамият уставига бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатлари доирасини аниқ белгилаш лозим.

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликда юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият юритиш ваколатига айнан кимлар эгаллиги масаласи аниқ белгиланмаган. “Юридик шахс органлари” – деб номланган ФКнинг 45-моддасида қайси орган ёки мансабдор шахс унинг номидан ишончномасиз ҳаракат қилиши назарда тутилмаган. АЖ тўғрисидаги қонунда эса, 79-моддаси олтинчи қисмида ҳамда 80-моддаси учинчи қисмида жамият номидан ишончномасиз иш юритиш хусусидаги қоида белгиланган ва бундай ваколат директор (бошқарув раиси) ҳамда жамиятнинг бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ берилган. Бироқ ушбу ҳужжатларда ҳам жамият номидан бир вақтнинг ўзида бир нечта шахс ишончномасиз иш олиб бориши назарда тутилганмаган. Бундан фарқли равишда юқоридаги мисолда (“Ўзбекэнерго” АК устави) жамият номидан бир вақтнинг ўзида 5 та шахс ишончномасиз иш олиб боришга ҳақли эканлиги кузатиладики, бу ҳолат қонун ҳужжатлари ҳамда жамиятнинг локал ҳужжатлари ўртасида кескин фарқ борлиги кўзга ташланади.

Айтиш лозимки, АЖларни бошқаришда бошқарув раиси билан ижрочиларнинг кўп бўлиши тенденцияси Германия ҳуқуқ тизимига хос бўлган жиҳат бўлиб,

Германияда нафақат бошқарув раисига бўйсунадиган директор, балки коллегиал орган сифатида бир-биридан мустақил бўлган директорлар корпуси мавжуд ва улар фақат умумий йиғилиш ҳамда кузатув кенгаши олдида ҳисобдорлар.

Бу ҳолатда Россия Федерацияси қонунчилигига эътибор қаратадиган бўлсак, юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ваколати бир вақтнинг ўзида бир нечта шахсларга тегишли бўлишлиги белгиланганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, РФнинг ГКнинг 53-моддаси 1-қисми учинчи хатбошисига кўра, таъсис ҳужжатларида юридик шахс номидан биргаликда ёки бир-биридан мустақил ҳаракат қилиш ваколати бир нечта шахсларга тегишлилиги назарда тутилиши мумкин. Бу ҳақдаги маълумотлар юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Ушбу ҳолатга изоҳ берар экан, Е.А.Суханов қуйидаги фикрларни билдиради: бир нечта директорларга эга бўлиш таклифи илгари суришда, Германия тажрибасига асосланиш лозим. Германиялик кўплаб мутахассислар компанияларда битта директор фаолият юритишига ажабланиб муносабат билдиришади. Чунки, кўшма корхоналарда ҳар бир томон ўз директорига эга бўлиши мумкин. Германия ҳуқуқи бунга йўл қўяди ва директорлар ваколатини турлича белгилашга имконият яратади[7, - С. 8-13.].

Фикримизча, юридик шахс номидан биргаликда ёки бир-биридан мустақил ҳаракат қилишга оид норма Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат юқорида таъкидланганидек, қонун нормалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасидаги тафовутни бартараф этишга хизмат қилади. Шу сабабли ФКнинг 45-моддаси иккинчи қисм сифатида қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқдир:

таъсис ҳужжатларида юридик шахс номидан биргаликда ёки бир-биридан мустақил ҳаракат қилиш ваколати бир нечта шахсларга тегишлилиги назарда тутилиши мумкин. Бу ҳақдаги маълумотлар юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Коллегиал ижроия органи сифатида жамият бошқаруви яккабошчилик органи ҳисобланган жамият директори билан бир хилдаги вазифаларни бажарсада, уларни амалга оширишдаги ҳаракатлари бўйича фарқ қилади. Жумладан, бошқарув раиси кундалик раҳбарлик ва ижроия органга тегишли бўлган ваколатларни якка ўзи ҳал қила олмаса ва ўз фаолиятини мажлислар асосида баённома тузиш йўли билан олиб борса (АЖ тўғрисидаги қонуннинг 80-моддаси иккинчи қисми), бундан фарқли равишда жамият директори ўз ваколати доирасида барча қарорларни якка ўзи қабул қилади. Агар директор – жисмоний шахс сифатида жамият органи ҳисобланса, бошқарув раиси бундай орган ҳисобланмайди ва бу ҳолатда ижроия органи фақат жамият бошқаруви ҳисобланади. Шу сабабли бошқарув раисининг ваколатлари уставда ижроия органининг ваколатларидан алоҳида ҳолда кўрсатилиши лозим (АЖ тўғрисидаги қонуннинг 79-моддаси биринчи қисми).

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг амалдаги АЖ тўғрисидаги қонунида коллегиал ижроия органи бўлган жамият бошқарувининг ҳуқуқий ҳолати, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ҳамда яккабошчиликдаги ижроия органи бўлган директорлик бошқарувидан фарқ

қилувчи жиҳатлари ҳамда жамият бошқаруви аъзолари ва бошқарув раиси ўртасидаги муносабатлар белгиланмаган. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон қонунчилигида АЖ ижроия органлари тизимининг тўлиқ шакллантирилмаганлигидан ҳамда амалда директор ва жамият бошқаруви асосидаги ижроия органларининг аралаш шакллари қўлланилаётганлигидан далолат беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Ўзбекистоннинг АЖ тўғрисидаги қонунчилиги “яккабошчиликдаги” ва “коллегиал” ижроия органини бир-биридан ажратмайди ва ҳаттоки, бундай атама ҳам қонунчиликда қўлланилмайди. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида эса қонунчиликдан фарқли равишда “яккабошчилик ижроия органи” (бош директор ёки директор) ва “коллегиал ижроия органи” (жамият бошқаруви) хусусидаги ҳолатлар ўз ифодасини топади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 5 мартда рўйхатга олинган “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси уставининг 9.2.-бандига кўра, компанияни бошқариш акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ҳамда бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқарув – компаниянинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи коллегиал ижро органи, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Ушбу уставнинг 12.3.-бандига кўра, компания бошқарув аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат. Бошқарув раҳбари бошқарув раиси ҳисобланади.

Айнан шундай бошқарув “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг устави (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ягона акциядорининг 2016 йил 30 сентябрдаги 10-сон қари билан тасдиқланган)да ҳам кузатилади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ уставининг 42-бандига кўра, жамият бошқаруви жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланади, у 6 кишидан иборат. Ушбу уставнинг 53-бандига белгиланишича, жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик жамиятнинг коллегиал ижро этувчи органи- бошқарув томонидан амалга оширилади.

Коллегиал ижроия орган асосидаги бошқарув яна бир акциядорлик жамияти – “Ўзагролизинг” АЖда ҳам кузатилади. Хусусан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан 2016 йил 14 декабрда 2-09-000205 рақами билан рўйхатга олинган “Ўзагролизинг” АЖ уставининг 112-бандига мувофиқ, жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик 5 кишидан иборат коллегиал ижроия орган – бошқарув томонидан амалга оширилади.

Хорижий мамлакатлар акциядорлик жамиятлари коллегиал ижроия органи сифатида жамият бошқарувини амалга ошириш ўзига хосдир. Бу борадаги қоидаларни таҳлил қилишар экан, германиялик мутахассислар M.Schulz, O.Wasmeier қуйидаги фикрларни билдиришади: АЖнинг бошқаруви бир ёки бир нечта шахслардан иборат бўлади. Йирик компаниялар (корпорациянинг акция капитали 3 млн. евродан ортиқ бўлган)да бошқарув, агар уставларда бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса камида икки кишидан иборат бўлади. Албатта, амалда корпорациянинг миқдори ва мураккаблигидан келиб чиқиб, жамият бошқарувида кўпчилик бўлиши мумкин.

Бундан кузатув кенгашининг аъзоси бошқарув таркибига киришига йўл қўйилмайди [1].

Фикримизча, амалдаги қонунчилик ва амалиёт ўртасидаги мазкур тафовутдан келиб чиқиб, АЖ тўғрисидаги қонунга жамият бошқаруви коллегиал ижроия органи эканлиги қоида назарда тутилиши ҳамда “79-модда. Яккабошчиликдаги ижроия органи”, “80-модда. Коллегиал ижроия органи” – деб номланиши зарур ва ундаги нормалар ҳам шу асосда шакллантирилиш лозим. Бу ҳолат жамият ижроия органининг мазкур икки кўриниши фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилашда уларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш ҳамда уларни фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Schulz M., Wasmeier O., The Law of Business Organizations, DOI 10.1007/978-3-642-17793-4\_2, © Springer-Verlag Berlin Heidelberg 2012.
2. Sheikh S., Rees W.M. Corporate governance and corporate control: self regulation or statutory codification? // International Company and Commercial Law Review . 1992. Delivery Details April 7, 2017.
3. Алтухова С.М. Правовой статус единоличного исполнительного органа юридического лица // Вестн. Волгogr. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруд. 2011. № 2 (15). – С. 171.
4. Богданов А.В. Гражданско-правовой статус управляющей организации как единоличного исполнительного органа акционерного общества: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2012. – 11 с.
5. Дмитриев Е.О., Зинченко Л.А. Правовая характеристика органов управления акционерных обществ в России // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2012. № 3 (32). С. 98.
6. Павлова М.В. Актуальные проблемы законодательного регулирования правового статуса единоличного исполнительного органа хозяйственного общества // Вестник Международного института экономики и права. 2011. - № 2 (3). – С. 127.
7. Суханов, Е.А. Корпоративное соглашение – это бомба под весь наш оборот // Закон. – 2014. – № 7. – С. 8–13.
8. Хныкин В.И. Гражданско-правовая ответственность органов управления акционерных обществ по законодательству Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: 2005. – 20 с.
9. Шапка В.В., Бобров Ф.А. Элементы правового статуса единоличного исполнительного органа акционерного общества в конституционно-правовом и гражданско-правовом аспектах //Евразийская адвокатура. 2015. – №5 (18). – С. 54.



**Б.М.Ҳамроқулов,**

Тошкент давлат юридик университети  
тадқиқотчиси, ю.ф.н.

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада меҳнат муносабатларида ходимга етказилган маънавий зиённи қоплаш тартиби ва асослари ўрганилган. Ходимнинг меҳнат билан боғлиқ ҳар қандай ҳуқуқлари бузилиши оқибатида унга маънавий зиён етказилиши мумкин. Мавзуни ўрганиш натижаси бўйича бу йўналишдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** меҳнат ҳуқуқи; меҳнат муносабатлари, зарар, маънавий зиён, товон, ходим ҳаёти, ходим соғлиғи.

**Аннотация:** в статье изучены основания и порядок компенсации морального вреда, возникающие в трудовых правоотношениях. Работнику наносится моральный вред в результате ущемления его трудовых прав. По результатам изучения темы, дано предложение по усовершенствованию законодательства в данном направлении.

**Ключевые слова:** трудовое право, трудовые правоотношения, вред, моральный вред, компенсация, жизнь работника, здоровье работника.

**Annotation:** the article explores the grounds and procedure for compensation of moral harm arising in labor relations. The employee is morally harmed as a result of infringement of his labor rights. On the results of the study of the topic, a proposal was made to improve the legislation in this direction.

**Key words:** labor law, employment relationship, harm, moral injury, compensation, the life of the employee, health of an employee.

Меҳнат муносабатларида ходимнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги кунда тадқиқот олиб бориладиган долзарб масалалардан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида турли ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга хўжалик юритувчи субъектлар сони йил сайин ортиб бориши меҳнат бозоридаги вазиятни анча кескинлашишига сабаб бўлмоқда. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг кескинлашуви натижасида иш берувчиларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ҳолатлари сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ходимлар меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигини англасада, аксарият ҳолларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилмайди. Буни бир қатор сабаблар, хусусан, иш жойидан маҳрум бўлиш хавфининг мавжудлиги, суд қарори, ҳақиқатан ҳам ижро этилишига ишонмаслик, аксарият ҳолларда эса ходимнинг ўз ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш усулларида бехабарлиги, ҳуқуқлари бузилганлигини исботлай олишига ишонмаслиги ва бошқа ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларида бири сифатида қўлланиладиган маънавий зиённи қоплаб бериш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси амалга киритилиши билан қўлланила бошланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида маънавий зиённи қоплашни назарда

тутувчи амалга киритилган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамасдан турли даражадаги суд инстанцияларида кўриб чиқилаётган меҳнат низоларининг таҳлили меҳнат ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказилган маънавий зиённи қоплашга оид меҳнат қонунчилиги нормаларини қўллашда бир қатор жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганида иш берувчи ўзининг қонунга зид ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан унга маънавий зиён етказиши мумкин, маънавий зиённи қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида белгиланган. Меҳнат кодекси 187-моддасига мувофиқ иш берувчи томонидан ходимга етказилган маънавий зиён пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зиённи қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади. Меҳнат кодексининг маънавий зиённи қоплашга тегишли нормалари иш берувчи томонидан ходимнинг ҳар қандай, мулкӣ ва (ёки) номулкий меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигида ҳам қоплашни назарда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 7-сонли қарори олтинчи бандида Меҳнат кодексининг 112-моддасига биноан суд меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганли ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик оқибатида ходимга етказилган маънавий азобларни қоплаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин. Иш берувчига бундай мажбурият итизоми жазо асосиз қўлланилганда, ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш рад қилинганда, ишдан четлатилганда, меҳнат дафтарчаси, иш ҳақи, шунингдек бошқа тўловлар ўз вақтида берилмаганлигида ҳам юклатилиши мумкинлиги белгиланган.

Биз ходимнинг меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалиёт материалларини ўрганиш ва 7-сонли Пленум қарори асосида маънавий зиён қопланиши тўғрисидаги даъволар қондирилишига сабаб бўлувчи ҳолатларга қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин:

- ходимни ноқонуний ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш;
- ходимни ноқонуний ишдан четлаштириш;
- ходимга нисбатан ноқонуний итизоми жазо чораларини қўллаш;
- ходимни асосиз равишда мукофот пулларида, кўшимча ҳақ ва рағбатлантириш тусига эга бўлган бошқа тўловлардан маҳрум қилиш;
- ходимнинг иш ҳақини тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик;
- ўз хизмат вазифаларини бажараётганида ходим соғлиғига зарар етказилиши;
- ишга қабул қилишни асосиз равишда рад этиш;
- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини таъминламаслик;
- ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олишни тақдим этилмаслиги;

- ходимнинг касабга уюшмасига аъзо бўлиш ҳуқуқи бузилиши;

- меҳнат дафтарчасини қайтариш муддатларининг бузилиши, меҳнат дафтарчасига нотўғри ёзувларнинг киритилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилмаган ҳолатларда иш берувчининг қарори билан ноқонуний моддий жавобгарликка тортилиши в.б.

Маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво талаблари ходимнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича талаблар билан бир вақтда ёки мустақил равишда қўйилиши мумкин. Агар ушбу талаб мустақил тарзда тақдим этилса, ходим корхона маъмурияти томонидан унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганини, гарчи ушбу ҳаракатлар бўйича суд тартибига алоҳида даъво талаблари тақдим этилмаган бўлсада, исботлаб бериши лозим.

Жабрланувчига жисмоний ва руҳий азобланишларнинг етказилиши иш берувчидан ходим фойдасига маънавий зиённи ундирилиши учун зарурий бўлган шартлардан бири ҳисобланади.

Меҳнат қонунчилиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларга тааллуқли жисмоний ва руҳий азобланишлар тушунчасини тўлиқ очиб бермаган. Бироқ суд бундай ҳолатларда фуқаролик ишлари бўйича қўлланиладиган амалиётда ишлаб чиқилган умумий категориялардан фойдаланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 7-сонли қарорига маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилиши кўрсатилган.

Маънавий азоблар яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги ва меҳнатдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг тарқатилиши, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин. Лекин исталган ҳолатларда маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво аризасида маънавий тусга эга азобларнинг характери баён этилиши керак – бу маънавий зиённи ундириш ва унинг миқдори бўйича чиқариладиган қарорга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Маънавий зиён етказилганини исботлаш муаммоси алоҳида амалий аҳамиятга эга. Меҳнат низолари юзага келганида ходимлар аксарият ҳолларда маънавий азобларни исботлаш, уларни бирон йўл билан қайд этишнинг имкони бўлмагани сабабли, одатда, ушбу масалани ҳал қилишда маълум қийинчиликларга дуч келишади. Ходим етарлича юридик билимларга эга бўлмасдан ва иқтисодий жиҳатдан иш берувчига қарам бўлганлиги сабабли

ўзларига маънавий зиён етказилганлигини одатда исбот қила олмайди. Иш берувчи эса ўзининг айбисизлигини исботлаш учун етарлича ресурсга эга ва аксарият ҳолларда буни исбот қила олади. Меҳнат кодекси 111-моддасида низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослигини исботлаб бериш масъулияти юклатилган. Бозор иқтисодиёти шароитида ноқонуний ишдан бўшатиш ходимни турмуш кечириш учун зарур бўлган маблағлардан маҳрум қилади, демак, нафақат моддий қийинчиликлар, балки маънавий азобларга ҳам дучор этади. Шу сабабли ходимга етказилган маънавий зиённи қоплашда ҳам зарар етказиш презумпцияси қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан ходимларга етказилган маънавий зиён қопланишининг ҳуқуқий кафолатланишини янада кучайтирилишига эришилари эди. Тадқиқотчи А.Эрделевский ҳам иш берувчи ходимни ноқонуний ишдан бўшатмаганлигини исботлаб бериши тўғрисидаги норма, аналогия бўйича ходимга маънавий зиён етказилмаганлигини ҳам исботлаб беришида қўлланиши лозим деб таъкидлайди [1, 184-бет].

Исталган меҳнат низоси юзага келганида ходим иш берувчига нисбатан мушкулроқ вазиятда бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай ҳолат ходимнинг ҳуқуқий масалаларда етарли даражада маълумотларга эга эмаслиги, унинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганида моддий аҳволи ёмонлашиши, шунингдек, ходим манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилган кундан, уларни тиклашгача бўлган вақт оралиғи узок бўлиши билан шартланади. Шу сабабдан фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши орқали етказилмайдиган маънавий зиён презумпцияси бу каби ҳуқуқ бузилишларининг ҳаммасига, жумладан мулкий тусга эга бўлганларига ҳам нисбатан қўллаш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқи ходимнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишига сарфланган харажатлари моддий жиҳатдан қопланишини назарда тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига текинга меҳнат шартномаларини тузиш имконияти кўзда тутилмаган экан, ходимнинг қонуний ҳуқуқлари исталган шаклда чекланиши унинг меҳнатга бўлган мулкий ҳуқуқларини бузилишига сабаб бўлади ва ходимга тўғридан-тўғри маънавий азоб етказилишига олиб келади.

Маънавий зиён етказилиши исбот талаб қилмаслиги зарур, аксинча, иш берувчи ходимга маънавий жиҳатдан азобланмаганини исботлаши лозим.

Жавобгарликнинг ушбу турини қўллаш учун ходим ҳуқуқларининг бузилиши ва унга маънавий зиён етказилишидан ташқари, жабрланувчининг жисмоний ва маънавий азобланишларига сабаб бўлган иш берувчининг ҳуқуқбузарликдаги айби ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Айб мавжуд бўлмаган ҳолларда жавобгарликка тортиш имконияти амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган. Хусусан, агар ходимга маънавий зиён ошиқча хавф манбаи орқали етказилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасига кўра, ошиқча хавф манбаи эгасининг айби мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар зарар қопланиши керак.

Меҳнат низоларида маънавий зиён миқдорини белгилаш бугунги кунда суд амалиёти учун энг

зиддиятли муаммо ҳисобланади. На меҳнат, на фуқаролик қонунчилигида ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланаётганида ундириладиган пул миқдорини аниқлаш тартиби кўзда тутилмаган, ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш ишни кўриб чиқаётган суд органи ихтиёрига топширилган.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонун чиқарувчи орган Меҳнат кодекси 112-моддасида маънавий зиённи қоплашнинг энг кам миқдорини белгилаб берган. Бунга кўра маънавий зиён миқдори ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас. Суд ходимга етказилган маънавий зиённи ундиришда ходимнинг ўзига хос хусусиятлари ва руҳий азобларининг чуқурлиги, маънавий зиён етказилгандаги ҳолат ва тафсилотлар, ҳам зарар етказувчи, ҳам жабрланувчининг айбдорлик даражасини ҳисобга олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1022-моддаси талабига асосан маънавий зиён фақат пул кўринишида қопланиши назарда тутилган. Агар маънавий зиённи қоплаш усули борасида Меҳнат кодексига назар ташлайдиган бўлсак, ўзгача ҳолатга дуч келишимиз мумкин. Меҳнат кодекси 187-моддасининг иккинчи қисмида “маънавий зарар (жисмоний ва руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади” дейилган. Бунинг натижасида Меҳнат кодекси маънавий зиённи қоплашнинг “моддий” шаклдаги бошқа усулини ҳам назарда тутмоқда. Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи орган моддий шаклдаги қоплаш деганда, мулкий қийматга эга бўлган товар бериш натижасида етказилган маънавий зиённи қоплашни назарда тутмоқда. Лекин пул барча нарсанинг эквиваленти ҳисобланади. Шу сабабли Фуқаролик кодексининг 1022-моддасида назарда тутилганидек, маънавий зиённи қоплаш усули пул кўринишида бўлгани мақсадга мувофиқ деб биламиз. Бу эса бевосита Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 187-моддасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Киритиладиган бу қўшимча ва ўзгартиришлар, бизнингча, қуйидаги тахрирда бўлиши керак: “Маънавий зиён (жисмоний ва маънавий азоблар) ходим ва иш берувчи ўртасида келишувга асосан ходимнинг меҳнат вазифасини бажариш натижасида вафот этиши билан боғлиқ ҳолатларда иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари билан келишувга асосан пул кўринишида қопланади”.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши оқибатида етказилган маънавий зиённи қоплаш бўйича тақдим этилган даъво аризалари учун белгиланган муддатлар қўлланиши хусусидаги масала ҳам алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 270-моддасида меҳнат низосини ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишнинг қисқартирилган муддатлари белгиланган. Масалан, ходим ишга тикланиши бўйича даъво аризасини, буйруқни олган кундан бошлаб бир ой ичида тақдим этилиши, ходим манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги бошқа тусга эга талаблар бўйича даъво аризаси эса уч ой ичида берилиши мумкин.

Ходимга етказилган маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво, юқорида қайд этилганидек, меҳнат ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ариза билан бирга ҳамда моҳияти бўйича низо ҳал бўлганидан кейин мустақил равишда тақдим этилиши мумкин. Айрим ҳолатларда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича талаблар, агар бу талаблар иш берувчи томонидан мустақил равишда қондирилса (масалан, иш ҳақи бўйича қарзлар тўланса в.б.), ходим томонидан судга берилмайди. Лекин бу ҳолат қонунчиликка кўра, маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги даъво аризасини тақдим этиш учун тўсқинлик қилмайди.

Фикримизча, ходимга етказилган маънавий зарарни қоплаш масаласида Меҳнат кодекси 270-моддасида назарда тутилган муддат қўлланилмайди. Ходим судга ўзига етказилган маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб, ўзининг номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 7-сонли қарори ўн бешинчи бандида маънавий зиённи ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмаслиги назарда тутилган.

Судларда меҳнат низоларини кўришда аксарият ҳолларда даъво муддатини қўллаб, ходимнинг ишга тиклаш тўғрисидаги талаблари рад этилади. Судлар даъво муддатини қўллаб, талабни рад этганларида ходим билан меҳнат шартномаси асосли бекор қилинганми ёки йўқлиги масаласини кўриб чиқмайдилар. Ходимнинг ишга тиклаш тўғрисидаги талаби муддатни қўллаб рад этилиши билан, қўшимча маънавий зиённи ундириш билан боғлиқ талаби ҳам рад этилмоқда [2]. Судларнинг бундай қарорларига қўшилиб бўлмайди. Тўғри суд бир томоннинг талаби билан судга мурожаат қилиш муддати узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган бўлса, даъво талабини рад этиши мумкин. Агар ходим ишга тиклаш билан бир вақтда маънавий зиённи қоплашни талаб қилса, суд муддатни қўллаб маънавий зиённи қоплашни рад қилмаслиги керак. Агар суд ходим билан меҳнат шартномаси ғайриқонуний бекор қилинган деган хулосага келса, жавобгарнинг талаби билан даъво муддатини қўллаб талабни фақат ишга тиклаш билан боғлиқ қисмини рад этиши мумкин. Юқорида таъкидлаганимиздек, маънавий зиённи қоплаш билан боғлиқ талабларга даъво муддати қўлланилмайди. Маънавий зиённи қоплашга бўлган талабни рад этиш фақат иш берувчининг айби бўлмаган ҳолатлардагина йўл қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасида меҳнат соҳасида камситилиш оқибатида етказилган маънавий зиён қопланиши кўзда тутилган. Ушбу моддага мувофиқ барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгиланганга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади. Иш берувчи томонидан ходимга нисбатан содир этилган ҳар қандай камситилиш унга нафақат моддий зарарни, балки маънавий зиён

етказилишига олиб келади. Бундай камситишга учраган ходим уларни бартараф этиш ва ўзига етказилган маънавий зиённи қоплаш тўғрисидаги ариза билан судга муурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 188-моддасига мувофиқ меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги сабабли ходим ололмайд қолган иш ҳақини иш берувчи тўлаши шарт. Лекин бундай ҳолатларда ходимга маънавий зиён етказилгани сабабли ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммолардан келиб чиқувчи руҳий изтироблар ёхуд қўлида меҳнат дафтарчаси бўлмагани учун ишсиз деган мақомни ололмаслик исбот-далил сифатида келтирилиши мумкин. Судларда бундай мазмундаги ишлар кўрилмоқда ва ходимга меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмагани учун барча кечиктирилган кунга тўлиқ ўртача ойлик иш ҳақи ундирилмоқда ва бунинг оқибатида ходимга етказилган маънавий зиён ундириб берилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 17 сентябрдаги 1-4574/15- сонли фуқаролик ишида, ходимга меҳнат дафтарчаси уч йилдан ортиқ берилмаганлиги сабабли етказилган 19154562 сўм моддий зарар ва 2000000 сўм маънавий зиён ундириб берилган [3].

Ходимнинг меҳнат қилиши учун етарли шароитлар яратиб берилмаслиги, ходимга меҳнатнинг хавфсиз ва соғлом шароитларини таъминлаб берилмаслиги, иш берувчи томонидан санитария, гигиена ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилмасликда намоён бўлади. Бунга корхона раҳбариятининг ҳаракатсизлиги сабаб бўлади, натижада касбий касалликлар ёки хасталик ривожланиши ва саломатлиги ёмонлашувидан хавотирда бўлган ходим бетоблик, оғриқли ҳолатларни ҳис қилиш ва нормал меҳнат қилиш учун бошқа ноқулай вазиятлар кўринишидаги маънавий ва жисмоний азобланишларни бошидан кечиради. Меҳнат жараёнида содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳам маънавий зиённи қоплаш бўйича даъво талабини иш берувчига тақдим этилиши учун асос бўлиши мумкин.

Ходимни енгилроқ ишга ўтказишни ғайриқонуний тарзда рад этиш ҳам тиббий кўрсатмалар бўйича унинг меҳнатнинг тегишли шароитларига бўлган ҳуқуқи бузилишига ва ходим ҳам маънавий, ҳам жисмоний азобланишига сабаб бўлади.

Ходим меҳнат вазифасини бажариш оқибатида оламдан ўтадиган бўлса, унинг оиласига, бундай жудолик натижасида етказилган маънавий зиён иш берувчи томонидан қопланиши шарт. Маънавий зиён миқдори вафот этган ходимнинг оиласи ва иш берувчи ўртасидаги судга қадар келишув билан ёки суд томонидан чиқариладиган қарор билан белгиланади. Бунда суд вафот этган ходим оиласининг моддий шароити, унинг шахси ва рўй берган ҳодиса ҳолатларини ҳисобга олиши зарур.

Меҳнат кодексининг 154-моддаси талабига асосан иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақини тўлови ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимга иш ҳақи ўз вақтида берилмаслиги оқибатида, ходим ўз моддий эҳтиёжларини қондиришдан маҳрум бўлади ва натижада ўз бошидан маънавий озорлар кечириши табиийдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ходимнинг ҳар қандай меҳнат ҳуқуқи бузиладиган бўлса, унга

маънавий зиён етказилиши мумкин ва етказилган маънавий зиён миқдори томонлар ўртасида келушув бўлмаса, суд томонидан белгиланади ҳамда маънавий зиён фақат пул кўринишида қопланиши лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2004. Стр.184.
2. Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари судининг 17.04.2015 йилдаги 1-2764/15 сонли фуқаролик иши. Архив материаллари. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 07.07.2010 йилдаги 1-3938/10-сонли, 17.09.2014 йилдаги 1-4418/14-сонли фуқаролик иши. Архив материаллари.
3. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро судининг 17.09.2015 йилдаги 1-3938/10-сонли фуқаролик иши. Архив материаллари.

**Д.Байзакова,**  
Самостоятельный соискатель ТГЮУ

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКИХ И КОРПОРАТИВНЫХ ОТНОШЕНИЙ В НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы правового регулирования внешнеэкономических, а также корпоративных отношений в нефтегазовой отрасли. Проведен сравнительный и критический анализ корпоративных отношений в нефтегазовых компаниях, осуществляющих свою деятельность на международном уровне. В заключении сделаны выводы и предложения по совершенствованию системы внешнеэкономической деятельности и корпоративного управления в нефтегазовых компаниях.

**Ключевые слова:** нефтегазовая отрасль, корпоративное право, корпоративное управление, внешнеэкономическая деятельность, нефтегазовые корпорации.

**Аннотация:** мақолада нефт-газ соҳасидаги ташқи иқтисодий ҳамда корпоратив муносабатларнинг тартибга солиниши кўриб чиқилган. Халқаро миқёсда фаолият юритувчи нефт-газ соҳасидаги компаниялардаги корпоратив бошқарув масалалари қиёсий ҳамда танқидий таҳлил қилинган. Хулосада нефт-газ соҳасидаги компанияларда ташқи иқтисодий фаолият ҳамда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** нефт-газ соҳаси, корпоратив ҳуқуқ, корпоратив бошқарув, ташқи иқтисодий фаолият, нефт-газ корпорациялари.

**Annotation:** in the article questions of legal regulation of the external economic and also corporate relations in oil and gas branch are considered. The comparative and critical analysis of the corporate relations in the oil and gas companies which are carrying out the activity at the international level is carried out. In the conclusion conclusions and suggestions for improvement of system of foreign economic activity and corporate management in the oil and gas companies are drawn.

**Key words:** oil and gas branch, corporate law, corporate managements, foreign economic activity, oil and gas corporations.

Развитие мирового рынка энергетики выражаются в растущей взаимозависимости экспортеров, импортеров, транзитеров. В данном аспекте нефтегазовые корпорации являются активными субъектами мирового энергетического рынка. Важное значение в данных субъектах имеет регулирование их внешнеэкономической деятельности, а также корпоративных отношений.

Международные принципы регулирования внешнеэкономических нефтегазовых и корпоративных отношений включают в себя приоритет международного права, суверенное равенство государств, юрисдикционные иммунитеты государств, гармонизацию международно-правового и национально-правового регулирования; добросовестное выполнение международных обязательств [3].

К внутригосударственным принципам регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений относятся: законность, равенство перед законом, справедливость, единство прав и обязанностей, сво-

бода предпринимательской деятельности, свобода договора, многообразие форм собственности, единое экономическое пространство, баланс интересов предпринимателей, государства, общества, безопасность.

Средства регулирования нефтегазовых внешнеэкономических нефтегазовых составляют нормы права, субъективные права и юридические обязанности, юридическая ответственность, правовые ограничения, правовые стимулы.

Способы регулирования зависят от особенностей правовых норм, которыми осуществляется регулирование. Основные способы – дозволение, запрещение, обязывание.

К ключевым методам данного механизма относятся императивный и диспозитивный. Для регулирования нефтегазовых отношений, осложненных иностранным элементом, используют коллизионно-правовые и материально-правовые методы. В международном нефтегазовом правовом регулировании находят применение также организационно-правовые и специальные-правовые методы.

Формами механизма правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений являются использование, исполнение, соблюдение, применение. Формы, осложненные иностранным элементом, – принятие государством коллизионных и материальных норм [8].

Структура механизма правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений – совокупность элементов, находящихся во взаимодействии.

Основные элементы данного механизма включают: нормы права, в т.ч. международные нормы и обычаи; внутренние нормы, в т.ч. предназначенные для регулирования отношений с иностранным элементом и корпоративные нормы; юридические факты; правоотношения, в т.ч. права и обязанности, вытекающие из международных норм; акты реализации прав и обязанностей; охранительные правоприменительные акты.

Следует отметить, что нефтегазовые корпорации выступают в форме транснациональных корпораций (ТНК), и имеют сложную структуру корпоративных отношений, находящихся под воздействием системы национального права государства «гражданства» или «личного закона», предопределяющего государственную принадлежность юридических лиц и системы национального права государства места деятельности – «территориального закона». Существует специфика личного закона применительно к ТНК. С одной стороны, «личный закон», право страны учреждения головной компании, а с другой – дочерние компании, обладающие обособленными правами и обязанностями, действующие в соответствии с законом государства, на территории которого они находятся. Характерная особенность ТНК – юридическая множественность при экономическом единстве [11].

Уровни правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений – международный, отдельно взятой страны, корпоративные договоры и нормы.

Обращаясь к международному уровню, следует отметить Договор к Энергетической Хартии (ДЭХ), подписанный 17 декабря 1994 г. в Лиссабоне [14]. Это многостороннее соглашение, признающее государственный суверенитет над энергетическими ресурсами, а также создающее основу международного взаи-

мовыгодного сотрудничества в области энергетики от инвестирования и разведки до конечного использования энергетических продуктов. В ДЭХ впервые в многосторонней форме зафиксирована арбитражная оговорка в отношении инвестиционных споров.

В ДЭХ нашли применение общие принципы Всемирной Торговой Организации (ВТО) – недискриминация, взаимность, транспарентность, предсказуемость. Следует подчеркнуть, что в ВТО нет Соглашения, регулирующего международную торговлю в энергетическом секторе, хотя для данного сектора применимы положения базовых Соглашений ВТО [2]. Обсуждается идея рамочного Соглашения по энергетике, отражающего общие подходы к регулированию международных отношений в сфере энергетики, позволяющего разрешить противоречия между правилами ВТО и правилами Организации стран-экспортеров нефти (ОПЕК).

В международной торговле энергией часто возникают осложнения в связи с различными интересами стран-потребителей, производителей, транзитеров. Спорные вопросы рассматриваются в Органах ВТО по разрешению споров.

Присоединение Республики Узбекистан к ВТО и реализация обязательств, принятых в рамках ВТО, предполагают динамику национальной правовой системы, формирование соответствующих институтов и процедур, включая систему нефтегазового сектора.

Международный уровень правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений базируется на ДЭХ, общих принципах ВТО, ОПЕК, Форуме стран-экспортеров газа. На современном этапе актуальна проблема имплементации международного углеводородного права и национального углеводородного права.

Следующий уровень правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений – законодательство отдельно взятой страны.

Основа правового регулирования – это Конституция страны, углеводородное законодательство, включающее кодексы, специальные нормы в горных кодексах, законы, регулирующие общие вопросы предпринимательской деятельности, законы о нефти и газе.

На основе современного концессионного соглашения государство-собственник передает права собственности на разработку недр нефтегазовой корпорации, осуществляющей поиск, разведку и разработку месторождения за свой счет и на свой риск. Концессионер уплачивает налоги, роялти, бонусы, ренталс. С момента добычи полезные ископаемые становятся собственностью нефтегазовой корпорации. Могут предусматриваться и ограничения концессионера в отношении полезных ископаемых. Предусмотрен контроль принимающей стороной за соблюдением закрепленных в договоре условий.

Соглашение о разделе продукции заключается между государством-собственником и нефтегазовой корпорацией на проведение поисково-разведочных и эксплуатационных работ. Затраты возлагаются на нефтегазовую корпорацию и возмещаются при обнаружении запасов за счет компенсационной части полезных ископаемых. Оставшаяся после возмещения затрат и выплаты роялти часть средств подлежит разделу между государством-собственником и нефтегазовой корпорацией, доля которой облагается налогом.

Сервисный контракт с риском, не распределяемым между сторонами, означает, что подрядчик предостав-

ляет капитал для разведки и разработки запасов, на него возлагают риск поисково-разведочных работ. Если полезные ископаемые будут найдены, то затраты компенсируются. Добытые полезные ископаемые принадлежат государству-собственнику. Контракт предусматривает выплату подрядчику финансовых средств.

Согласно сервисному контракту с риском, распределяемым между сторонами, принимающая сторона частично берет риск на себя.

При сервисном контракте без риска подрядчик выполняет геологоразведочные работы и добывает полезные ископаемые от имени государства-собственника, не получает в собственность добытые нефть и газ, а получает фиксированное вознаграждение.

На основе совместного операционного соглашения нефтегазовые корпорации создают совместные предприятия для исследования, оценки, эксплуатации месторождений. Совместный сбыт продукции не регулируется.

Субарендное соглашение позволяет владельцу доли в совместном операционном соглашении или обладателю лицензии передать права субарендатору.

Международные кооперационные соглашения регулируют совместную эксплуатацию месторождений на основании лицензии, выданной государством-собственником, решают вопросы исключительного риска, передачи долей, страхования рисков. Создается совместный операционный комитет. Эксплуатацией занимается оператор.

С помощью юнитизационного соглашения владельцы лицензионного договора совместно эксплуатируют участок недр. При этом назначается оператор юнита, комитет юнита, определяется территория юнита и залежи юнита.

В случае противоречия между соглашением о совместной деятельности и юнитизационным соглашением последний превалирует.

При наличии трансграничных месторождений действует международная юнитизация.

В нефтегазовом секторе кроме выше указанных соглашений, контрактов, находят применение инвестиционные договоры, на выполнение научно-исследовательских, опытно-конструкторских и технологических работ, купли-продажи, аренды, в том числе финансовой аренды (лизинга), модельные договоры [4].

Таким образом в заключении следует отметить, что сложная система внешнеэкономических нефтегазовых отношений, представляющая собой сущностное содержание нефтегазовых корпораций, находится в развитии, попадая под воздействие международного, национального, корпоративного права. При этом система и структура механизма правового регулирования внешнеэкономических нефтегазовых отношений имеет специфику. В тоже время развивающиеся внешнеэкономические нефтегазовые отношения активизируют динамику механизма правового регулирования. При этом задействованы нормы права и их применение в нефтегазовых правоотношениях.

#### Список литературы:

1. Блинов А.Г. Уголовно-правовая охрана пациента в международном и зарубежном законодательстве / Под ред. Б.Т. Разгильдеева. М., 2010.

2. Генеральное соглашение по тарифам и торговле 1994 г. (ГАТТ/GATT)

3. Иванов А.С., Матвеев И.Е. Новые тенденции в мировой энергетике // Российский внешнеэкономический вестник. – 2011. – № 11 – С. 64–79.

4. Курбанов Р.А. Правовое регулирование иностранных инвестиций в нефтяной и газовой промышленности: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2005.

5. Кулапов В.Л. Проблемы теории государства и права. – Саратов, 2009. – С. 288–301.

6. Кузнецов Е.А. Современные проблемы и тенденции формирования рынка энергоносителей в АСЕАН // Вестник Московского ун-та. Сер. 6. Экономика – 2012 – № 1. – С. 37–46.

7. Малько А.В. Теория государства и права. – М., 2010.

8. Меркушова О.В. Гражданско-правовое регулирование коммерческой деятельности транснациональных субъектов в сфере недропользования: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2012.

9. Павлов И.И. Правовой режим использования недр для геологического изучения и добычи нефти и газа в Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008.

10. Разгильдиев Б.Т. Уголовно-правовые отношения и реализация ими задач уголовного права Российской Федерации. – Саратов, 1994.

11. Салиева Р.Н. Правовое обеспечение развития предпринимательства в нефтегазовом секторе экономики: автореф. Дис. ... д-ра юрид. наук. – Тюмень, 2003.

12. Троекурова И.С. Проблемы расширения внешнеэкономических связей России в АТЭС. – М., 2010.

13. Noghina E.V., Erofeev A.K. Investment innovation transnational corporation development with regard to international legal aspects dynamics 1st International Scientific Conference «Applied Sciences and technologies in the United States and Europe: common challenges and scientific findings». 2013. Vol. 2 June 29, 2013. – New York, USA. – P. 81–85.

14. <http://www.eneharter.org>

**Қ.Мехмонов,**

ТДЮУ мустақил тадқиқотчиси,

**А.Юлдашов,**

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги “Муаллифлик ҳуқуқи ва лицензиялаш” бўлими бош мутахассиси

### КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА НИСБАТАН МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**Аннотация:** мақолада компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўрганилган. Унда компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар, уларни ҳимоя қилиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси масалалари таҳлил қилинган. Хулосада қонунчиликка ўзгартиш киритишни таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** компьютер дастури, маълумотлар базаси, мутлақ ҳуқуқлар, контрафакт, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, интеллектуал мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик.

**Аннотация:** в статье рассматривается ответственность за нарушение исключительных прав в отношении компьютерных программ и базы данных. Анализируются исключительные права в отношении компьютерных программ и базы данных, защита исключительных прав, опыт зарубежных стран. В заключении предлагается внести изменение в законодательство.

**Ключевые слова:** компьютерная программа, базы данных, исключительное право, контрафакт, защита прав, ответственность за нарушение права интеллектуальной собственности.

**Annotation:** the article deals with liability for violation of exclusive rights in relation to computer programs and databases. Exclusive rights in relation to computer programs and databases, protection of exclusive rights, experience of foreign countries are analyzed. In conclusion, it is proposed to amend the legislation.

**Key words:** computer software, databases, counterfeit, the exclusive right, protection of rights, the responsibility for violation of intellectual property rights.

XXI аср компьютер технологияларини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилишини тақозо этди. Бунда компьютер технологиялари инсонлар олдида турган кўплаб муаммоларни тез ва самарали ҳал қилишга, инсон меҳнати унумдорлигини оширишга, асосийси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга хизмат қилмоғи зарур.

Бироқ, бу борада ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммолар тобора кўпайиб бормоқда. Айниқса, турли давлат идораларига мурожаат қилиш ва улардан турли мақсадларда маълумотлар олиш жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ана шундай, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетади. Шуларнинг ҳаммасини бир жойда, марказлаштирган ҳолда, тезлик билан ҳал қилса бўлади-ку! Аслида XXI асрда – Интернет ва ахборот коммуникациялари даврида бу ишларнинг барчасини уйдан чиқмасдан туриб,



компьютер ёки уяли телефон орқали бажариш имкони бор-ку! [1] – деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам бир қарашда арзимас туюлган масала муайян вақт ва маблағни талаб қилади. Компьютер технологияларидан унумли ва самарали фойдаланиш муайян компьютер дастурлари (дастурий маҳсулотлар) воситасида амалга оширилади. Бу ўринда аввало, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларини яратиш, уларни фуқаролик муомаласига киритиш, ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларининг вужудга келиши, уни амалга ошириш, тасарруф этиш шу жумладан, ҳимоя қилиш ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Мавжуд ҳолат шуни кўрсатадики, контрафакт маҳсулот айланмасига қарши кураш бўйича интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олишда ваколатли давлат органлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ўринда Интеллектуал мулк агентлиги 2017 йилда жойларда интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича 39та мониторинг ўтказган. Мониторинг жараёнида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ 654 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотномалар қонуний чоралар кўрилиши учун тегишли давлат органларига юборилган. Бунда 20919 (шундан 19127 контрафакт) та аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар бўйича 68 та муаллифлик-ҳуқуқий хулосалари берилган.

Юқоридаги ҳолат компьютер дастурлари ва маълумотлар базасига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузиш билан бевосита боғлиқдир. Мазкур ҳуқуқбузарлик асосан муаллифлик ҳуқуқини бузилиши, контрафакт нусхаларни ноқонуний равишда фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ. Мазкур кўрсаткич ҳуқуқбузарликнинг бир мунча камлигини кўрсатади. Бироқ, бундай ҳуқуқбузарлик айрим ҳолларда латент ҳолда қолиб кетади. Айниқса, дастурий маҳсулотлардан ноқонуний равишда фойдаланиш фактини аниқлаш бирмунча мураккаб кечади. Бунда, аввало, ҳуқуқ эгасининг фаоллиги, ҳуқуқбузарликларга қарши курашувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳаракатлари уйғунлашувини таъазо қилади.

Юридик адабиётларда кўрсатилишча, мутлақ ҳуқуқлар дейилганда, бундай ҳуқуқлар соҳиблари (эгалари)ни турли ҳаракатлар содир этиш (ижодий фаолият маҳсулидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва ш.к.) бўйича ҳақдорлиги, ваколатлигини ва айни вақтнинг ўзида бошқа ҳар қандай шахсларга бундай юқорида кўрсатилган ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланишини таъминловчи субъектив мутлақ ҳуқуқ тушунилади [2, 314-бет]. Таъкидлаш лозимки, Фуқаролик кодексида интеллектуал мулк объектларига нисбатан қўлланилган “мутлақ ҳуқуқ” иборасини “*exclusive right*» (исключительное право) билан айний ва бир хил маънода тушуниш лозим. Мулк ҳуқуқи билан боғлиқ қоидаларда эса “абсолют” ҳуқуқ ҳақида сўз боради.

Мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқий механизми одатдагидек эгаллаб туриши мумкин бўлмаган, бир вақтнинг ўзида номуайян доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин бўлган объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳиби мулк ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминловчи муҳим воситадир, бироқ мулк ҳуқуқи ва

мутлақ ҳуқуқлар асло айний тушунчалар эмас [3, 18-бет].

К.И.Рябовнинг фикрича, компьютер дастуридан унинг вазифасига мувофиқ фойдаланишга доир ҳаракатларни амалга ошириш ваколати, яъни уни муайян вазифани бажариш учун ишга тушириш, дастурнинг фойдали хусусиятини олиш, функционал вазифасига мувофиқ фойдаланиш компьютер дастуридан фойдаланиш бўйича мутлақ ҳуқуқлар мазмунига киради ва ушбу ваколатни асардан фойдаланиш усуллари сифатида кўрсатиш лозим деб ҳисоблайди [4, 8-бет]. Бу ўринда шунга эътибор қаратиш лозимки, компьютер дастуридан бошқа шахсларнинг фойдаланишига рухсат бериш унга нисбатан мутлақ ҳуқуқ соҳибининг ваколатига киради. Объектдан фойдаланишга рухсат беришда мутлақ ҳуқуқ шу ҳуқуқ соҳибининг ўзида қолади, ундан беғоналаштирилмайди, бунда учинчи шахсларда объектдан фойдаланиш ҳуқуқигина вужудга келади. Фойдаланиш шартлари ва тартиби тарафлар ўртасидаги компьютер дастуридан фойдаланиш бўйича лицензия шартномаси асосида белгиланади.

В.Азизян ва Н.Журавленколарнинг фикрича, дастурий таъминотдан ноқонуний фойдаланиш орқали муаллифлик ҳуқуқини бузилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

- компьютер техникасига ноқонуний равишда ўрнатилган дастурий таъминот билан бирга сотиш;
- муаллифлик ҳуқуқи эгасининг розилигисиз дастурий таъминотни ахборот элтувчисига ишлаб чиқариш ва тарқатиш;
- телекоммуникация тармоқлари орқали (Интернет, электрон почта ва ҳ.к.) дастурий таъминотни ноқонуний равишда тарқатиш;
- фойдаланувчининг дастурий таъминотдан ноқонуний фойдаланиши [5, 48-бет].

Бу ўринда муаллифлар фақатгина дастурий таъминот бузилиши мумкин бўлган ҳолатларгагина эътибор қаратишган. Ваҳоланки, дастурий таъминотга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари турлича ва кенг доирада мавжуд бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳуқуқбузарликни содир этилиш йўллари эмас, балки унинг сабаблари, қайси ҳуқуқларга даҳл қилиниши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва уни олдини олиш, у юзасидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асосларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Б.Ахмаджоновнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқ ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонунининг 63-моддасига ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, контракт нусхаларни мусодара қилиш, ҳуқуқ эгасининг ҳақиқий эгаси ҳақида маълумотларни эълон қилиш ҳақидаги талабларни киритиш лозим [6, 20-бет].

Бироқ, тақлиф қилинаётган нормалар ушбу қонунларда мавжуд. Масалан, ушбу қонуннинг 66-моддасида асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек уларни тайёрлаш ва тақрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинади деб белгиланган. Ҳақиқий ҳуқуқ эгаси ҳақидаги маълумотлар эса муаллифлик ҳуқуқини тан олиш ва фуқаролик шахсий номулк ҳуқуқларини



ҳимоя қилиш билан бир хилдир. Бу ўринда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишда “Антон Пиллер ордени”, “Мареванинг суд таъқиқи”, “Норвич Фармакл воситаси” каби усулларни имплементация қилишга доир ғояларни қўллашни назарда тутиш мумкин.

Бу ўринда ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ўзига хослик ҳамда интеллектуал мулк объектларининг хусусиятларига эътибор қаратиш лозим. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш механизми, уларни тижорат муомаласига киритиш у ёки бу ҳуқуқий ҳимоя чораларини имплементация қилишга доир қоидаларга нисбатан алоҳида эътиборни, зеҳни талаб қилади. Агар бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда Антон Пиллер Ордери қўлланиши мумкин бўлса, ҳуқуқларни бузилиш ҳолатини исботлаш имконияти мавжуд бўлади ва ҳуқуқбузар ишни ҳамда низо ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни йўқ қилиш имкониятига эга бўлмайди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида ёзма далилларга доир қоида белиглаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, Англия ҳуқуқ тизимида Антон Пиллер Ордени (*Anton Piller order*) мавжуд бўлиб, олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда далилларни олиб қўйишга ҳуқуқ беради ва компьютер дастури эгалари ҳуқуқлари бузилганда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳолат шу жумладан муаллифлик ёки патент ҳуқуқлари бузилган ҳолларда тегишли далилларни йўқ бўлиб кетишини олдини олишга хизмат қилади. Ушбу тартиб 1975 йилда *Anton Piller KG v Manufacturing Processes Limited* ўртасидаги низо юзасидан номланган бўлиб, унда тижорат сирлари ўғирланганлиги юзасидан суд жараёни бўлиб ўтган. Ушбу усулни умумий равишда қўллаш 1997 йилда умумий фуқаролик судлари тўғрисидаги қонунни қабул қилиниши муносабати билан маълум даражада сиқиб чиқарилган.

Антон Пиллер Орденининг асосий устунлиги шундаки, ушбу суд буйруғи жавобгарга мурожаат қилмаган ҳолда суд томонидан берилиши мумкин. Умумий қоидага кўра суд буйруғи тарафлар томонидан бошланган суд жараёни давомида берилади. Бу ҳолат иккинчи тарафга олдиндан даъвогар томонидан суд орқали суд буйруғини олиш истаги борлигини маълум қилиб қўяди. Бу ҳолат даъвогарнинг зарур далилларни топишга доир барча ҳатти-ҳаракатларини, уринишларини йўққа чиқаради. Чунки жавобгарда далилларни йўқ қилиш учун вақт бемалол етарли бўлади [7, 126-бет].

Россия Федерациясининг Гражданлик кодексига 2013 йил 5 июлда ўзгартириш киритилди. Ушбу ўзгартиришлар фуқаролик ҳуқуқи объектлари, номоддий неъматлар, шаън, кадр-қиммат ва ишланчалик обрўсини (РФ ГК 152-моддаси)га доир бўлди [8]. Мазкур нормалар бевосита фуқароларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни нисбатан тўлақонли ва самарали бўлишига имкон беради. Зеро, бугунги кунда шахсий номулкий ҳуқуқларни, шахсий маҳфий маълумотларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш жуда долзарб муаммолардан ҳисобланади [9, 43-46 бетлар].

Компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи, мулкый ва шахсий номулкий ҳуқуқлар бузилиши ҳақида фойдаланувчилар ёки рақобатчилар бевосита Интернет тармоғи (масалан, Интернет ҳамжамияти иштирокчилари, клублари) орқали маълумотга эга бўлишади. Бу ўринда мавжуд нотўғри, ноқонуний

маълумотлар тарқатилганлиги борасида раддия бериш ҳам худди шундай шаклда амалга оширилиши лозим. Гарчи қонун ҳужжатларига кўра электрон оммавий ахборот воситалари ҳам мавжуд бўлсада, Интернет тармоғидаги ресурслар, фойдаланувчилар ва бошқа шахслар ҳар доим ҳам ушбу мақомга эга бўлавермайди.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига олтинчи хатбоши сифатида қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ:

“Агар компьютер дастурига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини бузувчи маълумотлар у тарқатилгандан сўнг Интернет тармоғида мавжуд бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс тегишли маълумотларни Интернет тармоғидан йўқ қилишни, шунингдек Интернет фойдаланувчилар эътиборига етишини таъминлайдиган даражада маълумотларнинг нотўғрилиги ҳақида раддия беришни талаб қилишга ҳақли”.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2017. 8 декабрь.
2. Гражданское право. Учебник. – М.: БЕК, 1994. Т.1. – С.314.
3. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. – Т., 2003. – Б.18.
4. Рябов К.И. Исключительное право на программу для ЭВМ и распоряжение им. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Санкт-Петербург, 2011. – С.21.
5. Азизян В.Г., Журавленко Н.И. Защита прав авторов компьютерных программ и изготовителей баз данных в судебном порядке. // Евразийская адвокатура. – 2014, Выпуск – № 1 (8). – С.48.
6. Ахмаджонов Б.У. Фуқаролик ҳуқуқида мутлақ ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 20-бет.
7. Романов А.К. Правовая система Англии. – М.: Дело, 2000. – С.126.
8. Федеральный закон от 2 июля 2013 г. № 142-ФЗ “О внесении изменений в подраздел 3 раздела 1 части первой Гражданского кодекса Российской Федерации”//Российская газета – Федеральный выпуск. – № 6121 (145). – 2013. 5 июля.
9. Палуаниязов Х. Некоторые виды договоров регулирующих использование личной конфиденциальной информации.// Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. – №3, – С.43-46.

Э.Ахунджанов,  
ТДЮУ катта ўқитувчиси  
Ж.Т.Аскарлов,  
ТДЮУ ўқитувчиси

### ТИББИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг шаклланиш бошқичлари, бугунги кундаги аҳамияти ҳамда чет эл тажрибасида хусусий тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятининг тартибга солиниши билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари, қонун ҳужжатларининг шаклланиш бошқичлари, соғлиқни сақлаш, соғлиқни сақлашни давлат томонидан бошқариш.

**Аннотация:** в статье рассматриваются правовые акты, регулирующие деятельность субъектов предпринимательства в сфере медицинского обслуживания, этапы формирования таких актов, их значение на сегодняшний день, а также и особенности зарубежной практики по регулированию медицинского обслуживания субъектами предпринимательства.

**Ключевые слова:** субъекты предпринимателей, сфера медицинского обслуживания, этапы формирования нормативно-правового акта, здравоохранение, государственное управление здравоохранения.

**Abstract:** this article studies the legal acts of business entities in the sphere of medical services, stages of forming normative-legal act, its current importance as well as regulatory features in the form normative-legal act in foreign experience.

**Key words:** business entities in the sphere of medical services, stages of forming normative-legal acts, healthcare, state regulation of healthcare system.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикаимиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда [1].

Шу сабабдан миллий қонунчилигимизда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларининг ривожланиш бошқичларини тадбиркорлик фаолияти субъектларига тегишли қонун ҳужжатларининг ривожланиши билан бирга, яъни унинг бир соҳаси сифатида ривожланаётганлигини кўриш мумкин бўлади.

Мазкур соҳада қонун ҳужжатларининг ривожланиши турли манбаларда олимлар томонидан таҳлил этилган. Жумладан, тадбиркорлик қонунчилигининг ривожланишини Х.Т.Азизов 3 бошқичга бўлиб таҳлил этган ва бу орқали тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасига умумий жиҳатдан дахлдорликни ҳамда тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтиши, лицензиялар олиш, тегишли йўналишларда рухсат олиш ва шартномавий муносабатлардан келиб чиқувчи ҳолатларда жавобгарлик каби жиҳатларни тартибга солишга хизмат қилиши билан боғлиқдир [2, 21-бет].

Азизов Х.Т. томонидан тадбиркорлик қонун ҳужжатлари ривожланиш бошқичларининг 3 бошқичга бўлиниши ҳар 10 йиллик даврни ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос қонунчилик манбаси шаклланган. Бизнинг фикримизча ҳам бундай тарзда бўлиш ўша даврда қабул қилинган қонунчилик ва унга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилган. Шунинг учун тадбиркорлик қонун ҳужжатлари шаклланиши, ривожланишини ўзида яққол акс эттирган ҳамда ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришда илмий, илмий-амалий дастур сифатида ўз аҳамиятига эга.

Мазкур ҳолатдан келиб чиққан ҳолда тиббий хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин бўлиб, улар:

*Биринчи бошқич* – мустақилликни қўлга киритиш давридан, яъни 1990 йилдан 1999 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда дастлаб тадбиркорликнинг умумий асослари яратилиб, қонунчилик соҳасининг пойдевори қўйилган ҳамда бирламчи тиббий хизматлар кўрсатиш ишлари билан боғлиқ қонунчилик асослари яратилган. Бунинг яққол наъмунаси эса “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, “Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги [3], “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги [4] қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–2107-сон, “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги ПФ–1030-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ВМҚ–378-сон қарори билан тасдиқланган “Якка тартибдаги врачлик фаолияти (хусусий врачлик фаолияти тўғрисида”ги Низом [5], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида” ги ВМҚ-18-сон қарорлари қабул қилинган.

*Иккинчи бошқич* 2000 – 2010 йилларни ўз ичига олиб, унда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Шу асосда тиббий хизматлар кўрсатиш, тиббий фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, янгича талаб ва шартлар белгилаб берилди.

Бу босқичда “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ–3923-сон, “Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3214-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ–264-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 4-сон қарори каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Учинчи босқич бу янги босқич 2010 йилдан бошланиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрдаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг қабул қилиниши билан боғлиқ бўлди ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тиббий соҳада тадбиркорлик субъектларига кўплаб имкониятлар яратиш билан давом этиб келмоқда. Бу босқич тадбиркорликни ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, хусусий тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятда турли хил имтиёзлар яратилиб, уларнинг фаолият соҳалари кенгайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–2750-сон, “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2863-сон қарорлари, “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4985-сон, “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ–5032-сон, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ–5037-сон, “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5087-сон фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббий

фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ–405-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 90-сон, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 97-сон буйруқлари қабул қилинди.

Фикримизча, юқорида келтирилган тиббиёт соҳасидаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг фаолият юритишини тартибга солиш учун ҳужжатлари ҳар бир босқичда соҳанинг ривожланиб боришнинг ҳуқуқий асосини яратиб берган дейиш мумкин.

Бундан ташқари, хусусий тиббий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ва бу соҳадаги қонунчиликнинг ривожланишини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида тиббиёт фанлари номзоди З.Ж.Муталова томонидан фикр билдириб ўтилади [6, 78-бет].

Мазкур ривожланиш босқичларидан биринчиси, соғлиқни сақлаш борасидаги халқоро ҳуқуқ тизимидаги ривожланиш бўлса, иккинчиси, миллий қонунчилик тизимидаги ривожланиши ҳисобланади. Миллий қонунчилик тизимидаги соғлиқни сақлаш соҳасининг ривожланиши ҳар бир давлатнинг миллий урф одатлари, миллий кадриятлари ва аъноалари билан уйғун ҳолда содир бўлади.

Жаҳон амалиётида соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланишини ташкилий-иқтисодий нуқтаи назардан уч тизимга бўлиш мумкин. Биринчиси, соғлиқни сақлашнинг давлат (бюджет асосида) тизими, иккинчиси хусусий (тадбиркорлик асосида, ихтиёрий тиббий суғуртага асосланган) тизими ва учинчиси ижтимоий (мажбурий суғуртага асосланган) тизим [6, 78-бет.]. Тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасини бошқаришни юқоридаги тизим асосида ўрганиш миллий қонунчиликдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тадбиркорлик фаолияти нуқтаи назардан ёндашишни талаб этади.

Шу сабабли ҳам соғлиқни сақлашнинг давлат тизимида, давлат аҳолининг саломатлигини тиклаш ва турли хил касалликларнинг олдини олиш мақсадида давлат маблағлари ҳисобидан аҳолининг турли қатламларини тиббий жиҳатдан ҳимоя қилишда уларга кўмак беради ва бу билан давлат тиббий хизматлар кўрсатишдан ҳеч қандай моддий наф олишни мақсад қилмайди. Қабул қилинадиган қонун ҳужжатларида ҳам мазкур принцип амал қилиб, давлат ушбу ижтимоий ҳимояни узлуксиз амалга ошириб боради. Қолаверса, бу тизимда давлатга тегишли бўлган соғлиқни сақлаш муассасалари катта аҳамиятга эга бўлиб, давлатнинг маъмурий бошқарув тизими асосида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилади. Тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда меҳнат қилувчи мутахассисларнинг маошлари давлат томонидан белгиланади [6, 78-бет.].

Бу тизимнинг ўзига хос афзалликлари ва салбий томонлари мавжуд. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат тизимининг афзалликлари қуйидагиларда кўринади:

биринчиси, соғлиқни сақлаш тизими давлат томонидан бошқарилганлиги сабабли тиббий хизмат

кўрсатиш унинг назоратида бўлади, бу муассасаларда кўрсатилаётган маъмурий таъсир чоралари қўлланилади.

иккинчиси, фавқулодда вазиятларда аҳолига тез ва ёппасига ёрдам бериш имконияти мавжуд бўлади.

Салбий жиҳатлари эса давлатнинг соғлиқни сақлаш тизимига ажратиладиган маблағларнинг етарли эмаслиги, тиббий хизмат кўрсатиш муассасаларида ходимларга тўланадиган ҳақнинг камлиги, беморларнинг тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисларни танлаш имкониятининг йўқлиги, камёб дори воситаларига касалларнинг навбат кутишлари, тиббий хизмат кўрсатишда турли хил оғир ижтимоий ва географик ҳудудларда мутахассисларнинг камлиги ва тенгсизлиги, янги даволаш ва ташхис қўйиш усуллари, мутахассисларнинг ижодий ва илмий изланишларига шароитларнинг камлиги, истеъмолчиларнинг сифатсиз тиббий хизматдан муҳофазалинишининг суғлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда соғлиқни сақлаш давлат тизими Буюк Британия, Италия, Куба, Россия каби давлатларда мавжуд [7, 23-27 бетлар].

Шу ўринда баъзи хорижий давлатлар қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, Сингапурда хусусий тиббий хизмат кўрсатиш ва уни тартибга солиш бўйича “Тиббий рўйхатдан ўтиш тўғрисида”ги, “Стоматологияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги, “Хусусий шифохоналар ва тиббий клиникалар тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари мавжуд. Шунингдек, Ҳиндистонда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солишга эътибор берадиган бўлсак, тиббий хизмат кўрсатиш давлат муассасалари ва хусусий тиббий муассасалар бўлиниб, стационар давалонувчиларнинг 50%и ва бошқа турдаги консултация олувчиларнинг 60-70%и хусусий тиббий хизматдан фойдаланишади. Аммо Ҳиндистонда хусусий сектор томонидан тиббий хизмат кўрсатиш давлат томонидан етарли назоратга олинмаган бўлиб, хусусий тиббий фаолият кўрсатувчи клиникаларнинг сони, уларнинг тузилиши, функциялари, хизматлар кўрсатиш шакли ва сифати давлат томонидан назоратга олинмаган ҳамда етарли маълумотлар мавжуд эмас [8]. Шундай бўлсада, давлат тиббиёт муассасалари фаолиятини тартибга солиш “Дори ва косметик маҳсулотлар тўғрисида”ги, “Стоматология тўғрисида”ги қонунлар ҳамда ҳар бир ҳудудий бирлик томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Фикримизча, Ҳиндистонда бундай тарзда соғлиқни сақлаш тизимининг давлат томонидан бошқарилиши бу ерда бир қанча қонун бузилишларини келтириб чиқариши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тиббиёт соҳасида хусусий сектор улушининг ошиб бориши, аҳоли сонининг ўсиб бориши уларга тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш талаби янада ошишига олиб келади. Юқоридаги қонун ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини, ҳам хусусий тиббий хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари ҳисобланиб, уларни бир-бирдан ажратган ҳолда хусусий сектор фаолиятини алоҳида қонунчилик билан тартиб солиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, тиббиётнинг стоматология, косметика, офталмология йўналишлари бугунги кунда фан-техника ва мутахассислар тажрибаси жиҳатидан ҳам кенг ривожланиб бормоқда.

## Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони. <http://lex.uz>.
2. Азизов Х.Т. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг илмий-амалий масалалари. Тадбиркорлик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари (Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДҲУ, 2015. – Б. 21.
3. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14.04.1999 й. 755-1-сонли қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.
4. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 25.05.2000 й. 70-II-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.
5. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 31.10.2003 й. 477-сон қарорига мувофиқ ЎзР ВМ 21.07.1994 й. 378-сон қарорининг ўз кучини йўқотганлиги сабабли ўз кучини йўқотган.
6. Тиббиёт соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Тошкент: CHASHMA PRINT нашриёти, 2011. – Б. 78.
7. Колоколов Г.Р., Косолапова Н.В., Никольникова О.В. Основы медицинского права. – М.: Издательство «Экзамен», 2005. – С-23-27.
8. [http://planningcomission.nic.in/aaboutus/committe/wrkgrp11/wg11\\_hclinic.pdf](http://planningcomission.nic.in/aaboutus/committe/wrkgrp11/wg11_hclinic.pdf) Clinical Establishments, Professional Services Regulation and Accreditation of Health Care Infrastructure.

**Ж.Аллаёров,**  
ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва  
иқтисодий процессуал ҳуқуқи  
кафедраси ўқитувчиси

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРДА ТААЛЛУҚЛИЛИК ВА СУДЛОВЛИЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада интеллектуал мулкка оид низолаҳнинг тааллуқлилик ва судловлилик масалалари тўғрисида сўз юритилади. Хусусан, интеллектуал мулкка оид ишларни кўриб ҳал қилувчи суд ва маъмурий органларнинг ҳуқуқий ҳолати таҳлил қилинган. Илғор хорижий тажриба АҚШ, Германия Федератив Республикаси, Россия Федерацияси мисолида таққосланган.

**Калит сўзлар:** тааллуқлилик, судловлилик, фуқаролик процесси, фуқаролик судлари, интеллектуал мулк, иқтисодий процесс.

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы определения подведомственности и подсудности дел по защите интеллектуальной собственности. В частности, проанализировано правовое положение судов и административных органов, рассматривающих и разрешающих дела, относящиеся к сфере интеллектуальной собственности. Передовой зарубежный опыт проанализирован на примере США, Федеративной Республики Германия, Российской Федерации.

**Ключевые слова:** подведомственность, подсудность, гражданский процесс, гражданский суд, интеллектуальное право, экономический процесс.

**Annotation:** this article examines the issues of determining the jurisdiction and jurisdiction of cases for the protection of intellectual property. In particular, the legal status of courts and administrative bodies that deal with and resolve cases relating to the sphere of intellectual property is analyzed. The best foreign experience is analyzed on the example of the USA, the Federative Republic of Germany, the Russian Federation.

**Keywords:** subject matter jurisdiction, court jurisdiction, civil procedure, economic procedure, intellectual property rights.

Давлатнинг инвестицион жозибадорлиги кўп жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг ушбу давлат ҳудудида ҳимоя қилинганлик даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Инвесторлар нафақат пул кўринишидаги сармоялар, балки замонавий технологиялар, ноу-хау ва бошқа интеллектуал мулк объектларини киритар экан уларнинг ишончли ҳимоя қилинганлиги, “ўйин қоидалари”ни аниқ белгиланганига эътибор қаратади. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида”ги

ПФ – 4848-сон Фармонида ҳам мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилганни кўриш мумкин [1]. Бу ўз навбатида интеллектуал мулк билан боғлиқ низолаҳни ҳам ўз вақтида, адолатли ва асосли ҳал қилинишини тақозо этади. Шунинг билан биргаликда, низолинг тури, ишда иштирок этувчи шахсларнинг доирасига қараб мазкур тоифадаги ишлар қуйидаги органлар томонидан кўриб ҳал этилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлар.
2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ишлари бўйича судлар.
3. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ишлари бўйича судлар.
4. Ўзбекистон Республикаси харбий судлари.
5. Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судлар.
6. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк объектларининг суд ва бошқа органлар томонидан ҳимоя қилинишида ўзига хосликлар мавжуд. Мазкур тоифадаги ишларнинг тааллуқлилиги масаласини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2015 йил 13 ноябрдаги “Ишларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида “Судларнинг эътибори, жисмоний ва юридик шахсларнинг хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тақдим этган аризаларини (даъво аризаларини, шикоятларни) суд иши юритувига қабул қилиш ва иш кўзгатиш ҳамда ишни судда кўришга тайёрлашда ишларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ процессуал қонун талабларига қатъий риоя этиш” лозимлиги кўрсатиб ўтилган [2].

Хусусан, бузилган деб таҳмин қилинаётган ҳуқуқларни тиклаш учун ишда иштирок этаётган субъект тури, ҳуқуқий муносабатнинг мазмунини келиб чиқиб бир қанча органларга мурожаат қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси [3] (бундан кейин матнда ФПК деб юритилади) 31-моддаси биринчи қисмига кўра “тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низолаҳга доир ишлар”да низоли масала фуқаролик ишлари бўйича судларга тегишли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 23-моддасига биринчи қисм биринчи хатбошига кўра “иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолаҳга доир ишлар” бўйича низолаҳ иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. ФПК 31-моддаси иккинчи қисмига кўра “...давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи

бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган” интеллектуал мулкка оид низолар Маъмурий судларга тааллуқли ҳисобланади.

Интеллектуал мулк объектларига оид низо давлат сирига боғлиқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ ҳарбий суд судловлигига тааллуқли ҳисобланади [4]. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 149-моддасига кўра “тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш” билан боғлиқ ишлар жиноят ишлари бўйича судга тааллуқлидир. Ҳозирги кунда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодексда давлат сирлари билан боғлиқ ишлар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низолар нафақат суд тартибида, балки маъмурий тартибда ҳам ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши томонидан:

а) Агентликнинг талабнома берилган: sanoat мулки объектлари; селекция ютуқлари; интеграл микросхемалар топологиялари; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади;

б) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг: sanoat мулки объектларига; селекция ютуқларига патент берилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

в) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг интеграл микросхемалар топологияларининг рўйхатдан ўтказилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

г) манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг: sanoat мулки объектларига ва селекция ютуқларига берилган патентларнинг ҳақиқийлиги; товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

д) қуйидагиларнинг: интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг; товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига берилган, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилиши тўхтатилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

е) товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилиши бекор қилиниши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади; Апелляция кенгаши Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқади [5].

Интеллектуал мулкка оид низоларнинг бир неча суд тармоқларига тааллуқлилиги бундай ишларнинг ўз вақтида, адолатли ва сифатли кўриб чиқилишига

салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Илғор хорижий тажриба ва суд амалиёти шуни кўрсатадики интеллектуал мулкка оид низоларни ҳал қилишни суднинг бир тармоғига берилиши ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширади. Хусусан, Россия Федерациясида 2011 йилдан интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишлар Арбитраж суд таркибидаги Интеллектуал ҳуқуқ бўйича махсус судларда кўриш бошланди [6][7], 1982 йилда АҚШ Конгресси Божхона ва патент бўйича судини (United States Court of Customs and Patent Appeals) ўз таркибига олган Федерал округ Апелляцион судини (United States Court of Appeals for the Federal Circuit) [8] ташкил қилди. Бу суднинг ўзига хослиги унинг фақат интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларни кўриб чиқишидир. Германия Федерацияси 1961 йилда патент ва товар белгисига доир ишларни кўриб чиқувчи Федерал патент судини (Bundespategericht) [9], 2005 йилда Япония Интеллектуал Олий судини (Chiteki-zaisan kōtō-saiban-sho) [10] ташкил этди ва улар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Фикримизча, интеллектуал мулкка оид суд ишларини кўришда ягона ёндашувни шакллантириш, бу турдаги ишларни ҳал қилишда сансалорликни олдини олиш ва ижобий хорижий тажрибасин инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ишлар бўйича судлар ўрта бўғини таркибида интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низоларни кўриб чиқувчи судьялар корпусини ташкил қилиш, шунингдек иқтисодий судлар судловлигига интеллектуал мулк ҳуқуқига оид ишларни тўлиқ бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Интеллектуал мулкка оид ишларнинг судловлилик масаласида ҳам ўзига хослик мавжуд. Судловлилик масаласида ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб бир неча ҳудуддаги судларга тегишли бўлиши мумкин. Мисол учун, судловга тааллуқликнинг умумий қондасига кўра (ФПК 145-моддаси) интеллектуал мулк ҳуқуқига оид фуқаролик суд ишлари жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги, шунингдек ташкилотларга нисбатан уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судлар судловлигига тааллуқли ҳисобланади. Яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқига оид даъволар жавобгарнинг мол-мулки турган жойда ёки унинг сўнги яшаш жойидаги фуқаролик ишлар бўйича судга, агар жавобгар Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаса, жавобгарнинг Ўзбекистон Республикасидаги мол-мулки турган жойга ёки маълум бўлган сўнги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Судловлилик масаласи процессуал қонунчилигимизда кенг қамровли бўлсада, баъзан амалиётда муаммоли вазиятлар учраб туради. Мисол тариқасида интернет тармоғларида бузилаётган муаллифлик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишларнинг судловлилик масаласи. ФПК 388-моддасига асосан “чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низоларнинг, шунингдек лоақал биттаси чет элда яшаб турган тарафлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тааллуқли бўлиши, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекс билан белгиланади” деб кўрсатилган. Агарда жавобгар Австрияда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамаган ва мулки бўлмаган бўлса, иш

қайси суднинг судловлигига тааллуқли ҳисобланади? Фикримизча, ФПК 241-моддаси иккинчи хатбошига қуйидаги қўшимча киритилиши мақсадга мувофиқ: *“агар жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшамаган ва мол-мулки мавжуд бўлмаса даъволар даъвогар ўзи яшаб турган ёки рўйхатдан ўтган жойда тақдим этилиши мумкин”*. Бунда бузилган деб таҳмин қилинаётган интеллектуал мулк ҳуқуқига оид низоларнинг судловга тааллуқлилик масаласидаги очиқ қолган ҳолатлар бартараф этилган бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда интеллектуал мулкка оид низоларнинг тааллуқлилик ва судловлилик масалаларига оид қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирилиши ўз навбатида фуқароларнинг сансалорлик ва ортиқча вақт йўқотилишини олди олинишига ҳамда мулкчи ва номулкий ҳуқуқларини судлар томонидан ўз вақтида, қонуний, адолатли ва асосли ҳал қилинишини амалда кафолатлайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда; 2017 й., 37-сон, 982-модда
2. <http://lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2016. – 400 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2017 й., 15-сон, 242 модда.
5. “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида” Низом.
6. Данилова. И.А. К вопросу о подведомственности и подсудности дел по спорам об интеллектуальных правах.// Право, 2012. – С.115.
7. Маргунова Е.А. Судебная защита интеллектуальных прав. Вестник университета имени О.Е.Кутафина. – № 9. – 2015. – С. 87-96.
8. [cafc.uscourts.gov](http://cafc.uscourts.gov)
9. [bundespatentgericht.de](http://bundespatentgericht.de)
10. [ip.courts.go.jp](http://ip.courts.go.jp)

**Ф.Хасанова,**  
ЖИДУ Халқаро хусусий  
ва фуқаролик ҳуқуқи  
кафедраси катта ўқитувчиси

#### ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА “ФРУСТРАЦИЯ” ДОКТРИНАСИ

**Аннотация:** ушбу мақола инглиз ҳуқуқи бўйича шартномавий жавобгарликдан озод қилиш масалаларига ҳамда “фрустрация” доктринасининг моҳитини очиб беришга бағишланган. Унда инглиз ҳуқуқи бўйича шартноманинг моҳияти, шартнома шартлари бажарилмаганда вужудга келадиган жавобгарликнинг ўзга хослиги ва жавобгарликдан озод қилиш асослари ва шартлари ўрганиб чиқилди. Мақолада инглиз суд прецеденти билан бир қаторда Англия қонунчилиги ҳам кенг қўлланилди.

**Калит сўзлар:** инглиз ҳуқуқи, умумий ҳуқуқ, шартнома, фрустрация, “мутлақ шартнома”, имконсизлик, мавжуд бўлмаслик, олдиндик кўра билмаслик.

**Аннотация:** данная статья посвящена вопросам освобождения от договорной ответственности по английскому праву, также раскрытию сущности доктрины «фрустрация». В ней изучены сущность договора, особенность ответственности за неисполнение договорных обязательств также основания и условия освобождения от ответственности по английскому праву. В статье широко использованы как судебные прецеденты, так и законодательство Англии.

**Ключевые слова:** английское право, общее право, договор, фрустрация, теория “абсолютного договора”, невозможность, отсутствие, непредсказуемый.

**Annotation:** this article is devoted to the issues of exemption from contractual liability in English law, as well as the exposure of the essence of the doctrine of “frustration”. The essence of the contract, the peculiarity of liability for non-performance of contractual obligations, as well as the grounds and conditions for exemption from liability under English law has been studied. Both judicial precedents and English law have been widely used in this article.

**Key words:** english law, common law, contract, frustration, theory of absolute contract, impossibility, unavailability, unforeseeable.

Инглиз ҳуқуқи бўйича шартнома бу – тарафлар ўзлари учун олган ваъда ёки ваъдалар мажмуасидир [1]. Умумий ҳуқуқ тизимида мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш масаласининг моҳиятини тушуниш учун аввал “ваъда” нима эканлигини тушиниб етишимиз керак. “Ваъда” – шартнома бўйича бирор ҳаракатни амалга ошириш ёки уни амалга оширишдан ўзини тийишдир. Ваъда берган тараф, ваъданинг пердмети ҳисобланган ҳаракатни амалага ошириш ёки ҳаракатдан ўзини тийиш учун тўлиқ ва сўзсиз жавобгарликни ўз бўйнига олади. Жавобгарлик фақатгина шартномада назарда тутилсагина чекланиши мумкин. Шартномада жавобгарликнинг чегараси белгиланмаган бўлса, ваъда берган тараф уни бажармаганлиги учун ҳар қандай шароитда ҳам жавобгар бўлиб қолаверади.

Демак, шартнома мақсадига эришишга тўқинлик қиладиган ҳолатни олдиндан кўра олмаганликлари уларни шартномани ижро этишдан озод қилмаслиги керак [2].

XIX-асрнинг охирларигача инглиз ҳуқуқида юқорида келтирилган мазмундаги мутлақ шартнома доктринаси ҳукм суриб келган. Уша пайтда шартнома шартлари мутлақ ҳисобланган ва кейинчалик вужудга келган ҳодисалар шартнома шартини ижро этмаслик учун асос бўлмаган [3]. Тарафлар шартнома бўйича мажбуриятларини ўзларига боғлиқ бўлмаган ташқи ҳолатлар туфайли ҳам ижро этолмасаларда, жавобгарликдан озод қилинмаган. Мажбуриятини бажармаган ва бу орқали кредиторнинг ҳуқуқларини бузган қарздор унинг олдида мажбуриятини ижро эта олмаганлигининг барча оқибати учун жавобгар бўлади.

Инглиз ҳуқуқининг шартномавий жавобгарлик масаласи бўйича ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади: 1) умумий ҳуқуқ бўйича (“адолат ҳуқуқи” бундан мустасно) кредитор қарздордан мажбуриятни асл ҳолда бажаришни эмас, балки мажбурият ижро этилмаганлиги натижасида унга етказилган зарар учун товон талаб қилиши мумкин; 2) ижронини амалга оширишнинг кейинчалик имкони йўқлиги, қарздорни ижро эта олмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

Инглиз ҳуқуқи шартнома шarti бузилганда кредитор ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг энг мос усули зарарни қоплаш деб ҳисоблайди. Қоидаларда жабр кўрган тараф йўқотишлари учун товон олиш кераклиги белгиланган [4]. Шартнома ижро этилмаганлиги сабабли кредиторнинг бузилган ҳуқуқлари зарарни қоплашни талаб қилиш орқали ҳимоя қилиниши бугунги кунда ҳам бошқа ҳимоя усулларига қараганда кенг қўлланилади.

Агар қарздор шартномани асл ҳолида бажариш учун жавобгар бўладиган бўлса, кейинчалик шартномани бажариш имкониятининг йўқолиши қарздорни жавобгарликдан озод қилади. Аммо, шартномавий жавобгарлик кафолат ҳарактерига эга бўлса, яъни шартнома бўйича мажбурият олган тараф шартнома тузилгандан сўнг қандай ўзгариш бўлишидан қатъий назар унинг ижроси учун жавобгар бўлса, қарздор зарарни қоплаш мажбуриятига эга бўлса, кейинчалик шартнома шартини бажаришнинг имконияти йўқолган тақдирда ҳам қарздор жавобгарликдан, яъний зарарни қоплашдан озод қилинмайди. Чунки объектив маънода зарарни пул кўринишида қоплашни ҳар қачон амалга оширса бўлади.

1873-йилда Англияда амалга оширилган суд соҳасидаги ислоҳатдан сўнг “умумий судлар” ва “адолат судлари” қўшиб юборилди. Шундан сўнг “адолат ҳуқуқи”да мавжуд шартномани асл ҳолида бажаришни (Specific Performance) талаб қилиш орқали кредитор бузилган ҳуқуқларини тиклаши умумий судларда ҳам қўлланила бошланди. Аммо, кредиторнинг ушбу талабини қондириш судьянинг ихтиёрига боғлиқ бўлган [5]. Кредиторнинг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ушбу усули кўп чеклашларга учраган ва учраб келмоқда [6]. Фақат бир ҳолатдагина, яъни шартноманинг ижросида кредитор ёки қарздорнинг шахси муҳим бўлган ҳоллардагина судья уни қўллайди. Қолган ҳолларда бу судьяларнинг ҳуқуқидир. Судьяларнинг мажбуриятни асл ҳолда бажариш талабини қондириш ҳуқуқи ҳатто норматив ҳужжатда ҳам белгилаб қўйилган. 1979 йилда қабул

қилинган “Товарлар олди-сотдиси тўғрисида”ги Қонунинг 52-моддаси 1-банди қуйидаги норма ўрнатилган: “Белгиланган ёки ўрнатилган товарларни топшириш юзасидан шартноманинг ҳар қандай шarti бузилганда, даъвогарнинг талабига асосан суд, агар буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, ўз қарориди ёки буйруғида жавобгарга товарни топшириш ўрнига зарарни қоплаш ҳуқуқини бермаган ҳолда шартнома асл ҳолида бажарилиши кераклигини белгилаши мумкин” [7].

Юқорида айтганимиздек, 19-асрнинг охирларигача мажбуриятни кейинчалик бажариш имкониятининг мавжуд эмаслиги, тарафни жавобгарликдан озод этмайди деган қоида ҳукм сурган. Ушбу тамойил *Paradine v Jane* (1647 йил) иши прецедентида ўрнатилган. Ушбу иш натижаси бўйича судья қуйидагича қарор қилган: “шахс ўзи тузган шартномасида ўзига мажбурият ва жавобгарлик олган бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам шахс уни ижро этиши керак” [8]. Судья ушбу қарорини, шартномага киришаётганда тараф содир бўлиши мумкин бўлган оқибатлар шартномада назарда тутиши ва шартномада қарздорни жавобгарликдан озод этувчи ҳолатлар ҳақида келишиб олиши кераклиги билан асослаган. Судьянинг фикрича шартномада келишиб олинмаган барча бошқа ҳолатлар учун қарздор тўлиқ жавобгар бўлади ва кейинчалик вужудга келадиган ижронинг имконсизлиги, жумладан, табиий ҳодисалар – “Худонинг ишлари” (the Act of God), содир бўлса ҳам жавобгарликдан озод қилинмайди.

Инглиз ҳуқуқига энгил бўлмас куч тушунчаси ёддир. “Act of God” фақатгина “тўсатдан содир бўладиган, ўта кучли ва энгил бўлмайдиган, оқилона ҳаракатлар орқали олдиндан кўриб бўлмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган табиат ҳодисаларини” қамраб олади [9].

Инглиз ҳуқуқи бўйича “форс-мажор” категорияси ҳам мавжуд эмас, аммо шартноманинг ижроси имконсизлик туфайли, яъни “фрустрация” сабабли амалга оширилмас, тараф жавобгарликдан озод қилиниши мумкин [10]. Шартнома фрустрацияси доктринасини қўллаш учун мезон “шартнома тузилганидан сўнг ҳолатнинг кескин ўзгариши натижасида тарафлар даставвал муносабатга киришган шартноманинг асоси йўқолиши ва янги шартнома вужудга келиши”да ҳисобланади.

Фрустрация доктринаси “мутлақ шартнома” доктринасига чек қўйди десак, муболаға бўлмайди. 1863 йилда Англия прецедентида ўша пайтга қадар мавжуд бўлиб келган қарздор ҳар қадайдиган ҳолатда ҳам зарарни қоплаш мажбуриятидан озод қилинмайди деган тамойилга чек қўйган иш кўриб чиқилди. *Taylor v Caldwell* иши бўйича *Caldwell & Bishop Taylor & Lewis* га тўрт кунга (1861 йилнинг 17 июни, 15 июли, 5 ва 19 август) ўзига тегишли боғ ва концерт залини кунига 100 фунт стерлинг тўлаш шarti билан ижарага берган. *Taylor & Lewis* ижарага олган жойида концерт билан бир қаторда турли кўнгилочар тадбирлар ўтказишни ҳам режалаштирган эди. Аммо, шартномани ижро этиш мурдари келгунга қадар, яъни 1861 йил 11 июн куни тарафларнинг айбидан ташқари концерт биноси ёниб кетди. *Taylor & Lewis Caldwell & Bishop* ни ижарага берилган концерт залини топширмаганлиги учун судга даъво билан мурожат қилди. Суд қарздорни жавобгарликдан озод қилди. Судья лорд Блэкбернинг



фикрига кўра тарафлар тузган шартнома “позитив”<sup>1</sup> ҳисобланганлиги ва концерт залининг ёниб кетишида тарафларнинг айби йўқлиги сабабли ижарага берувчи ўз мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди. Шундай қилиб, ушбу иш фрустрация доктринасига асос солди [11].

Аслида фрустрация деганда жавобгарликдан озод қилиш тушинилмайди. Фрустрация – бу шартномадан ташқари ҳолатлар сабабли уни ижросини имконсиз қилишди [12]. Демак, фрустрация деганда тарафларга боғлиқ бўлмаган маълум сабабларга кўра шартномани бекор қилишни тушинишимиз керак. Умумий ҳуқуқ бўйича шартнома фрустрация қилинган деб топилса, тарафлар жавобгарликдан озод қилинади. Яъни, ёки шартнома фрустрация қилинади ва тарафлар жавобгарликдан озод этилади ёки улар ўзаро мажбуриятлар юзасидан боғланганларича қоладилар ва мажбуриятни ижро этмаганликлари учун жавобгар бўлиб қолаверадилар [13]. Инглиз ҳуқуқида вақтинчалик имконсизлик, яъни маълум ҳодисанинг маълум вақт мобайнида шартнома ижросига таъсир этиш ва шартномани қисман фрустрация қилиш тушунчалари мавжуд эмас.

Умумий ҳуқуқ бўйича жавобгарликдан озод қилувчи фрустрация доктринасига ягона ёндашув мавжуд эмас. Маълум олимлар умумий ҳуқуқ тизими бўйича шартномавий жавобгарликдан озод қилишда фрустрация доктринаси билан бир қаторда имконсизлик доктринаси ҳам мавжуд деб ҳисоблайди. Масалан, Larry A. DiMatteo умумий ҳуқуқ шартнома тарафларини жавобгарликдан озод қилиш учун имконсизлик ва фрустрация доктриналарини яратган деб ҳисоблайди [14].

Баъзи олимлар эса шартномани ижро этишнинг имконсизлиги коцепциясини кенгроқ ва у форс-мажор, фрустрация доктриналарини ҳамда “тўсиқ сабабли жавобгарликдан озод қилиш” тушунчасини қамраб олади деб ҳисоблайди [15].

Эдвин Пил юқорида келтирилган фикрлардан фарқли равишда жавобгарликдан озод қилишда фақатгина фрустрация доктринасини мавжудлигини таъкидлайди, имконсизликни эса шартнома фрустрация бўлиши учун асослардан бири деб ҳисоблайди [16]. Фрустрация ҳодисларининг бир қанча турлари (асослари) мавжуд, яъни имконсизлик, қонун нормаларининг ўзгариши, мақсаднинг мавжуд бўлмайдиганлиги, деб ҳисоблайди яна бир ғарб олими [17]. Фикримизча ушбу икки қараш фрустрацияга тўғри ёндашиш ҳисобланади.

Умумий ҳуқуқ бўйича шартнома фрустрация қилинган деб топишнинг бир қанча асослари мавжуд деб айтиб ўтдик. Қуйида уларни ёритиб ўтамыз.

Шартнома фрустрация бўлишининг биринчи асоси бу – имконсизлик (impossibility), яъни, тарафда шартнома бўйича ўз мажбуриятини амалга ошириш имконининг йўқолишидир. Бунга турли асослар сабаб бўлиши мумкин. Лекин шартномани ижро этиш имконсизлигининг вужудга келиши ҳар доим ҳам тарафни жавобгарликдан озод қилмайди. Тарафга хавфнинг ўтиши ёки шартномани бузганлиги учун

қатъий жавобгарлик белгиланган ҳолларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин [18].

Шартномани ижро этишни имконсиз қиладиган асослардан бири маълум ашёларнинг, яъни шартнома объекти ҳисобланган ашёнинг нобуд бўлиши. Юқорида келтириб ўтилган Taylor v Caldwell ишида ижара объектнинг нобуд бўлиши шартномани ижро этишни имконсиз қилганини кўриб чиқдик. Аммо, шу ўринда шартнома объектнинг нобуд бўлиши унинг нобуд бўлиши пайтида хавф кимда бўлганлиги аҳамиятли эканлигини айтиб ўтишимиз керак. “Товарлар олди-сотдиси тўғрисида”ги Қонунинг 20(1)-моддасига асосан, агар тарафлар бошқача қоида белгиламаган бўлсалар, товарнинг нобуд бўлиш хавфи сотиб олувчига мулк ҳуқуқи билан бирга ўтади. Товарга нисбатан мулк ҳуқуқи эса у сотиб олувчига етказиб берилгунга қадар ўтиши мумкин (яъни, шартнома тузилган пайтдан бошлаб) [19]. Агар товар нобуд бўлган пайтда сотиб олувчига хавф ўтган бўлса, шартнома фрустрация бўлган деб ҳисобланмайди, аксинча сотиб олувчи товарни олмасда унинг учун ҳақ тўлаши керак бўлади, сотувчи эса товарни етказиб бериш мажбуриятдан озод қилинади. Аммо товар хавф сотиб олувчига ўтгунга қадар нобуд бўлса ва ушбу товар махсус (яъни, хусусий аломатларга эга ашё бўлса) товар бўлса ёки товар маълум манбадан олиниши керак бўлган бўлса ва ушбу манбадаги барча товарлар нобуд бўлган бўлса, шартнома фрустрация қилинган деб топилади. Агар товар ушбу келтирилган икки мезонга жавоб бермаса ва товарнинг хусусияти шартномада белгиланган бўлса, хавф сотиб олувчига ўтгунга қадар товарнинг нобуд бўлганлиги сабабли шартнома фрустрация бўлган деб топилмайди. Аксинча, сотувчи шартномада белгиланган хусусиятларга жавоб берувчи бошқа товарларни сотиб олувчига етказиб беришга мажбур ҳисобланади.

Шартнома ижросини имконсиз қиладиган кейинги икки асос бу- тарафлардан бирининг вафот этиши (туғатилиши) ёки шартномани ижро этиш учун шахсда лаёқатнинг йўқолиши<sup>2</sup>. Ушбу икки сабаб асосан “шахсий”, яъни тарафларнинг шахси аҳамиятли бўлган шартномаларда кўп учрайди. Аммо тижорат шартномаларида ҳам баъзан тарафлардан бирининг шахси шартнома учун аҳамиятли ҳисобланади [20].

Шартнома ижросини имконсиз қиладиган яна бир асос “unavailability” бўлиб, ўзбек тилига “имкониятнинг мавжуд эмаслиги”, “мумкин бўлмаслик”, “яроқсиз бўлиб қолиш” деб таржима қилинади. Шартнома, унинг ижроси учун аҳамиятли ҳисобланган предмет, объект нобуд бўлмасда ёки шахс вафот этмасда, шахс шартнома шартини ижро этиш лаёқатини доимга йўқотмасда, шартнома предмети, объекти ва тарафнинг шартнома шартига эришиш учун яроқсиз бўлиб қолиши шартномани фрустрация қилиш учун асос бўлиши мумкин [21]. Масалан, товарлар реквизиция қилинса, шартноманинг предмети нобуд бўлмайди, аммо энди ушбу товарлардан шартномани ижро этиш учун фойдаланиб ҳам бўлмайди. Баъзан ҳодиса шартнома ижроси амалга оширилиши керак бўлган пайтдагина мавжуд бўлади ва бунда ижро этиш вақтинчалик мумкин бўлмайдиган қолади. Бундай ҳолларда шартнома учун ижро муддати аҳамиятли бўлсагина

<sup>1</sup> Позитив шартнома деганда шартномада тарафларнинг кучайтирилган ёки мутлақ мажбурияти белгиланмаган шартномани назарда тутилган. Яъни, агар “тарафлар ўз шартномасида уни ижро эта олмаслик уларнинг айбидан ташқари бўлса ҳам жавобгар бўлади” деб белгилаганларида эди, судья қарздорни жавобгарликдан озод қила олмасди.

<sup>2</sup> Умумий ҳуқуқ нормалари бўйича шартномани ижро этиш учун лаёқатнинг (incapacity) йўқолишида фақат муомала лаёқатини йўқотиш тушунилмайди, балки жисмоний шахснинг жароҳат олиниши ҳам назарда тулади.

шартнома фрустрация қилинган деб топилиши мумкин. Шартномада ижро муддати қатъий қилиб белгиланмаган бўлсада, бироқ ижро этишнинг имкони узоқ муддат давомида мавжуд бўлмаса ҳам, шартнома фрустрация қилинган деб топилиши мумкин. Бундай асосга яна бир мисол ижро кечиктирилгандан сўнг вазиятнинг ўзгариши натижасида шартномани ижро этиши керак бўлган тараф уни ижро этадиган бўлса, унга жуда катта миқдорда зарар етиши мумкинлигидир.

“Failure of a particular source”, яъни “маълум манбаларнинг мавжуд бўлмай қолиши” шартнома ижросини имконсиз қиладиган кейинги асос ҳисобланади. Мисол учун маълум ҳосил учун олдиндан келишилган бўлса ва қурғоқчилик натижасида ҳосил олинмаган бўлса ёки товарни чет элдан импорт қилиниши керак бўлган бўлса ва чет давлатида уруш, экспортга чеклов натижасида товарлар сотуцига етиб келмаса.

Шартномани ижро этиш усулининг имконсизлиги шартнома ижро этишни имконсиз қилувчи яна бир асосдир. Nicholl and Knight V Ashton иши бўйича тарафлар пахта уруғини сотиш бўйича шартнома тузганлар ва ушбу шартномада товар Орlando кемасида Мисрдан Европага етказилиши белгилаб қўйган. Аммо, Орlando Болтиқ денгизига етганда сув сатҳи кам бўлганлиги учун лойга тикилиб қолган ва белгиланган жойга муддатида етиб келмаган. Ушбу шартнома фрустрация бўлган деб топилган, чунки шартномада товарни қандай етказиш, яъни қайси кемага отириш аниқ белгилаб қўйилган эди. Агар шартномага кеманинг номи киритилмаганда эди сотувчи мажбуриятини бажармаганлиги учун, ҳатто унга ташқи таъсир сабабчи бўлган бўлса ҳам, жавобгар бўлар эди.

Шартномани ижро этишнинг имконсизлиги ўз-ўзидан уни фрустрация бўлишига олиб келмайди. Бунинг учун маълум талаблар бўлиши керак [22]. Фрустрация доктринасининг, баъзи масалалари норматив ҳужжат орқали ҳам тартиб солинган бўлсада, шартнома фрустрация қилинган деб топилиши учун мезонлар қонунчиликда ўз аксини топмаган. Жумладан, 1943 йилда қабул қилинган Ислохот тўғрисида қонунда (Фрустрация қилинган шартнома) (Law Reform (Frustrated Contracts) Act) шартнома фрустрация қилинган деб топилиши учун қандай талаблар бўлиши кераклиги ҳақида ҳеч қандай қоида келтирилмаган бўлсада, унда фақат шартнома фрустрация қилинган деб топилиш оқибатлари белгиланган. Демак, Англия қонунчилиги шартнома фрустрация бўлган деб топиш бўйича якуний ҳулосага келиш ҳуқуқини судьяларда қолдирган. Шу кунга қадар прецедентлар орқали фрустрация доктринасининг асосий белгилари шакилланган. Унга кўра ҳодиса қуйидаги талабларга жавоб бериши керак [23]:

- вазиятнинг ўзгариши ёки ҳодиса ташқи характерга эга бўлиши керак;
- ҳодиса ўз ичига тараф олган мажбуриятини тубдан ўзгартириб юборадиган даражада кескин ўзгарган вазиятни олиши керак;
- ҳодиса, уни содир бўлишидан манфаатдор бўлган тарафнинг ҳаракати натижасида вужудга келмаган бўлиши керак;
- ҳодиса, уни содир бўлишидан манфаатдор бўлган тарафнинг айби ёки хатоси сабабли вужудга келмаган бўлиши керак.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, юқорида шартнома ижросини имконсиз қиладиган ҳолатлардан бири содир бўлса ҳам, фрустрация доктринаси қуйида келтирилган асосларга кўра шартномага нисбатан қўлланилмаслиги мумкин:

Биринчидан, шартномани ижро этмаслик хавфи шартнома шартларига мувофиқ тарафнинг зиммасида бўлса. Аммо баъзан шартномага хавфни кимда бўлиши ҳақида шарт киритилмаган бўлсада, шартноманинг табиатига (моҳияти) кўра хавф тарафлардан бирида бўлиши мумкин;

Иккинчидан, шартнома тузаётган пайтда тарафлар фрустрацияга олиб келиши мумкин бўлган ҳодисаларни кўра билмаган (unforeseeable), яъни инobatга олмаган бўлсалар ёки бундай ҳодисалар содир бўлишини олдиндан инobatга олиш имконияти бўлмаган бўлса. Аммо барча ҳуқуқшунос олимлар ушбу талабнинг шартномани фрустрация қилишга таъсири ҳақида бир хил фикрга эга эмас. Кейинчалик содир бўладиган ҳодисани шартнома тузиш пайтида маълумлиги (foreseen) ёки уни олдиндан кўра билиш (foreseeable) факти сабабли шартномани фрустрация қилинишига тўсқинлик қилмайди [24]. Ҳодисанинг олдиндан маълумлиги ёки тарафлар томонидан кўра билиш мумкинлиги фақат бир тараф ёки ҳар икки тараф учун ҳам бўлиши мумкин. Ҳолатни олдиндан кўра бўлмаслик (unforeseeability) шартномани фрустрация қилишга олиб келишида қуйидаги учта фактор мавжуд бўлиш керак. Биринчидан, олдиндан кўра бўлмаслик юқори даражада бўлиш керак. Масалан, “Тож кийдириш ишлари” прецеденти бўйича қиролнинг кексаллигини инobatга олинадиган бўлса, унинг касалликка чалиниш эҳтимоли баланд эди ва шу сабабли мажбуриятни бажариш учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳодисани олдиндан кўра билиш мумкин эди. Иккинчидан, тарафлар маълум ҳолат мажбуриятни бажариш учун тўсиқ бўлиши мумкинлигини олдиндан тахмин қилган бўлсаларда, лекин унинг ҳажмини<sup>3</sup> кўра билмаган бўлишлари керак. Учинчидан эса тарафлар бирор ҳодисанинг содир бўлишини олдиндан кўра билган бўлсаларда ва шартномага ушбу ҳодисанинг содир бўлиши шартномани фрустрация бўлишига олиб келмайди деб киритган бўлсаларда, кейинчалик шартнома фрустрация қилиниши мумкин. Бу мақсаднинг (ниятнинг) қарама-қаршилиги дейилади. Чунки, тарафлар шартномада вужудга келиши мумкин бўлган ҳолат шартномани фрустрация қилишга олиб келмайди деб белгилаган бўлсаларда, улар ўртасида хавф тақсимланмаган бўлади [25].

Учинчидан, шартномани ижро этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар тарафлардан бирининг ҳаракати сабабли вужудга келмаслиги керак.

Агар шартномани ижро этмаслик ушбу санаб ўтилган ҳолатлардан бири сабабли вужудга келса, фрустрация доктринаси қўлланилмайди ва тарафлар жавобгарликдан озод қилинмайдилар.

Юқорида шартномани ижро этиш имконининг йўқолиши шартномани фрустрация қилинган деб топиш учун асос бўлиши ҳақида атрофлича ўрганиб чиқилди. Аммо, шартнома ижросининг кейинчалик имконсиз бўлиши шартномани фрустрация қилиш учун ягона асос эмас. Қуйидаги асосларга кўра ҳам

<sup>3</sup> Бу ерда ҳажм деганда вужудга келган тўсиқ оқибатларининг ҳажми, тўсиқнинг даражаси тушинилмоқда.

шартнома фрустрация қилинган деб топилиши мумкин [26]:

1. Шартнома мақсадининг фрустрация бўлиши, яъни шартномага киришилган пайтда кўзланган мақсад кейинчалик бирор ҳодисанинг содир бўлиши натижасида жуда ўзгарган ёки мақсадга эришишнинг имконини йўқотган бўлса. Ушбу масала бўйича махсус прецедент шаклланган бўлиб, инглиз ҳуқуқида бу “Тож кийдириш ишлари” деб юритилади.

2. Шартнома тузилганидан сўнг унинг ижроси қонуний жиҳатдан имконсиз бўлиб қолса. Бунда асосан шартномани ижро этиш давлат манфатларига зид келиши келмаслигига боғлиқ бўлади. Масалан, уруш пайтларида давлат душманлари билан тузилган шартноманинг ижро этилиши ноқонуний деб топилган.

Англия ҳуқуқ тизимида жавобгарликдан озод қилишга оид муносабатларда “Act of God”, яъни “Худонинг иши” деган тушунча ҳам қўлланилади. “Худонинг иши” деганда фақатгина табиат ҳодисалари тушунилади. Аслида ушбу тушунча умумий ҳуқуқ тизимида жавобгарликдан озод қилишда алоҳида доктрина ёки категория ҳисобланмайди. Шунчаки шартномани ижро этиш имконсизлигининг асосларидан бири сифатида қаралади [27]. Аммо, табиат ҳодисаларининг ўзи тўғридан-тўғри фрустрация доктринаси бўйича шартномани ижро этишни имконсизлигини келтириб чиқармайди. Фақатгина юқорида келтирилган асослардан бирининг вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Халфина Р.О. Договор в английском гражданском праве. – М.: Академия наук СССР. 1959. – 584 с.

2. Steadman Jean and Steven Sprague: Common Law contract law a practical guide for the civil law lawyer. – Milanofiori Assago: Wolters Kluwer, 2015, pp. 428.

3. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1032.

4. Steadman Jean and Steven Sprague: Common Law contract law a practical guide for the civil law lawyer. – Milanofiori Assago: Wolters Kluwer, 2015, p. 587.

5. Steadman Jean and Steven Sprague: Common Law contract law a practical guide for the civil law lawyer. – Milanofiori Assago: Wolter Kluwer, 2015, p.607.

6. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1230.

7. <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1979/54>

8. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1032.

9. Р.О. Халфина. Договор в английском гражданском праве. – М.: Академия наук СССР. 1959. – 584 с.

10. Внешнеэкономические сделки: материально-правовое и коллизийное регулирование / В.А. Канашевский. – М.: Волтерс Клувер, 2008. – 169 с.

11. Beale Hugh. Cases, materials and text on CONTRACT LAW. – Oxfordand Portland, Oregon: 2010 – pages 1107-1110.

12. "The Practical Significance Of The Doctrine Of Frustration Is Limited", <http://www.lawteacher.net/free-law-essays/contract-law/doctrine-of-frustration.php>

13. Beal Hugh (ed.): Cases, materials and text on Contract law. – Oxford and Portland, Oregon: 2010 – p.1106.

14. DiMatteo Larry A. International contracting: Law and Practice. – The Netherlands, Wolters Kluwer: 2013 – p.264.

15. Beal Hugh (ed.): Cases, materials and text on Contract law. – Oxford and Portland, Oregon: 2010 – p.1094.

16. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1036.

17. Brunner Christoph: Force majeure and Hardship under General contract principles: Exemption for non-performance in International Arbitration. – Wolters Kluwer, 2009. p.92.

18. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1037.

19. Sale of Goods Act 1979 s.18 r.1 <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1979/54>

20. Kemp v Baerselman (1906 йил) иши бўйича кўришимиз мумкин.

21. Peel, Edwin: The law of the contract. Fourteenth edition. – London: Sweet&Maxwell, 2015. p.1040.

22. Beal Hugh (ed.): Cases, materials and text on Contract law. – Oxford and Portland, Oregon: 2010 – p.1118.

23. Brunner Christoph: Force majeure and Hardship under General contract principles: Exemption for non-performance in International Arbitration. – Wolters Kluwer, 2009. p.92.

24. Sir Guenter TREITEL: Frustration and Force majeure. Second edition. – London: Sweet and Maxwell, 2004, p.506.

25. Brunner Christoph: Force majeure and hardship under general contract principle. – The Hague.: Wolters Kluwer Law International, 2009, p. 518.

26. Brunner Christoph: Force majeure and Hardship under General contract principles: Exemption for non-performance in International Arbitration. – Wolters Kluwer, 2009. p.92.

27. Steadman Jean and Steven Sprague: Common Law contract law a practical guide for the civil law lawyer. – Milanofiori Assago: Wolter Kluwer, 2015, p. 511.

Ш.Хужаев,  
докторант (PhD) ТГЮУ

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ ИНОСТРАННЫХ БАНКОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** в статье рассматриваются правовые основы создания иностранных банков и их аккредитованных представительств, раскрыты порядок и условия создания иностранных банков и аккредитации их представительств, законодательные требования, проанализированы и выделены отличительные особенности норм банковского законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** аккредитованное представительство, банковское законодательство, иностранный банк, филиал.

**Аннотация:** мақолада хорижий банклар ва уларнинг аккредитация қилинган ваколатхоналарини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган, хорижий банкларни ташкил этиш ва уларнинг ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва шартлари, қонуний талаблар ёритилган, Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги нормаларининг фарқли жиҳатлари таҳлил этилган ва белгиланган.

**Калит сўзлар:** аккредитация қилинган ваколатхона, банк қонунчилиги, хорижий банк, филиал.

**Annotation:** article considers legal bases of establishing of foreign banks and their accredited representations, discloses essence of order and conditions of establishing of foreign banks and accreditation of their representations, legislative requirements, analyses and marks out distinctive features of standards of the bank law of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** the accredited representative offices, banking law, foreign banks, branch.

В последние годы с развитием финансово-экономических отношений и интернационализацией капитала увеличиваются количество банков с участием иностранного капитала. Государства принимают необходимые меры, в частности, правовые меры для привлечения инвестиций в банковский сектор. Говоря о правовых основах деятельности иностранных банков и их аккредитованных представительств иностранных банков в Республике Узбекистан, на наш взгляд, необходимо рассмотреть банковское законодательство. Банковское законодательство определяет особенности правового регулирования банков, его филиалов и представительств.

Бережинская Е. справедливо отмечает, что «банковское законодательство представляет собой определенную систему нормативных правовых актов, регулирующих банковскую деятельность, в том числе деятельность иностранных банков» [6, 23-с].

В отношении создания иностранных банков и открытия их аккредитованных представительств в Республике Узбекистан, банковское законодательство можно разделить на две большие группы:

1) общие нормативные акты, которые имеют опосредованное отношение к деятельности иностранных банков и их аккредитованных представительств;

2) специальные нормативные акты, которые посвящены вопросам правового регулирования деятель-

ности иностранных банков и их аккредитованных представительств.

К общим нормативным актам можно отнести Гражданский кодекс Республики Узбекистан, Законы Республики Узбекистан «О валютном регулировании» от 11 декабря 2003 года № 556-II, «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» от 6 мая 2014 года № ЗРУ-370, «О внешнеэкономической деятельности» от 26 мая 2000 года № 77-II, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке аккредитации и деятельности представительств иностранных коммерческих организаций на территории Республики Узбекистан» от 23 октября 2000 года № 410 и другие, которые регулируют общие вопросы представительств.

К специальным нормативным актам относятся:

– Законы Республики Узбекистан «О Центральном банке Республики Узбекистан», «О банках и банковской деятельности»;

– Постановления Правления Центрального Банка Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков» от 15 августа 2009 года № 23/3 (рег. № 2014 от 08.10.2009 г.), «Об утверждении положения о порядке аккредитации представительств банков иностранных государств на территории Республики Узбекистан» от 22 ноября 2008 года № 26/6 (рег. № 1883 от 23.12.2008 г.).

Большинство источников банковского права, регулирующих деятельность иностранных банков и их аккредитованных представительств в Республике Узбекистан, составляют нормативные акты Центрального Банка Республики Узбекистан. В них указывается следующая определения:

иностраный банк – дочерний банк иностранного банка, уставный капитал которого полностью оплачен иностранным банком [1]; банк, зарегистрированный и находящийся на территории иностранного государства, а также имеющий лицензию на право осуществления банковской деятельности, выданную органом банковского надзора по месту регистрации [2];

представительство банка иностранного государства – обособленное подразделение иностранного банка, расположенное вне места нахождения банка и осуществляющее представительство интересов банка без права осуществления банковской и другой коммерческой деятельности и получившее свидетельство Центрального банка Узбекистана на его аккредитацию на территории Республики Узбекистан [2].

Следует отметить, что в Республике Узбекистан на состояние 1 марта 2018 года действуют 5 банков с участием иностранного капитала – АКБ «Савдогар», АКБ «НАМКORBANK», АО «ҚДБ Банк Узбекистан», АО «Ziraat Bank Uzbekistan», Дочерний банк банка Саде-рат Ирана в городе Ташкенте.

Форма участия иностранных банков при создании новых банков бывает двух видов – полное и частичное формирование уставного капитала. С учетом этого Положение о регистрации и лицензирования деятельности банков использует два термина – «дочерний банк иностранного банка» и «банк с участием иностранного капитала» [3], последний при этом не подпадает под законодательное понятие иностранных банков. Следовательно, банковское законодательство предусматривает неточное определение понятия иностранных банков.

Банковское законодательство не предусматривает определенные исключения в общих правилах касательно порядка регистрации и лицензирования (принятие учредительных документов – учредительного договора, устава, формирование уставного капитала – 100 миллиардов сум, обращение с заявлением о регистрации и лицензировании банка в ЦБ Республики Узбекистан), однако имеются следующие условия и требования к созданию иностранных банков:

1. Учредителями иностранного банка являются иностранные банки, имеющие высокие кредитные и финансовые показатели по классификации агентств IBCA, Moody's или Standart and Poor's;

2. Учредителями банков с участием иностранного капитала являются иностранные физические и юридические лица (один из инвесторов должен быть иностранным юридическим лицом), доля которых не должна быть менее тридцати процентов [3].

Как известно, банки создаются в форме акционерных обществ. Положение о регистрации и лицензирования деятельности банков предусматривает, что банки могут учреждены в форме акционерного общества лишь в случае наличия в уставном капитале доли иностранного инвестора в размере не менее 15 %, за исключением случаев, предусмотренных решениями Президента и Кабинета Министров Республики Узбекистан [3]. С учетом того, что банковское законодательство использует термины инвесторы, то считаем целесообразным применить нормы инвестиционного законодательства в части, не противоречащих законодательству о создании банков. Это позволит создать дополнительные правовые гарантии привлечения иностранного капитала в банковский сектор, повысить эффективность деятельности иностранных банков.

В соответствии со статьей 16 Закона Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» коммерческие банки могут открывать в Республике Узбекистан филиалы, а банки иностранных государств – представительства с разрешения ЦБ Республики Узбекистан [1]. В последние годы на территории Республики Узбекистан действовали представительства таких банков, как «Национальный банк Пакистана» (National Bank of Pakistan – Пакистан), «Коммерцбанк АГ» (Commerzbank AG – Германия), «Ландесбанк Баден-Вёттемберг» (Германия), «JP Морган Чейз Банк» (JPMorgan Chase Bank, N.A. – США), «Экспортно-импортный банк Кореи» (Export-Import Bank of Korea – Республика Корея), «Шинхан банк», (Shinhan Bank Республика Корея).

Учитывая, что создание филиалов иностранных банков на территории Республики Узбекистан запрещается [3], иностранные банки могут осуществлять защиту своих интересов на территории Республики Узбекистан лишь посредством открытия аккредитованных представительств.

Сложившаяся практика банковского регулирования и надзора за филиалами иностранных банков внутри стран Европейского Союза является образцом для большинства стран, рассматривающих проблему проникновения иностранного капитала в форме банковских филиалов. При решении проблемы допуска филиалов иностранных банков главной задачей является рассмотреть не только опыт развитых стран, но и опыт развивающихся стран, открывающих свои рынки по мере развития экономики. Принимая это во внимание, законодатель пока не позволяет иностранным банкам

открыть на территории Республики Узбекистан своих филиалов.

Необходимо отметить, что законодательство Республики Узбекистан предусматривает цели открытия представительств иностранных банков. Представительство иностранного банка создается с целью изучения экономического состояния и ситуации в Республике Узбекистан, консультирования, представления интересов иностранного банка в Республике Узбекистан, укрепления и расширения связей с кредитными организациями, а также развития международного сотрудничества [2]. В юридической литературе отмечается, что филиалы и представительства иностранных банков открываются «с целью осуществления коммерческого представительства» [4, 129-с] или «для развития банковских услуг» [5, 34-с].

В Республике Узбекистан порядок аккредитации представительств иностранных банков имеет определенные особенности:

- во-первых, обращающийся иностранный банк должен осуществлять свою деятельность в своей стране не менее пяти лет, иметь хорошую репутацию и устойчивое финансовое состояние;

- во-вторых, преимущество в аккредитации отдается банкам, краткосрочные обязательства которых не ниже A1 (или A+) по классификации агентств IBCA, Moody's или Standart and Poor's;

- в-третьих, аккредитация производится на срок не более трех лет;

- в-четвертых, создание представительств в оффшорных зонах не допускается.

Для аккредитации иностранный банк должен представить следующие документы: заявление на имя председателя Центрального банка Республики Узбекистан; решение иностранного банка об открытии представительства на территории Республики Узбекистан; устав иностранного банка; свидетельство о регистрации иностранного банка или выписка из банковского реестра; разрешение контролирующего органа страны, где зарегистрирован банк; годовые отчеты банка, включая совокупный баланс за последние три финансовых года, удостоверенные аудиторским заключением, а также отчет о доходах и расходах; доверенность, выданная уполномоченным органом иностранного банка, лицу, осуществляющему переговоры по открытию представительства; информация о структуре органов управления банка вместе со справкой о банке; устав о представительстве, удостоверенная уполномоченным органом иностранного банка; договор об аренде здания для офиса представительства или гарантийное письмо владельца здания о готовности предоставить здание для аренды (с указанием условий и сроков аренды) [2].

Обращение об аккредитации рассматривается в течение месячного срока. В течение пяти дней с момента принятия решения об аккредитации, после осуществления платежа за аккредитацию на счет Центрального банка Республики Узбекистан, выдается сертификат об аккредитации представительства, о чем производится соответствующая запись в книге регистрации представительств иностранных банков на территории Республики Узбекистан.

После получения сертификата об аккредитации, представительство должно встать на учет в налоговом органе по месту нахождения, а также предоставить справку в Центральный банк Республики Узбекистан.

Исходя из анализа банковского законодательства Республики Узбекистан, мы можем отметить, что законодательство предусматривает определенные строгие требования для создания иностранных банков, открытия и аккредитации их представительств иностранных банков, что связано с поддержанием конкурентоспособности национальных банков и обеспечением стабильности банковской системы Республики Узбекистан. Однако для развития банковского законодательства в части участия иностранного капитала, на наш взгляд, следует:

**во-первых**, учитывая различие терминологий в банковском законодательстве, следует внести в Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» норму касательно форм участия иностранных банков в банковской сфере Республики Узбекистан;

**во-вторых**, предусмотреть применение инвестиционного законодательства в отношении банков с участием иностранного капитала, что будет способствовать развитию банковской сферы, привлечению иностранных инвестиций в банковский сектор;

**в-третьих**, совершенствовать деятельность аккредитованных представительств посредством увеличения срока аккредитации с трех до пяти лет, а также предоставления преимуществ при создании банка с иностранным капиталом.

#### Список литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» от 25 апреля 1996 года № 216–I.

2. Постановление Правления Центрального Банка Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке аккредитации представительств банков иностранных государств на территории Республики Узбекистан» от 22 ноября 2008 года № 26/6 (рег. № 1883 от 23.12.2008 г.).

3. Постановление Правления Центрального Банка Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков» от 15 августа 2009 года № 23/3 (рег. № 2014 от 08.10.2009 г.).

4. Газдюк Н.Ю. Правоспособность банков как субъектов международного частного права (в контексте осуществления трансграничной банковской деятельности). // Актуальные проблемы международного публичного и международного частного права. Сб. науч. тр. – Выпуск 5. – Минск, 2013. – С. 129-132.

5. Озюменко С.В. Правовые проблемы участия иностранных банков в банковской системе России. // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия Юридические науки. – 2007, – № 3, – С. 34-36.

6. Бережинская Е.А. Правовые основы деятельности иностранных кредитных организаций на территории России. «Современное право», 2007, № 4, – С. 22-25.

**А.Файбуллаев,**  
ТДЮУ мустақил изланувчиси

#### ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ ШАКЛИ

**Аннотация:** ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги нормалари ва олимларнинг фикрлари асосида омонат сақлаш шартномасининг шаклига оид талаблар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** омонат, фуқаролик қонунчилиги, шартнома, тилхат, шакл.

**Аннотация:** в данной статье на основе норм гражданского законодательства Республики Узбекистан и мнений ученых проанализированы требования к договору хранения.

**Ключевые слова:** вещь, переданное на хранение, гражданское законодательство, договор, расписка, форма.

**Annotation:** this article analyses requirements to the contract of storage on the basis of civil legislation of the Republic of Uzbekistan and opinions of scientists.

**Key words:** thing, transferred to storage, civil legislation, contract, receipt, form.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда шартномалар алоҳида ўрин тутди. Шартнома шахслар ўртасидаги товарларни топшириш, ишлар бажариш, хизматларни кўрсатиш, пулни тўлаш ва шу каби бошқа муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатида тарафларнинг эрки-иродасига асосланади ва бевосита икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро келишуви асосида тузилади. Шу сабабли муайян ҳуқуқий муносабатни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш диспозитивликка асосланган ва ихтиёрий тартибга солиш ҳисобланади. Бунда шартнома шакли ва унинг шартлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, шартномада назарда тутилган қоидалар, шартлар ва бандлар тегишли ҳуқуқий муносабатни тартибга солар экан уларнинг ўзгармаслиги, тарафларнинг ушбу қоидаларга қатъий амал қилиши шартноманинг тасдиқланган матнига асосланади ва зарур ҳолларда инфофли томоннинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 366-моддаси биринчи қисмига биноан агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

И.Б.Зокировнинг фикрича, шартнома тузилиши учун тарафлар ўзаро келишувининг ўзигина кифоя эмас. Бу келишув тегишли шаклда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Шартномаларнинг шакли ФКнинг 366-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши шарт [2, 254-бет].

Шартноманинг шакли жуда муҳим юридик ва амалий аҳамиятга эга, қонунда белгиланган шаклларга этилмаслиги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқариши мумкин [8, 339-бет].

Шартнома шаклининг моҳияти борасида мулоҳаза юритар экан, Ҳ.Р.Раҳмонқулов қуйидагиларни билдиради: шартнома тузиш тарафлар томонидан

имзоланадиган ягона ҳужжат тузиш йўли билан ва тарафларнинг шартнома тузишга қаратилган хоҳиш-ирода ифода этилган ҳужжатларни айирбошлаш орқали тузилиши мумкин. Ҳар иккала усул ҳам ёзма шаклдан фойдаланилганида қўлланилади [7, 243-бет].

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, айтиш мумкинки, омонат сақлаш муносабатларини тартибга солишда ҳам шартномалар муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади ва тарафларнинг қандай ҳаракатларни қайси муддатларда ва қай тартибда амалга ошириши лозимликларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни назарда тутати. Шу боис омонат сақлаш шартномасига оид амалдаги қонунчиликда белгиланган қоидаларни аниқ ва тўлиқ тарзда ифодалаш, ушбу шартнома шакли ва уни расмийлаштиришга нисбатан талабларни мақбул ва қулай усулда бўлишига эришиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларни бир хилда қўллаш учун мазкур нормаларни янада аниқлаштириш ва соддалаштириш муҳим аҳамият касб этади.

ФҚда омонат сақлаш шартномасининг шаклига оид талаблар алоҳида нормада белгиланган. Хусусан, ФҚнинг 877-моддаси омонат сақлаш шартномасининг шакли ва уни тузишга оид кўрсатмаларни белгилайди. Ушбу модданинг биринчи қисмида омонат сақлаш шартномаси ёзма равишда тузилиши керак бўлган ҳоллар сифатида ФҚнинг 108-моддаси назарда тутилган. ФҚнинг 108-моддасига биринчи қисмига кўра нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари;

2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса — битим суммасидан қатъи назар, бошқа битимлар.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан битимнинг ёзма шаклига бўлган эътибор кучаймоқда. Чунки битимнинг ёзма шакли унинг ҳақиқатда тузилганлигидан далолат беради, унинг мазмуни қандай шартлардан ташкил топганлиги аниқ ифодалашда, тарафлари томонидан битимга бўлган масъулиятни сезишда ёрдам беради. Битимнинг ёзма шакли унинг тарафларининг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва ҳисоб-китоб тизимини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди [5, 45-бет].

ФҚнинг 108-моддаси мазмунидан ундаги қоидалар фақат юридик шахслар, фуқаролар билан юридик шахслар, шунингдек фуқаролар ўртасида тузиладиган икки ёки кўп тарафлама битимлар, яъни шартномаларга тааллуқли бўлса керак деган хулосага келиши мумкин. Лекин ҳақиқатда ундай эмас. Моддада назарда тутилган қоидалар юридик шахслар ва фуқароларнинг бир тарафлама битимларига ҳам, агар улар учун ҳам қонун билан нотариал шакли назарда тутилмаган бўлса, тегишли ҳисобланади [6, 62-бет].

Омонат сақлаш шартномаси шаклига оид қоидаларни шарҳлар экан, Ш.Р.Юлдашева қуйидагиларни назарда тутати: омонат сақлаш шартномасининг шакли уни тузиш ҳолатлари ва туридан келиб чиқиб аниқланади. Консенсуал шартномалар учун нисбатан қатъий талаблар белгиланган. Бундай шартнома унинг қийматидан қатъий назар ёзма шаклда тузилиши лозим [9, 38-бет].

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда айтиш лозимки, ФҚнинг 877-моддаси биринчи қисмида омонат сақлаш шартномаси ёзма тузилиши керак бўлган ҳолларда шартномани ёзма шаклига риоя қилинган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган ва юк топширувчига бериладиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган. Бундай ҳужжатлар жумласига қуйидагилар киритилган:

1) сақлаш тилхати;

2) сақлаш паттаси;

3) сақлаш гувоҳномаси;

4) омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжат.

Бу ҳужжатлар омонат сақловчи томонидан тегишли тартибда расмийлаштирилиб юк топширувчига тақдим этилади ва фақат тарафлар ўртасида омонат сақлаш муносабатлари амалга оширилганлигини тасдиқлайди. Гарчи ФҚнинг 877-моддаси биринчи қисмида ушбу ҳужжатларнинг омонат сақловчи томонидан юк топширувчига берилиши омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинганлигини билдириши белгиланган [4] бўлсада, мазкур ҳужжатлар шартнома ҳисобланмайди, балки фақат ҳуқуқий муносабат вужудга келганлигини ҳамда ушбу муносабат юзасидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда профессионал омонат сақловчининг фаолияти мазмунидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олганлигини тасдиқлайди. Омонат сақловчи томонидан бериладиган ушбу ҳужжатлар тегишли формулярларни тўлдириш йўли билан расмийлаштирилади.

Омонат сақлаш муносабатларида сақлаш тилхатининг қўлланилиши ва унинг мазмун-моҳияти қандай бўлиши ҳақида қоидалар амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган. Шунингдек, сақлаш тилхатини омонат сақлаш шартномасининг алоҳида турларида қўлланилиши борасида ҳам муайян нормалар белгиланмаган. Фикримизча, сақлаш тилхати эркин шаклда ифодаланадиган ва омонат сақловчининг юкни қабул қилиб олганлиги ва муайян муддатга сақлаб туришига оид мажбуриятини назарда тутадиган ҳужжат ҳисобланади. Одатда сақлаш тилхати фуқаролар ўртасидаги маиший тусдаги, шунингдек умумий тартибда тузиладиган омонат сақлаш шартномаларида қўлланилади. Омонат сақловчи профессионал фаолиятни амалга ошириши билан боғлиқ шартномаларида шартнома тузилганлиги тасдиқлаш ҳужжати эса ФҚда назарда тутилган. Масалан, ФҚнинг 898-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ашё кийимхонада сақлаш учун қабул қилиб олинганлигини тасдиқлаш учун сақловчи юк топширувчига номерли жетон беради.

Сақлаш паттаси бериш йўли билан ашёларни омонат сақлашга қабул қилиш омонат сақлашнинг алоҳида турларида қўлланилиши ФҚда назарда тутилган. Хусусан, ФҚнинг 894-моддаси иккинчи қисмига биноан ашёни ломбардда омонат сақлаш шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номи ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади. Сақлов паттаси юк топширувчининг номи ва юкнинг нима эканлигини назарда тутати ва уни бошқа шахсга бериш мумкин бўлмайди. Юк топширувчи сақлов паттасини йўқотиб қўйса ёки у яроқсиз ҳолга келиб қолса, у бу ҳақида дарҳол ломбардга мурожаат қилиши зарур. Ломбардда тегишли ёзув китоби асосида юк топширувчининг шахси ва у топширган юкни аниқлайди ва шу асосда юк топширувчига ашёни қайтариб беради.

Омонат сақлаш муносабатларида қўлланиладиган навбатдаги ҳужжат сақлаш гувоҳномаси ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ҳам омонат сақлаш шартномасининг алоҳида турларида қўлланилади. Жумладан, ФКнинг 908-моддаси биринчи қисмига кўра товар омборлари товарларни сақлашга қабул қилганлигини тасдиқлаб, куйидаги омбор ҳужжатларини бериши мумкин:

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Омонат сақлаш шартномасини ёзма тузилганлигини тасдиқлайдиган омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжат жумласига бойликларни банд сақлашда қўлланиладиган номи ёзилган сақлов ҳужжатини киритиш мумкин. Мутахассисларнинг қайд этишича, бойликларни банкда сақлаш шартномасининг махсус шакли мавжуд, яъни эгасининг номи ёзилган сақлов ҳужжати. Мазкур ҳужжат ҳозирги вақтда қимматли қоғоз ҳисобланмайди [9, 38-бет].

ФКнинг 877-моддаси иккинчи қисмида омонат сақлаш шартномасининг ёзма тузилиши истисно этиладиган ҳолат назарда тутилган. Унда ашё сақлаш учун фавқулодда ҳолатларда топширилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига риоя қилиш талаб этилмаслиги белгиланган. Фавқулодда ҳолатлар сифатида эса ушбу нормада куйидагилар мустаҳкамланган:

- ёнғин;
- табиий офат;
- тўсатдан касал бўлиш;
- ҳужум хавфи;
- бошқалар.

Баъзи олимларнинг фикрича фавқулодда ҳодиса энгиб бўлмайдиган куч деганда нафақат табиат ҳодисалари, балки турли хилдаги оммавий тартибсизликлар, фуқаролар уруши, иш ташлашлар ҳам тушунилади [1, 68-бет].

Н.Ф.Имомовнинг қайд этишига кўра фавқулодда ҳодиса – энгиб бўлмас куч деганда, тегишли ҳудуддаги нормал ижтимоий муносабатларни издан чиқарадиган, транспорт, алоқа воситалари ва давлат органларининг нормал фаолиятини ишдан чиқарадиган ва шу сабабли ҳуқуқи бузилган шахснинг ўз ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган воқеаликлардир [3, 80-бет].

Фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар масаласига эътибор қаратиб, Ҳ.Раҳмоқулов куйидаги фикрларни билдиради: Бундай ҳолатлар “форс-мажор” ёки “форс-мажор вазиятлар” деб аталиб, улар куйидаги икки гуруҳга бўлиниши мумкин: а) табиий офат кўринишлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва шу каби бошқа ҳосилни нес-нобуд қиладиган ҳодисалар); б) ижтимоий ҳаётдаги айрим вазиятлар: ҳарбий ҳаракатлар, оммавий касалланиш (эпидемия ва шу каби ҳодисалари). Улар жумласига давлат органларининг куйидаги тақиқловчи ҳужжатларини ҳам киритиш керак: карантин эълон қилиниши, муайян йўналишлар бўйлаб ташишни чеклаш, халқаро чоралар қўлланиши туфайли натижа айрим мамлакатлар билан савдо операцияларини тақиқлаш ва бошқа шу кабилар [7, 188-бет].

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда омонат сақлаш муносабатларида фавқулодда ҳолатлар фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари, масалан даъво

муддати (ФКнинг 156-моддаси) ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик (ФКнинг 333-моддаси)да қўлланиладиган фавқулодда ҳодисалар ва шароитлардан бир қадар фарқ қилишини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ҳам омонат сақлаш муносабатларида фавқулодда ҳолатлар сифатида табиий офатлар билан бирга, тўсатдан касал бўлиш, ҳужум хавфи ва бошқалар ҳам киритилган. Мазкур ҳолатларда тарафларда, жумладан бундай фавқулодда ҳолатга тушиб қолган тарафда ўзи шопираётган ашёси учун муайян ҳужжат талаб қилиш ёки шартномани расмийлаштиришни талаб қилиш имконияти мавжуд бўлмайди. Ушбу ҳолатларни назарда тутиб қонунчиликда бу вазиятларда шартномани ёзма шаклига риоя этиш талаб этилмайди.

ФҚда омонат сақлаш шартномаси тузилганлигини бошқа усуллар билан тасдиқланиши мумкинлиги борасида кўрсатма белгиланган. Унга кўра, омонат сақлаш шартномаси омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёлар сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли билан тузилиши мумкин. Бу қоида битим шаклига оид умумий қоидаларда ҳам назарда тутилган (ФКнинг 106-моддаси иккинчи қисми). Омонат сақлаш шартномасини жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли билан тузилиши кўпинча ташкилотларнинг кийимхоналарида омонат сақлашда ёки муайян ташкилотлар учун ўрнатилган ички тартиб-қоидалардан келиб чиқиб мобил телефон аппаратини унинг эгаси шу ташкилот биносига кириб чиққунига қадар сақлаб туришда қўлланилади. Масалан, театр биноси ёки концерт залларига қишки устки кийимда кириш мумкин бўлмаганлиги сабабли устки кийимлар гардеробда қолдирилиб номерли жетон берилса, баъзи ташкилотларга киришда мобил телефон аппарати махсус қутига солиниб, кулфнинг калити телефон эгасига берилади.

Қоидага кўра омонат сақлаш шартномасининг ёзма шаклига риоя этмаслик тарафларни гувоҳларни кўрсатмаларни важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этади. Бироқ ФҚда ушбу ҳолатга нисбатан истисно белгиланган. Жумладан, ФКнинг 877-моддаси тўртинчи қисмига кўра омонат сақлаш шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик сақлашга қабул қилинган ашё билан омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзиги хусусида низо чиққан тақдирда тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Бу ҳолатда тарафлар омонат шартномаси тузилганлиги фактини инкор этмайдилар, бироқ омонат сақлаш учун топширилган ашёнинг айнан ўзиги юзасидан низолашишади. Шу сабабли бу вазиятда қонун чиқарувчи тарафларнинг судда гувоҳлар кўрсатмасини важ қилиб келтириш ҳуқуқини белгилайди.

Умуман олганда, омонат сақлаш шартномасининг шакли ушбу шартномада назарда тутилган ўзига хос ҳуқуқий конструкциялар ва мажбуриятнинг мазмунидан келиб чиқади ва омонат сақлашнинг асосий мақсади ашёни бут ҳолда сақлаш ва эгасига қайтаришни ҳуқуқий жиҳатдан ифодалашда намоён бўлади. Шу сабабли ҳам омонат сақлаш шартномасининг шаклига риоя этиш ва у билан боғлиқ қоидаларни тўғри қўллаш турли хилдаги ҳуқуқий низолар ва қонун нормалари



татбиқ этишдаги турли ёндашувларни бартарарф этишга хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гражданское право. Т.1. Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – М.: Проспект, 2003. – С. 368.
2. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 548.
3. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 180.
4. Максименко Т.С. Особенности заключения договора коммерческого хранения в международном торговом обороте // Вестник Таганрогского института управления и экономики. – 2010. – № 1
5. Раҳимов И. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг моҳияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. – Тошкент.: Фафур Фулом нашриёти, 2007. – Б. 84.
6. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 124.
7. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 320.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: Vektor-Press, 2010. – Б. 782.
9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ: Профессинал шарҳлар. Т.3. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – Б. 586.

С. Қуйлиев,  
ҳуқуқ магистри

### ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИДАН ҲОИДАЛЕНИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

**Аннотация:** мақолада товар келиб чиққан жой номидан ҳоидалениш асослари ва тартиби, товар келиб чиққан жой номидан ҳоидаленишга оид шартномалар таҳлил қилинди. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида муаллиф амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклифлари илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик ҳуқуқи, интеллектуал мулк, товар келиб чиққан жой номи, това белгилари, шартнома, ҳуқуқ эгаси, гувоҳнома.

**Аннотация:** в статье предложен анализ основ и процедур использования наименования места происхождения товара, а также контракты на использование наименования места происхождения товара. В результате проведенного анализа автор предложил предложения по совершенствованию действующего законодательства.

**Ключевые слова:** гражданское право, интеллектуальная собственность, наименования места происхождения товара, товарные знаки, договор, правообладатель, свидетельство.

**Annotation:** the article analyzes the bases and procedures for using the appellation of origin, as well as contracts for the use of the appellation of origin. As a result of the analysis, the author proposed proposals for improving the current legislation.

**Key words:** civil law, intellectual property, appellations of origin, trademarks, contract, right holder, certificate.

Интеллектуал мулк объектларидан ҳоидаленишда мазкур объектга нисбатан ҳуқуқ эгалари қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатни амалга оширишга ҳақли бўлади. Зеро ҳоидалениш ҳар доим ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатда ҳуқуқ эгалари ўзларининг ҳуқуқларини ўз хоҳишлари ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимояси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси 3-қисмида “интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг эгалари ва тижорат сирининг эгалари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлардан ҳоидалениши” белгиланган бўлиб, ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қонунда белгиланган шартлар ва талабларга риоя этишлари лозимлиги назарда тутилган.

Интеллектуал мулк объектларидан ҳоидаленишда ҳуқуқ эгаси ҳар доим ҳам мазкур ҳуқуқни ўзи амалга оширмаслиги, ҳоидаленишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Бироқ интеллектуал мулкнинг айрим объектларидан ҳоидаленишни ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга ўтказиши мумкин бўлмайди ва бу ҳолат айнан товар келиб чиққан жой номлари (кейинги ўринларда – ТҚЖН)га кўзга ташланади.

ТҚЖНдан ҳоидалениш асослари ва тартиби ФК ва “Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунда

белгиланган. ФКнинг 1109-моддаси 1-қисмига кўра, товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бу номини товарда, идиш ва ўровда, рекламада, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда ишлатиш ҳамда ушбу товарнинг фуқаролик муомаласига киритилиши муносабати билан жой номидан бошқача тарзда фойдаланишга ҳақлидир.

Айнан шундай қоида Қонуннинг 28-моддаси 1-қисмида ҳам белгиланган бўлиб, унга биноан, товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, агар ФҚда ТКЧЖНдан фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқларни қўлга киритган шахс мазкур қайси соҳаларда ва қайси объектларда фойдаланишлари мумкинлиги аниқлаштирилади ҳамда бу рўйхат очик қолдирилса, қонунда ТКЧЖН фойдаланиш тушунчасига таъриф берилади ва ТКЧЖН фойдаланишни асосан “ҳужжатларда ишлатиш” билан боғлайди. Бундан ташқари, ТКЧЖНдан фойдаланиш объектлари иккала қонун ҳужжатида деярли бир хил бўлсада, айрим фойдаланиш объектлари фарқланади. Албатта, бу ҳолат жуда катта фарқ бўлмаса-да, объектлар доирасини иккала қонун ҳужжатида ҳам бир хилда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, қонунда ТКЧЖНдан фойдаланиш объектлари доираси кенгроқ килиб белгиланган. Масалан, ФҚдан фарқи равишда қонунда “пешлавҳаларда, расмий бланкаларда” ТКЧЖН фойдаланиш мумкинлиги белгиланган бўлса, қонунда ўз ифодасини топмаган “ҳисобварақларда” ТКЧЖНни ишлатиш ФҚда ўз ифодасини топган. Фикримизча, ТКЧЖНдан фойдаланиш объектлари доираси иккала қонун ҳужжатида ҳам бир хилда белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хилдаги ёндашувларнинг олдини олишга хизмат қиларди.

ФКнинг 1109-моддаси 3-қисми ва қонуннинг 28-моддаси 2-қисмида ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқини муомалага киритиш шартларини белгилайди ва бунда қуйидаги фойдаланишга нисбатан қуйидаги уч турдаги ҳаракатни амалга оширишга йўл қўйилмайди:

- 1) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш;
- 2) бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузиш;
- 3) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

И.И.Насриев ва Д.А.Огайлар ФКнинг 1109-моддасини шарҳлар экан, қуйидагиларни билдириб ўтишади: товар ишлаб чиқарилган жой номига берилган гувоҳнома эгаси фойдаланиш ҳуқуқларининг ҳажми товар белгиси эгасининг мутлақ ҳуқуқлари ҳажмига нисбатан анча тордир. Номга нисбатан ваколатлар шарҳланаётган моддада баён қилинган бўлиб, улардан энг аввало, товарлар ва уларнинг ўровида, рекламасида ва бошқа шу кабиларда фойдаланилади. Ҳуқуқ эгаси товар чиқарилган жой номи билан боғлиқ ҳолда бошқа шахс фойдасига воз кечиш, бирор-бир бошқа битимлар тузиш имкониятига эга эмас. Худди мана шунда товар чиқарилган жой номидан фойдаланиш режимининг ўзига хос хусусияти

ва товар белгисига нисбатан ваколатлар борасидаги асосий фарқи намоён бўлади [5, 529-бет].

О.Оқюловнинг фикрича, ТКЧЖНдан чексиз доирадаги шахслар фойдаланиши мумкин. Худди шу сабабли ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, уни бошқа шахсга ўтказишга, бошқа шахсга бериш, уни лицензия асосида фойдаланиш учун беришга йўл қўйилмайди, бу ҳақдаги битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди. Товар чиқарилган жой номига бўлган ҳуқуқ мутлақ (мустақил) характерга эга эмаслиги ва уни лицензия асосида бировга ўтказиб бўлмаслиги уни товар белгисига бўлган ҳуқуқдан ажратиб туради [3, 166-бет].

Айрим муаллифлар ТКЧЖНдан фойдаланиш доирасини кенгайтириш ва бу хусусда қонунчиликка тегишли ўзгаришлар киритишни таклиф қилишади. Хусусан, Ю.Т.Гульбининг фикрича, амалдаги қонунчилик гувоҳнома эгаси ТКЧЖНга мутлақ ҳуқуқни тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмаслигини белгилайди ва бу номни бегоналаштириш ёки бошқа шахсга бериш мумкин эмаслигини назарда тутаяди. Бироқ амалда ТКЧЖНни ўтказиш мумкин бўлган ҳолатлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бунда ТКЧЖН ўтказилиши мумкин бўлган умумҳуқуқий ва муайян шартномавий асослар мавжудлигини қайд этиш мумкин. Умумҳуқуқий асослар ФКнинг умумий қисмида белгиланган ва фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг кўпчилиги учун универсал ҳисобланади. Бундай умумҳуқуқий асосларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ТКЧЖНга гувоҳнома эгаси бўлган юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, унинг барча шакллари: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш;

– гувоҳнома эгаси жисмоний шахс бўлган ҳолларда ворислик.

Қайд этиш лозимки, товар белгилари учун айний бўлган воситалар билан солиштириганда ТКЧЖНни юридик шахснинг устав капиталига улуш сифатида киритиш имкони мавжуд эмас [2, 38-бет].

Мазкур фикрга қўшилган ҳолда фуқаролик ҳуқуқлари объектларини муомалага киритишнинг умумҳуқуқий усулларидан ТКЧЖН муомалага киритишда фойдаланишни ТКЧЖНни бошқа шахсга ўтказишга мисол сифатида келтириб бўлмайди. Зеро, универсал ҳуқуқий ворислик ва ворисликда ҳуқуқлар бир шахсдан иккинчи шахсга ўтмайди, аксинча, бир ҳуқуқ субъектнинг тугатилиши (жисмоний шахсларда вафот этиши) натижасида янги ҳуқуқ субъекти вужудга келади ва у меросхўр сифатида ҳуқуқлар эгасига айланади. ТКЧЖНга нисбатан ҳуқуқлар ҳам интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан ҳуқуқларда бўлгани каби ворислик асосда меросхўрларга ўтади ва юқорида айтилганидек ТКЧЖНга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқи шахсий номулккий ҳуқуқ эмас, балки мулккий ҳуқуқ ҳисобланади.

Юридик шахснинг устав фондига қўшилаётган улушлар ҳам доим фуқаролик муомаласига эркин киритилиши мумкин бўлган объектлар саналади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсга берилиши мумкин бўлган талаблар ва ҳуқуқлар устав фондига киритилиши мумкин эмас. Бундай ҳуқуқлар ва талабларга алимент талаблари, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарларни ундиришга оид талаблар қиради. Айнан шу жиҳатдан ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам юридик шахснинг устав капиталига улуш сифатида киритилиши мумкин эмасдир.

Ю.Т.Гульбин ТКЧЖНни бошқага ўтказишда умумҳуқуқий асослар билан бирга, шартномали асослар ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай шартномалардан бири корxonани ижарага бериш ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, корxonани сотиш шартномасининг объекти сифатида ўзида товарларни шахсийлаштириш воситасига нисбатан мулккий ҳуқуқларни ифодаловчи корxonа эътироф этилади.

Корxonани сотиш шартномасида эса бу ҳолат бир оз бошқача кўринишга эга. Бунда ҳам шартноманинг объекти бўлиб умумий қоидага кшра интеллектуал ижодиёт объектига бўлган ҳуқуқни ифодаловчи ягона мулккий комплекс ҳисобланади. Бироқ қонунда “корxonани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корxonани мулккий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно”лиги белгиланган бўлиб, мазкур норма ТКЧЖНдан шартномавий фойдаланишни тақиқловчи ҳуқуқий режимга тўлиқ мос келади [2, 39-бет].

Фикримизча, бу ўринда корxonани сотиш шартномаси асосида интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларига оид мулккий ҳуқуқларни ўтказиш масаласи ФКнинг 489-моддаси 2-қисми нормларига асосланиши лозим. Мазкур нормага мувофиқ, фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар корxonани сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Мазкур қоидадан англашилишича, ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам сотувчидан сотиб олувчига ўтади ва бунда корxonа мулккий комплекс сифатида ўзида корxonа ишлаб чиқараётган товарларни шахсийлаштириш воситаларини ҳам ифода этади ва корxonа сотиб олувчига ўтганидан сўнг ҳам шу номда товар ишлаб чиқаришга ҳақлидир.

ФКнинг 85-моддасига мувофиқ, бутун корxonа мулккий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Мулккий комплекс бўлган корxonа таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корxonани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.

Мулккий мажмуа сифатида корxonанинг таркибига кирувчи мол-мулкларнинг рўйхати аниқланиши лозим. Сотиладиган корxonа таркиби ва унинг қиймати корxonани сотиш шартномасида инвентаризациялашнинг белгиланган қоидаларига мувофиқ ўтказиладиган корxonани тўлиқ инвентаризациялаш асосида аниқланади.

Умумий қоидага кўра, корxonанинг предмети моддий ва номоддий неъматлардан ташкил топади. Корxonа предмети ҳисобланган моддий неъматларга корxonанинг биноси, турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини киритиш мумкин. Номоддий неъматларга эса корxonанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мутлақ ҳуқуқ

объектлари (патент, фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳ.к.) киради.

Шу муносабат билан корxonани сотиш шартномаси орқали ТКЧЖНга бўлган гувоҳнома ҳам товар белгисига бўлган гувоҳнома ва саноат мулкки объектларининг бошқа турларида бўлгани каби сотувчидан сотиб олувчига ўтиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, ТКЧЖН корxonанинг номига расмийлаштирилган экан, корxonа номи билан сотилганда унга тегишли бўлган ТКЧЖНдан фойдаланиш гувоҳномаси ҳам сотиб олувчига ўтмоғи лозим.

Мол-мулкни ишончли бошқариш ва франшизинг шартномаларида ҳам ТКЧЖНдан фойдаланиш имконияти мавжуд. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади (ФКнинг 849-моддаси). ФКнинг 851-моддаси 1-қисмига кўра, ишончли бошқариш объектлари корxonалар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши саноат мулкки объектларининг бошқа турларига мутлақ ҳуқуқларни беришдан шуниси билан фарқ қиладики, мазкур ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур ҳолатда бу ҳуқуқ шахсий номулккий ҳуқуқнинг ўтказилмаслигини англатади, гарчи ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқи шахсий номулккий ҳуқуқ билан муайян боғлиқликка эга бўлмасада [4, 188-бет].

Э.П.Гаврилов, Е.А.Данилиналарнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида учинчи шахслар (ҳуқуқ эгаси билан ҳуқуқий муносабатга киришмаган)га муайян чекланиш (тақиқ)лар юклайдиган ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади. Аксинча, учинчи шахсларга муайян чеклашлар юкламайдиган ёки юклаши мумкин бўлмаган фуқаролик ҳуқуқи нисбий (мажбурият) ҳуқуқи ҳисобланади ва мутлақ ҳуқуқ категориясига алоқадор бўлмайди.

Товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқнинг мутлақлик туси қонунда белгиланган қоидалардан келиб чиқади. Қонунчиликка кўра, гувоҳнома олган шахс рўйхатдан ўтказилган номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади ва гувоҳнома олмаган ҳар қандай учинчи шахснинг рўйхатдан ўтказилган номдан фойдаланиши тақиқланади. Бу ҳолат эса ТКЧЖНдан фойдаланиш ҳуқуқининг мутлақлик тусини кўрсатади. Яъни бунда гувоҳнома эгаси номга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси ҳам ҳисобланади ва бу ҳолат қонунчиликда белгиланган тегишли нормалардан англашилади.

Мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа турлари каби товар келиб чиққан жой номига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ижобий ҳуқуқ (фойдаланиш ҳуқуқи) ва тақиқлаш ҳуқуқи (учинчи шахс томонидан фойдаланишга рухсат этилмаслик ҳуқуқи)дан ташкил топади. Ушбу иккала ҳуқуқ ҳам ўзаро уйғун бўлиши лозим. Тақиқ мавжуд бўлмаган ҳолатдаги ижобий ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ ҳисобланмайди. Бошқа томондан ижобий ҳуқуқ ҳаракати доирасига кирадиган тақиқлаш ҳуқуқи ҳуқуқ эгасининг учинчи шахслар томонидан муайян ҳаракатни амалга оширишни тақиқлаши мумкинлигини англатади. Гарчи ҳуқуқ эгасининг ўзи мазкур

ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлмасда [1, 2-3 бетлар].

Бироқ бу ўринда гувоҳнома фақат муайян бир турдаги товарни ишлаб чиқаришда жой номидан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқларни мустаҳкамлашни эсдан чиқармаслик лозим. Шу сабабли ТКЧЖНни рўйхатдан ўтказиш ва фойдаланиш тўғрисида гувоҳнома олиш учун топширилган талабномада айнан қайси турдаги товар учун бундай номдан фойдаланиш сўралаётганлиги кўрсатилади. Бу эса ТКЧЖНга бўлган ижобий ҳуқуқ шу ҳуқуқ эгаси учун фақат гувоҳномада белгиланган товарларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигини англатади. Аксинча, тақиқлаш ҳуқуқи бирмунча кенг маънода тушунилиши мумкин. Зеро, бунда гувоҳнома эгаси гувоҳнома олмасдан жой номидан фойдаланишни тақиқлаш билан бирга, жой номига ўхшаш номдан фойдаланиб товар ишлаб чиқаришни тўхтатишни ҳам талаб қилишга ҳақли бўлади.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, “Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси номини “Товар келиб чиққан жой номига мутлақ ҳуқуқ” – деб номлаш мақсадга мувофиқдир.

“Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси 3-қисмида айнан ТКЧЖНга ўхшаш бўлган, истеъмолчини чалғишига сабаб бўлувчи номлардан фойдаланиш мумкин эмаслиги ва бундай фойдаланиш деганда, айнан қайси ҳолатлар тушунилиши белгиланган. Унга кўра, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишига ҳатто бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари хусусида истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гаврилов Э.П., Данилина Е.А. Практика охраны наименований мест происхождения товаров: что изменилось? // Патенты и лицензии. 2006. – №2. – С.2-3.
2. Гульбин Ю.Т. Гражданско-правовая охрана средств индивидуализации товаров в рыночных условиях: Автореф. дис..... докт. юрид. наук. – М., 2010. – С.38.
3. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.166.
4. Судариков С.А. Право интеллектуальной собственности. – М.: Проспект, 2010. – С.188.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2012. – 529 б.

**Н.Сулаймонова,**  
ТДЮУ Фуқаролик процессуал  
ва иқтисодий процессуал  
ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

#### ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА СУД ХАРАЖАТЛАРИ ВА ЖАРИМАЛАРИ: РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг фуқаролик процессларида суд харажатлари ва жарималари билан боғлиқ масалаларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили акс эттирилган. Шунингдек, икки давлат қонунчилигидаги солиқ соҳасидаги афзаллик ва камчиликлар, суд чиқимлари билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процесси, фуқаролик суди, суд харажатлари, суд жарималари, давлат божи, даъво баҳоси, суд чиқимлари.

**Аннотация:** в данной статье отражается сравнительно-правовой анализ вопросов, связанных с судебными расходами и штрафами в гражданском процессе Республики Узбекистан и Российской Федерации, а также проанализировано преимущества и недостатки в налоговой сфере, вопросы связанные с судебными издержками в законодательстве двух стран.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, гражданский суд, судебные расходы, судебные штрафы, государственная пошлина, цена иска, судебные издержки.

**Annotation:** in this article reflects a comparative legal analysis of issues related to judicial expenses and fines in the civil process of the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation. Also analyzed the advantages and disadvantages in the tax sphere, issues related to legal costs in the legislation of the two countries.

**Key words:** civil procedure, civil court, court expenses, state duty, cost of claim, legal costs.

Мамлакатимизда фуқаролик ишларини, хусусан, турли хил низоли ишларни юзага келишини олдини олишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларини ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун фуқаролик процессуал ҳуқуқининг амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларини такомиллаштириш, уни илмий амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг миллий қонунчилик нормаларини Россия Федерациясининг турдош қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш орқали ўрганиш қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун Ўзбекистон ва Россия Федерациясида суд харажатларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдим.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан сарфланадиган маблағларнинг муайян қисми ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан тўланади. Қонун бу шахсларга (фуқаролар ва ташкилотларга) судларда фуқаролик ишларини юритиш юзасидан қилинадиган суд харажатларини – давлат божи ва ишни кўриш

билан боғлиқ бўлган чиқимларни қоплашни юклайди [1, 80-бет].

Суд харажатларини бир қисмини давлат божи ташкил этади. Бу божлар судлар томонидан фуқаролик ишини юргизилиши муносабати билан қилинадиган харажатлар учун олинадиган ҳақдир.

Давлат божининг миқдори қонун билан белгиланган бўлиб [2], қоида бўйича даъво қиймати, яъни даъвогарнинг мулкий манфаатининг пул билан ифодаланган суммаси миқдорига боғлиқ бўлади. Суд орқали талаб қилинадиган пул ёки мулк қиймати қанча кўп бўлса, олинадиган давлат божи ҳам шунга яраша ошиқроқ белгиланади. Ишнинг судда кўрилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг иккинчи қисмини суд чиқимлари ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 109-моддасида белгиланганидек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар: гувоҳларга ва экспертларга тўланадиган суммалардан, иш учун аҳамиятли бўлган жойнинг суд томонидан бориб кўрилиши билан боғлиқ бўлган харажатлардан, ФПКнинг 140-моддасида кўрсатилган ҳолларда жавобгарни, чунончи, алимент тўлашдан ёки бировга етказилган зарар ҳақини тўлашдан қочган шахсни кидириш учун қилинган харажатлардан ва суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан иборат бўлади [3]. Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVII-бўлими [4], Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги ва 1993 йил 19 августдаги 423-сонли “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги қарорлари [5] билан тартибга солинади. Давлат божининг оддий (қатъий) ва пропорционал турлари бор. Оддий (қатъий) давлат божи қатъий суммаларда (тийинларда) қонун ҳужжатларида белгиланган бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги 533-сонли қарорида айрим фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганда қатъий суммада тўланиши лозим бўлган давлат божи белгиланган (масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисида судга бериладиган даъво аризалар учун биринчи мартаба энг кам ойлик иш ҳақининг 50% миқдоридан, такроран никоҳдан ажратиш тўғрисида энг кам ойлик иш ҳақининг 120% миқдоридан давлат божи тўланади). Пропорционал давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги 533-сонли қарорига кўра қуйидагича тўланади:

даъво аризаларидан – даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 5 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 дан 40 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 10 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 40 дан 80 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 15 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваридан кўп бўлганда – даъво баҳосининг 20 фоизи миқдоридан [6].

Россия Федерациясининг қонун ҳужжатларини, хусусан, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунни ҳамда

1999 йил 1 январдан кучга кирган Россия Федерациясининг Солиқ Кодексини ўрганган ҳолда, ушбу мамлакатда давлат божи қуйидагича ундирилади:

- даъво баҳоси 20000 рубл миқдоригача бўлганда – давлат божининг қиймати 4 фоиз бўлади, бунда давлат божининг миқдори 400 рублдан кам бўлмаслиги керак;

- даъво баҳоси 20001 рублдан 100000 рублгача бўлганда – давлат божининг қийматини суд 800 рубл этиб белгилайди ва кўшимча равишда даъво баҳосининг 3 фоизи миқдоридан, яъни 20000 рублдан ошган қийматда давлат божи ундирилади.

- даъво баҳоси 100001 рублдан 200000 рублгача бўлганда – давлат божининг қийматини суд 3200 рубл этиб белгилайди ва кўшимча равишда даъво баҳосининг 2 фоизи миқдоридан, яъни 100000 рублдан ошган қийматда давлат божи ундирилади.

- даъво баҳоси 200001 рублдан 1000000 рублгача бўлганда – давлат божининг қийматини суд 5200 рубл этиб белгилайди ва кўшимча равишда даъво баҳосининг 1 фоизи миқдоридан, яъни 200000 рублдан ошган қийматда давлат божи ундирилади.

- даъво баҳоси 1000000 рублдан кўп бўлганда давлат божининг миқдори 13200 рубл ва даъво баҳосининг 0,5 фоизи миқдоридан давлат божини кўшган ҳолда ундирилади.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаларидан 600 рубл миқдоридан давлат божи ундирилади.

Алимент мажбуриятларидан келиб чиқадиган талаблардан 150 рубл миқдоридан давлат божи ундирилади. Агар суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қароридан ҳам боланинг, ҳам даъвогарнинг таъминоти учун алимент ундириш назарда тутилган бўлса, давлат божининг миқдори 2 баравар оширилади, яъни 300 рубл этиб белгиланади.

Россия қонунчилигига асосан суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза манфаатдор шахс томонидан келиштирув (мировой) судларига берилади. Бунда суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилинганда низолаштилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдоридан давлат божи тўланади.

Агар даъвогар судга мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) даъво аризалари, шунингдек судларнинг қарорларига назорат шикоятлари билан мурожаат қилса, давлат божининг қиймати жисмоний шахслар учун 300 рубл, ташкилотлар учун эса 6000 рубл миқдоридан белгиланади. Суднинг ҳал қилув қарорига келтириладиган апелляция ёки кассация шикоятидан низоли сумма бўйича даъво аризалари учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридан давлат божи олинади.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-хуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан – 300 рубл миқдоридан ундирилади.

Алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан 300 рубл миқдоридан давлат божи ундирилади.

Ҳакамлик суди қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик суди қарорларини

бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан – 2250 рубл миқдориди ундирилади [7].

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 109-моддасида кўрсатилганидек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар; алиментлар ва зарур ҳақини ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарни қидириш учун қилинган ҳамда суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар, улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажатлар тарафлардан ундириб олинишидан қатъи назар, суд томонидан тўланади (ФПКнинг 112-моддаси). Мехнат муносабатларида бўлган ходимни судга гувоҳ сифатида чақирилганида судга келиши муносабати билан ишда бўлмаган учун вақти учун иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланади. Ходимларга мансуб бўлмаган гувоҳлар ишдан ёки одатдаги машгулотлардан қолдирилганликлари ҳақ олишга ҳақлидирлар.

Бундай ҳолларда тўланадиган пулнинг миқдорини суд белгилайди, лекин бу ҳақда мазкур жойдаги тегишли малакали ходимнинг ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаслиги керак. ФПКнинг 113-моддасига мувофиқ гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланадиган пулни ёки жойини бориб кўздан кечириш харажатлари учун зарур бўлган пулни тегишли илтимос қилган тараф олдиндан тўлаб қўяди. Агар мазкур илтимос икки тараф томонидан қилинган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни ва таржимонларни чақириш, жойга бориб кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан бажарилса, бунинг учун керакли суммани тарафлар баравар тўлайдилар.

Бу қонунларда кўрсатилган суммалар суд харажатларини тўлашдан озод қилинган тарафдан ундирилмайди [1, 83-бет].

Россия Федерацияси ФПКнинг 94-моддасида ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд чиқимлари батафсил келтириб ўтилган. Булар қуйидагилар:

- 1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;
- 2) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан таржимон хизматидан фойдаланганлик учун қилган чиқимлари, агар Россия Федерацияси билан тузилган халқаро шартномада бошқача қоидалар белгиланган бўлмаса;
- 3) тарафлар ва учинчи шахсларнинг судга келиш муносабати билан йўлқира ва яшаш учун қилган харажатлари;
- 4) вакил хизматидан фойдаланилганлик учун қилинган харажатлар;
- 5) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- 6) кодекснинг 99-моддасида назарда тутилган фактик вақтни йўқотганлик учун компенсация;
- 7) тарафлар томонидан ишни кўриш билан боғлиқ қилинган почта харажатлари;
- 8) суд томонидан эътироф этилган бошқа суд харажатлари.

Россия ФПКнинг ушбу моддасида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 109-моддаси 1-қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган жавобгарни қидириш

учун қилинган харажатлар ҳамда суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар кўрсатилмаган.

Аммо Россия Федерацияси ФПКнинг 120-моддасида жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар федерал ижро ҳоқимиятининг ҳудудий органи томонидан берилган ариза асосида суд томонидан суд буйруғи чиқариш йўли билан ундирилиши кўрсатиб ўтилган [8]. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 114-моддасида кўрсатилган вакилнинг ёрдами учун ҳақ тўлашга кетадиган харажатларни қоплаш ва 115-моддада белгиланган йўқотилган вақт учун ҳақ ундиришни кодексимизнинг 109-моддасидаги ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар рўйхатига киритиш лозим деб ўйлайман.

Фуқаролик процессининг иштирокчилари ўзларига қонун билан юкланган барча процессуал бурчларни қоида бўйича ихтиёрий равишда ва виждонан бажарадилар. Агар ишда иштирок этувчи шахслар процессуал бурчларини бажармасалар, бундай ҳолларда суд муайян жазоларни, яъни процессуал таъсир этиш чораларини қўллашга мажбур бўлади. Бундай жазо, яъни таъсир этиш чораси асосан суд жарималари шаклида тадбиқ этилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 11-боби “Суд жарималари” деб номланиб, 122–125-моддаларни қамраб олади.

*Суд жарималари* деб, процессуал бурчларни ёки суд мажлисидаги тартибни бузишда айбли бўлган шахсларга, қонунда кўрсатилган ҳолларда пул билан белгиланган процессуал таъсир этиш чорасига айтилади.

Суд томонидан жарималар солиниши ҳоллари ва унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддаси “Ёзма далилларни тақдим этиш мажбурияти”, 81-моддаси “Ашъвий далилларни тақдим этиш мажбурияти”, 86-моддаси “Экспертнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги”, 166-моддаси “Суд мажлисида тартибни бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар”, 176-моддаси “Гувоҳ, эксперт, мутахассис суд мажлисида келмаганлигининг оқибатлари”, 253-моддаси “Даъвони таъминлаш чораларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик” масалалари кўрсатилган бўлиб, юқорида келтирилган ҳар бир моддада белгиланган талабнинг бажарилмаслиги ўша шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жаримага тортилишига олиб келиши белгиланган.

Суд қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари ва белгиланган суммадан ошиқ жарималар солишга ҳақли эмас. Жарима солиш тўғрисидаги суд ажримларининг нусхаси жаримага тортилган шахсларга тезлик билан юборилади. Бу шахс суд ажримининг нусхасини олиши билан беш кун муддат ичида жарима солган суддан жаримани олиб ташлаш ёки камайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бу тўғридаги ариза жарима солинган шахс чақирилиб, очиқ суд мажлисида кўрилади. Лекин бу шахснинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди [1, 90-бет].

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 106-моддасига асосан жарима солинган шахс суд ажримининг нусхасини олганидан кейин 10 кун ичида жарима солган суддан жаримадан озод

қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни илтимос қилиши мумкин. Иккала давлатда ҳам суднинг жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига кўра суд жарималари алоҳида сифатида келтирилган. Аммо 2018 йил 1 апрелдан бошлаб кучга кирадиган янги Фуқаролик процессуал кодексига кўра суд жарималари “Процессуал мажбурлов чоралари” деб номланган 14-боб таркибидан жой олган ҳамда процессуал мажбурлов чораларининг бир тури сифатида келтирилган.

Шунингдек, мазкур бобга янги “Маъмурий жавобгарликка тортиш” деб номланган 150-модда қўшилган бўлиб, унга кўра суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқача тарзда ҳурматсизлик билдирган шахс суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, мазкур моддада судга ҳурматсизлик гувоҳнинг, даъвогарнинг, жавобгарнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки ушбу шахслар ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчининг фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси вақтида тартибни бузишида намоён бўлиши, судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланганлиги тўғрисида ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган суд мажлисининг ўзида алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан судья (суд таркиби) томонидан ҳуқуқбузарга дарҳол эълон қилиниши, мазкур факт суд мажлиси баённомасида қайд этилиб, бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмаслиги, судга ҳурматсизлик кўрсатилганлиги факти аниқланган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўз тушунтиришларини беришга ҳақлилиги белгиланган.

Бундан ташқари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарор раислик қилувчи томонидан иш бўйича суд мажлиси тугагандан кейин алоҳида хонада (маслаҳатхонада) тузилиб, судья (суд таркиби) томонидан имзоланиши, агар судга ҳурматсизлик суд мажлисида кўрсатилган ва ҳуқуқбузар суд мажлиси залини тарк этган бўлса, судга ҳурматсизлик суд мажлисидан ташқарида кўрсатилган бўлса, шунингдек суд мажлисига келишдан бош тортганлик аниқланса, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома судьянинг ёрдамчиси (катта ёрдамчиси) ёки суд раисининг ёхуд суд мажлисида раислик қилувчининг оғзаки фармойишига асосан бошқа суд ходими томонидан тузилади ва бу ҳақда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада кўрсатилиши ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган тартибда кўриб чиқилиши белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, икки давлатнинг суд харажатлари билан боғлиқ масалаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш қонунчиликдаги бўшлиқларни билиб олиш, икки давлат қонунчилигидаги бу соҳадаги афзаллик ва камчиликларни таҳлил қилиш имконини беради. Бу биргина фуқаролик судларида иш юритиш ва юритилаётган ишлар бўйича суд харажатлари ҳамда суд жарималаринигина тартибга солмасдан балки солиқ қонунчилигини такомиллаштириш учун хизмат қилади. Шунинг учун хорижий мамлакатларнинг

қонунчилигини ўрганиш ва миллий қонунчилик билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 240.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 7-сон, – Т.: Адолат, 1993.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2016.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2016.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги 423-сон қарори. // <http://www.lex.uz>
6. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: савол ва жавоблар. – Тошкент: ТДЮУ, 2014.
7. Налоговой кодекс Российской Федерации (часть вторая), глава 25.3 Государственная пошлина (текст по состоянию на 23.01.2017), [www.vash-advokat.ru](http://www.vash-advokat.ru) сайтдан олинган маълумот.
8. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 28.12.2017) // <http://www.consultant.ru>

Ш.Туляганова

Преподаватель кафедры  
«Государственного права  
и управления» ТГЮУ**ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ  
ЗАЩИТЫ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ В СФЕРЕ  
ТУРИСТИЧЕСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ**

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы правового регулирования защиты прав потребителей в сфере туризма и делается вывод о необходимости утверждения в Республике Узбекистан типового договора о туристическом обслуживании, в котором должен быть более четко определен предмет обязательств туроператора и турагента в сфере туристического обслуживания, объем их прав и обязанностей, а также разграничена гражданско-правовая ответственность туроператора и турагента перед туристами при заключении, исполнении и прекращении договоров.

**Ключевые слова:** нарушения прав потребителей в туризме при заключении, исполнении и прекращении договора; типовой договор на туристического обслуживание; гражданско-правовая ответственность туроператора и турагента.

**Аннотация:** ушбу мақолада туризм соҳасидаги истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиш масалалари кўриб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш соҳасидаги туроператор ва турагентнинг мажбуриятларини белгилловчи туристик хизмат кўрсатиш бўйича намунавий шартномалар ишлаб чиқиш. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, шунингдек туроператор ва турагентларнинг турист олдидаги шартномаларни тузиш, ижро этиш ва тугатиш бўйича фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликлари.

**Таянч сўзлар:** туризмда шартномани тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш бўйича истеъмолчи ҳуқуқларини бузиш; туристик хизмат кўрсатиш бўйича намунавий шартнома; туроператор ва турагентнинг фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлари

**Annotation:** The article describes the shortcomings of legal regulation of consumer protection in tourism and concludes the need for approval in the Republic of Uzbekistan model contract for travel services, which should be more clearly defined object of the tour operator and travel agent commitments in tourist services, the volume of their rights and responsibilities, and well differentiated civil liability tour operator and travel agent before the tourists at the conclusion, execution and termination of contracts.

**Key words:** violations of consumer rights in tourism at the conclusion, execution and termination of the contract; standard contract for tourist services; civil liability of the tour operator and travel agent.

Коренные преобразования в государстве, связанные с формированием рыночной экономики, создали условия для формирования новых методов туристического обслуживания со стороны предпринимателей, развивающих туристический бизнес, государства, поскольку туризм очень часто оказывался в разных странах именно тем фактором, который оказывал большое влияние на развитие различных отраслей в экономике страны.

Развитие туризма – рычаг, содействующий большому объему валютных поступлений, тем самым влияющий на различные сектора экономики, а соответственно идет формирование собственной туристической индустрии.

Туризм играет значительную роль в создании дополнительных рабочих мест и обеспечении занятости населения, активизации внешнеторгового баланса, формировании валового внутреннего продукта, (США, Испания, Италия, Египет, Турция и др.). Он оказывает достаточно большое влияние на многие отрасли экономики: сельское хозяйство, транспорт, связь, строительство, страхование, банковскую деятельность, производство товаров народного потребления и др., что способствует всему социально-экономическому развитию страны. [1, стр. 53-60]

Нарушения прав потребителей в сфере туризма на сегодняшний день является весьма актуальным и распространенным явлением в связи с возросшим за последние годы потоком национальных туристов на отдых в зарубежные страны. Основная причина кроется в недостаточном правовом регулировании прав и обязанностей сторон при заключении, исполнении и прекращении отношений между потребителем туристического продукта и исполнителем. Реализацией туристического продукта занимается туроператор, который заключает с потребителем договор, а также турагент заключающий с потребителем договор от своего имени, но по поручению и за счет туроператора.

Следует отметить что ни в гражданском законодательстве, ни в Законе «О туризме» Республики Узбекистан не внесена ясность о договоре реализации туристического продукта: является ли он договором присоединения, положения которого туристы не вправе исправлять и дополнять, либо туристам такие права предоставлены. Это приводит к тому, что права потребителей довольно часто ущемляются на стадии заключения договора.

Реализуется это на практике в том, что исполнителем в договор включаются условия, которые ущемляют права потребителя:

а) установление в договоре штрафных санкций за отказ потребителя от поездки в размере, определяемом в процентном отношении к стоимости путевки;

б) включение в договор положений об одностороннем изменении исполнителем условий договора (замена отеля, срока путешествия, экскурсии и т.д.);

в) ограничение туроператорами в договорах времени предъявления туристами претензий к качеству оказываемых услуг, в частности, установление сокращенных сроков на предъявление претензий потребителем услуг (14 дней вместо 20) и более продолжительных сроков рассмотрения подобных претензий (30 дней вместо 10);

г) включение в договоры условий об обязательном приложении туристом к своей претензии протокола, подписанного представителем принимающей стороны и (или) оригиналов документов, подтверждающих изложенные в претензии факты, а также условия о том, что при отсутствии указанных выше документов претензия считается неподанной, и не может быть принята к рассмотрению;

д) отсутствие достоверной информации об оказываемых услугах, которая имеет важное значение для правильного выбора потребителей: о содержании оказываемых услуг, в том числе о программе пребывания



и маршруте путешествия, времени начала и окончания путешествия и его продолжительности. [2, стр. 68-70]

Основным документом, подтверждающим наличие взаимных прав и обязанностей туристической организации и туриста, прежде всего является договор на оказание туристических услуг.

В названном договоре обязательно должно быть указано следующее:

информация об организации, предоставляющей туристические услуги (туроператоре или турагенте), ее юридический адрес и банковские реквизиты;

сведения о туристе в объеме, необходимом для реализации туристического продукта;

информация о туроператоре, включая данные о лицензии на осуществление данной деятельности, его юридический адрес и банковские реквизиты;

достоверная информация о потребительских свойствах туристического продукта, включая информацию о программе пребывания и маршруте путешествия, об условиях безопасности туристов, о результатах сертификации туристского продукта;

дата и время начала и окончания путешествия, его продолжительность;

порядок встречи, проводов и сопровождения туристов;

права, обязанности и ответственность сторон;

розничная цена туристического продукта и порядок его оплаты;

минимальное количество туристов в группе, срок информирования туриста о том, что путешествие не состоится по причине недобора группы;

условия изменения и расторжения договора, порядок урегулирования возникших в связи с этим споров и возмещения убытков сторон;

порядок и сроки предъявления претензий туристом.

Иные условия договора определяются по соглашению сторон.

Вышеуказанные обстоятельство в последствии лишают потребителя туристических услуг иметь право на компенсацию за причиненный им вред в следствии некачественного туристического обслуживания. Согласно закону «О туризме» Республики Узбекистан в статье 12 договор определяет объем и качество предоставляемых услуг, права и обязанности сторон, порядок оплаты и расчетов, срок действия и ответственность за неисполнение или ненадлежащее исполнение договора, а также иные условия по соглашению сторон.

Нередко потребитель не может защитить свои нарушенные права и свободы (даже с помощью профессионального юриста) ввиду того, что туристические фирмы в собственных интересах ловко используют недостаточность правового поля в туристической деятельности, доверчивость и юридическую неосведомленность потребителей, а самое главное – безнаказанность турфирм за неисполнение либо ненадлежащее исполнение договорных обязательств.

Безнаказанность будет продолжаться до тех пор, пока государство не создаст надлежащее правовое поле, нормами которого будут регулироваться гражданско-правовые отношения в области туризма, и жесткий контроль за их исполнением.

Отношения в сфере туристской деятельности являются сложными, потому что в них принимают участие как минимум четыре стороны: туристическая фирма (туроператор), турист (потребитель), государство и организация туристической индустрии

(перевозчики, средства размещения, предприятия общественного питания и др.)

При покупке туристической путевки, подготовке к путешествию, во время его совершения, включая транзит в соответствии со статьей 14, 830-1 от 20.08.1999 г закона «О туризме» Республики Узбекистан потребитель (турист) имеет право: получение комплекса туристических услуг, предусмотренных договором; получение полной и достоверной информации, связанной с путешествием; личную безопасность, защиту своих прав, а также сохранность своего имущества; получение неотложной медицинской помощи; возмещение материального ущерба, а также компенсацию морального вреда, в случае неисполнения или ненадлежащего исполнения договора; расторжение договора без возмещения ущерба субъекту туристической деятельности, если увеличение общей стоимости тура превышает обусловленную стоимость, а также в случае форс-мажорных обстоятельств и другие права в соответствии с законодательством. Покупатель туристических услуг должен быть извещен о запрещенных к ввозу и вывозу товарах и предметах, особенно-стях декларирования валюты.

В судебной практике, как правило, даже подтвержденные документально ошибки, совершенные турагентством при продаже туристического продукта, вменяют в вину туроператорам. Представляется, что ответственность турагентов должна быть прописана в самом законе, а не в правилах по реализации туристского продукта. В нынешней правовой ситуации турагенты выпадают из цепочки ответственности перед потребителем.

В этой связи в 12 Закона «О Туризме» необходимо более четко определить предмет обязательств туроператора и турагента в сфере туристического обслуживания, объем их прав и обязанностей, а также разграничить гражданско-правовую ответственность туроператора и турагента перед туристами при заключении, исполнении и прекращении договоров. Анализ договоров туристических компаний свидетельствует об общей тенденции туроператоров и турагентов ограничить свою ответственность перед потребителями. Это выражается в том, что в договорах, как правило, детально оговариваются условия и размеры ответственности (неустойки, штрафы) клиентов вплоть до расторжения договора, ответственность же организации перед клиентом нередко отсутствует.

Высокий процент занимают нарушения ст. ст. 19 Закона РУз «О защите прав потребителей», связанные с нарушением сроков исполнения услуг, предоставлением некачественных услуг, в частности несоответствие гостиниц и предоставляемых ими услуг объявленной категории, некачественное питание, нарушение программы путешествия, в том числе проведение меньшего количества экскурсий, чем предусмотрено договором и др.

На наш взгляд, это обусловлено тем, что критерии качества туристских услуг в Законе не определены, в этой связи на практике довольно трудно разграничить, где имеет место нарушение качества услуги, введение в заблуждение, а где предоставление недостоверной информации об услуге. Статья 17 Закона «О туризме» РУз, предоставляя сторонам договора на реализацию туристического продукта право изменять или расторгать договор в связи с существенным изменением обстоятельств, не определяет все возможные юридические последствия для сторон, которые могут возник-

нуть в результате соответствующего изменения или расторжения договора, за исключением необходимости возврата денежных средств в размере фактических затрат сторон при расторжении договора. Практика показывает, что существенное изменение обстоятельств, из которых стороны исходили при заключении договора может произойти на различных этапах развития обязательств туроператоров, турагентов и туристов (после заключения договора, но до внесения денежных средств в счет договора; до начала путешествия; после начала путешествия и в других подобных случаях). Представляется, что конкретные последствия изменения или расторжения договора должны быть урегулированы в Законе о туристской деятельности для предотвращения ущемления прав потребителей туристическими компаниями.

Так же в п. 6 ст. 14 Закона «О туризме» установлено такое основание изменения или расторжения договора, как невозможность совершения туристом поездки по независящим от него обстоятельствам. При этом определено только право требования, а не безусловное основание изменения или расторжения договора. Это на практике влечет удержание туристическими компаниями с туриста до 100 процентов стоимости услуг. В этой связи автором предлагается считать это основание безусловным для изменения или расторжения договора.

В заключении необходимо отметить, что предложенные автором меры совершенствования законодательства в области защиты прав потребителей в сфере туристического обслуживания могут быть реализованы в форме утверждения типового договора о туристическом обслуживании, который будет предусматривать все последствия изменения или расторжения договора, ответственности туроператора и турагента перед потребителем на различных стадиях их взаимоотношений.

#### Список литературы:

1. Гольц Т.В.: Проблемы регулирования защиты прав потребителей в сфере туристического обслуживания в России- «Проблемы гражданского права»- Москва-2010 №1 стр. 53-60.
2. Отческий И.Е, Проблемы правового регулирования защиты прав потребителей в сфере туристического обслуживания-, «Бизнес в Законе» №3, 2010г, стр. 68-70.

**М.Исраилов,**

Фаргона давлат университети ўқитувчиси

### ЭР-ХОТИН ВА СОБИҚ ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Аннотация:** в статье изучены алиментные обязательства супругов и бывших супругов, особенности семейного законодательства, осуществлен сравнительно правовой анализ законодательства США, Канады, Казахстана и Узбекистана.

**Ключевые слова:** супруги, семья, алименты, обязательство, законодательство.

**Аннотация:** мақолада эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари, оила қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган, АҚШ, Канада, Қозоғистон Республикаси қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** эр-хотин, оила, алимент, мажбурият, қонунчилик.

**Annotation:** this article devoted to aliment duties of spouses and ex-spouses, peculiarities of family legislation, comparative-legal analysis of USA, Canada, Kazakhstan and Uzbekistan legislation.

**Key words:** spouses, family, aliment, duty, legislation.

Эр-хотинларнинг бир-бирига нисбатан алимент мажбуриятлари кўпгина Европа давлатларида эр-хотиннинг никоҳ даврида ёки никоҳдан ажралгандан сўнг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маъносида тушунилади. Бу мажбуриятлар баъзи фарб давлатларида никоҳдан ажралиш ҳуқуқи ёки оила ҳуқуқи орқали тартибга солинади. Шотландияда алимент, Англия ва Канадада ғамхўрлик қилиш маъносида тушунилади. Алимент сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, овқатлашни ва озиқ-овқат билан таъминлаш маъносида келади, шунингдек Шотланд ҳуқуқи бўйича алимент асосан никоҳдан ажралгандан сўнг эрнинг хотинини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа ҳаёт учун муҳим нарсалар билан таъминлаш воситаси сифатида белгиланган. Эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари бўйича Хаммурапи қонунларида эр-хотинига болаларини дунёга келтирганлиги ва тарбиялаганлиги учун уни зарур озиқ-овқат билан таъминлаш мажбурияти келтирилган. Бундан ташқари, агар эр ўртада фарзандлари бўган хотини билан ажрашмоқчи бўлса, хотинига болаларини тарбиялаши учун мол-мулк ёки ер майдони бериши керак ҳисобланган. Шунингдек эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари бўйича Юстиниан кодексида маълум бир нормалар белгиланган. Ҳозирги жамиятда эр-хотинлар ўртасидаги алиментнинг мазмуни Англиядаги черков судлари томонидан никоҳдан ажралганда хотинга тўланадиган маблағдан келиб чиққанлиги айтилади. 19 асрда эр-хотин ўртасидаги алимент мажбуриятлари либерализациялаштирилди. Яъни никоҳдан ажралиш асосан оилавий муносабатларда ёмон ҳулқ-атвор асосида келиб чиқиши мумкинлиги аниқланди ва кўпинча никоҳдан ажралгандан сўнг эрнинг хотинни қўллаб қувватлаш воситаси деб қаралди [1]. Бу гендер нотенглик 1970 йилга келиб АҚШ Олий суди томонидан эр-хотин ва собиқ эр-хотинларни

алимент мажбуриятлар жиҳатидан тенглаштириб кўйилди.

**Алимент турлари ва АҚШда эр-хотин ҳамда собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларининг ўзига хос хусусиятлари.** Умуман олганда алиментнинг тўртта тури мавжуд:

- вақтинчалик алимент - бунда эр-хотин томонидан никоҳдан ажралишдан олдин маълум бир муддат давомида тўланадиган алимент тури;

- реабилитацион алимент - бунда эр-хотин томонидан кам даромадли эр ёки хотинга маълум муддат давомида ўзини таъминлаш ва зарур нарсаларни олиш учун тўланадиган ёки таъминланадиган алимент туридир;

- доимий алимент - эр-хотин томонидан кам даромадли эр ёки хотинга алимент тўловчининг ёки олувчининг ўлимигача ёхуд алимент олувчининг қайта никоҳдан ўтгунигача тўланадиган алимент тури;

Тўлов алименти – никоҳ давомида амалга оширилган харажатлар (таълим олиш харажатлари) учун тўланадиган алимент тўлов тури.

Эр-хотиннинг ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари келиб чиқишига никоҳ қанча муддат давом этганлиги муҳим омиллардан ҳисобланади. Европада никоҳнинг давомийлиги алимент мажбуриятини бажариш муддатини белгилаб беради. Асосан эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари маълум бир муддат билан чекланади. Баъзи ғарб давлатларида, шу жумладан АҚШнинг айрим штатларида агар никоҳ ўн йилдан ошиқ муддат давом этадиган бўлса, унда эр-хотин ва собиқ эр-хотинлар доимий алимент мажбуриятини талаб қилишлари мумкин бўлади.

Баъзи бир Американинг штатларида никоҳнинг ажралиш вақти ҳам муҳим ҳисобланади. Яъни агар никоҳ саккиз йил давом этганидан сўнг никоҳ тугатиладиган бўлса, бунда никоҳ ўн йил давом этган деб яхлитланади ва эр-хотин ва собиқ эр-хотин доимий алимент талаб қилишга ваколатли ҳисобланади.

Шунингдек, АҚШда никоҳдан ажралаётган пайтда эр-хотиннинг ёши ҳам муҳим омил бўлиши мумкин. Бунда эр-хотин никоҳдан ажралаётганда ёш бўлса, шунча кам муддатли алимент олишга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, АҚШнинг айрим штатларида эр-хотин ва собиқ эр-хотинларга алимент белгилашда уларнинг даромадлари қанчалигига алоҳида эътибор берилади ва шу асосда даромадига муносиб равишда, лекин нормал ҳаёт кечириш учун зарур бўлган миқдорда алимент белгиланади. Ушбу омилга эътибор берганда алимент миқдорини белгилашда алимент тўловчининг ва алимент олувчининг келажакда унга қандай даромадлар олиши ёки даромади ошиши ёки камайишини инобатга олган ҳолда тайинлаши лозим. Шу билан бирга, Америка оила қонунчилигига кўра эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларни белгилашда эр-хотинларнинг соғлиги ва бошқа ҳолатларга эътибор бериши лозимлиги келтирилган. Буни Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги билан тақослаганда Оила кодекси 119-моддасида эр ёки хотинга бериладиган таъминот маблағининг миқдори суд томонидан таъминот тўловчининг ва олувчининг моддий ва оилавий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ҳар ойда тўланадиган қатъий суммада ундирилиши белгиланган.

Демак, ушбу норма юқорида кўриб чиққан ғарб давлатлари оила қонунчилиги нормалари билан ўхшашдир. Ҳозирги кунда АҚШда оила қонунчилиги ва

председентига ўзига хос эътибор берилмоқда. Яъни оилада “ишловчи жуфтликлар” “ишловчи хотинлар” шаклидаги широр асосида эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларини таъминлашга бўлган муносабатни тартибга солувчи қонунчиликни ривожлантириш пайтида [2]. Ажралишлар сони кўпайганлиги ва уларнинг алимент ундиришга бўлган муносабатини ўзгатиришга ҳукумат ҳаракат қилмоқда.

**Канадада собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари.** Канадада эр-хотиннинг алимент мажбуриятлари Федерал никоҳдан ажратиш актига асосан никоҳдан ажралгандан кейин вужудга келади ёки штатлар қонунларига кўра никоҳ қонуний ажралишдан олдин фақат оила муносабатлари туганидан сўнг эр-хотинларга нисбатан алимент мажбуриятлари пайдо бўлади. Эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларининг учта шакли мавжуд:

Компенсацион ёрдам – индивидуал шахс сифатида никоҳдан ажралиш натижасида етказилган зарарлар учун тўланадиган алимент;

Компенсацион бўлмаган ёрдам – никоҳдан ажралгандан кейин эр ёки хотинга минимум яшаш учун тўланадиган алимент. Бу алимент тури суд томонидан касал ёки меҳнатга қобилсиз эр ёки хотинга нисбатан тайинланади;

Шартлашилган алимент (ажралиш келишуви) – бу алимент турида алимент тўлаш шартлари, миқдори ва муддатлари бўйича келишувда белгиланади [3]. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-моддасига асосан никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаши ёки Оила кодекси 130-моддасига алимент тўлаш тўғрисида асосан келишув тузишлари мумкин. Демак, Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги ва Канада оила қонунчилигида бир хиллик мавжуд.

Канада оила қонунчилигига кўра эр-хотин ва умумий ҳуқуқ асосида никоҳ қурган эр-хотинлар алимент мажбуриятлари бўйича тенг ҳуқуқлидир. Эр-хотин ва умумий ҳуқуқ асосида никоҳ қурган эр-хотинлар ўртасидаги алимент мажбуриятларидаги муҳим хусусият шуки, умумий ҳуқуқ асосида никоҳ қурган эр-хотинлар алимент ундириш бўйича никоҳ муносабатлари туганидан сўнг бир йил ичида мурожаат этиши керак. Иккинчи муҳим фарқи шундан иборатки, қонуний никоҳланувчи шахслар фақат Федерал никоҳдан ажратиш актига асосан никоҳдан ажралишлари мумкин, умумий ҳуқуқ асосида никоҳ қурган эр-хотинлар фақат маҳаллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида никоҳдан ажратиш амалга оширилади.

Федерал никоҳдан ажратиш акти 15-моддасига асосан эр-хотинлар ўртасидаги алимент мажбуриятининг тўртта обектив омиллари мавжуд:

I. Никоҳ ва никоҳдан ажралиш натижасида эр-хотинларнинг иқтисодий аҳволларига қанчалик қулайлик ёки ноқулайлик келтириб чиқариши аниқланади;

II. Никоҳ тугатилиши натижасида собиқ эр-хотинларнинг ўзини-ўзи таъминлашга қобилияти.

Канада оила қонунчилигида эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари миқдори ва тўлаш муддати тўғрисида аниқ қоидалар мавжуд эмас. Шунингдек, алимент миқдори ва муддатларини ҳисоблаб чиқариш бўйича норматив ҳужжат мавжуд эмас, лекин Канадада бу муносабатларни тартибга солишга қаратилган тавсиявий характердаги эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари бўйича қўлланма мавжуд.

**Қозоғистонда эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари.** Қозоғистон Республикаси “Оила ва никоҳ

тўғрисида”ги кодексида 5-бўлими 18-бобида 133-136-моддаларида эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларига оид нормалар мавжуд. Эр-хотинлар бир-бирини молиявий жиҳатдан таъминлашга мажбурдирлар деб белгиланган. Ушбу кодексда агар эр-хотин бундай таъминлашдан бош тортса ёки алимент тўлаш бўйича келишув мавжуд бўлмаса, алимент ундириш суд тартибида тарафларнинг талаби асосида ҳал этилади деб белгиланган. Бу турдаги алиментни ундириш асослари белгиланган, яъни эр-хотин:

меҳнатга қобилсиз шахс бўлса;

ҳамиладорлиги даврида ва боласи уч ёшгача тўлгунича бўлган муддат давомида;

ўртада 1, 2-гурӯх ногирони бўлган ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунича бўлган пайтгача алимент олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади [4]. Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги билан таққосланганда оила кодексимизда никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир деган норма мавжуд. Бу асос билан эр-хотинларда алимент мажбуриятлари Ўзбекистонда вужудга келади, лекин Қозоғистонда бундай норма мавжуд эмас.

Қозоғистон оила қонунчилигида эр-хотинларнинг алимент тўлаш тартиби ва миқдори эр-хотинларнинг ўзаро келишуви ёки суд тартибида белгиланади. Алимент тўлаш бўйича эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг келишуви бўлмаганда, суд алимент миқдори ва тартибини белгилашда эр-хотиннинг молиявий ва оилавий аҳволини инобатга олиб ойлик кўрсаткич асосида тайинлайди. Қозоғистонда эр-хотинларга алимент белгилашда уларнинг никоҳи қонуний равишда рўйхатдан ўтганлигига судлар эътибор бериш керак.

Бир қатор давлатларда алимент суммаси боланинг ёшига қараб унинг эҳтиёжлари ортиб боришини ҳам инобатга олган ҳолда изчиллик билан ошириб борилади. Алимент тўланишидаги ёш чегараси, энг аввало, балоғатга етди деб қараладиган ёш борасида тафовутлар бор. Ривожланган ғарб мамлакатларида балоғат ёши Ўзбекистондаги ёш чегарасидан юқорироқ. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда алимент тўлашдаги ёш чегараси таълим олий ўқув юртлирида давом эттириладигани муносабати билан узайтирилади. Бола билан бирга яшамайдиган отанинг (онанинг) ўз уйида бола билан бирга ўтказган вақти ҳам эътиборга олинади. Чунончи, Англия, АҚШ, Австралияда бола алоҳида яшаётган отасиникида (онасиникида) неча кеча тунаб қолган бўлса, шу вақт ҳам алимент ҳисобига ўтади. Алиментларни судда белгилаш йўриқномасининг мажбурийлик даражаси ҳам бир хил эмас: баъзи жойларда тўловнинг умумий йўналишини бериш билан кифояланилса, бошқа ерларда тўловлар ҳажми қатъий расамадга солинган бўлади.

Европанинг кўпгина мамлакатларида давлат алимент олмаётганларни ё фақат жуда қашшоқ ота-оналарга ёки алимент олмаётган барча ота-оналарга муайян вақт мобайнида нафақа тўлаш йўли билан қўллаб-қувватлаб туради. Қитъадаги қатор мамлакатларда махсус жамғармалар ташкил этилган бўлиб, нафақалар шулар ҳисобидан тўланади ва кейинчалик қарздордан қайтариб олинади. Давлат сарфлаган маблағларни компенсация қилиш

тартибида ҳам тафовутлар кўзга ташланади. Жумладан, АҚШда алимент тўламай юрганларни қидиришнинг қатъий тизими йўлга қўйилган.

Мусулмон мамлакатларида ажралиш кўрсаткичи паст бўлса-да, ажралишдан кейин норасида болалар онасининг тарбиясида қолдирилади, каттароқ ёшдаги болалар эса ким билан қолишни ўзлари ҳал қиладилар. Қонунга кўра, собиқ эрлар онаси билан қолган фарзандлари таъминотини кўтаришлари, алимент тўлашлари лозим. Амалиётда ҳамма ҳам шундай бўлавермайди, алимент олмаётган хотинлар судга мурожаат қилишга ийманадилар, қолаверса, суд чиқимларини тўлашга кўпинча имкониятлари етмайди.

Шунингдек, бола билан бирга ва алоҳида яшаётган онани (отани) таърифлаш учун ишлатилаётган атамаларда ҳам муайян фарқни кўриш мумкин. АҚШда бундан васийлик қилаётган (custodial parent) ҳамда васийлик қилмаётган (noncustodial) ота (она) деб юритадилар (шу ўринда Ўзбекистонда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота (она) боладан алоҳида яшаган тақдирда ҳам юридик жиҳатдан васийлик қилувчи эканини эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак). Европа мамлакатларидаги атама оила тўғрисидаги қонунларимиздаги атама билан бир хил бўлиб, “бола билан бирга яшаётган ота (она)” (“resident”) ва “боладан алоҳида яшаётган ота (она)” (“nonresident”) деган маънони англатади.

АҚШда эр-хотин ажрашиб кетганидан кейин ўртадаги болалар устидан биргаликда васийлик қилишнинг асосан икки шаклидан фойдаланиб келинмоқда. Биргаликдаги юридик васийлик асосида болалар ё она, ёки ота билан бирга яшайди, уларнинг таълими ва тарбиясига тааллуқли қарорларни, Ўзбекистон Оила кодексига белгиланганидек, биргаликда қабул қиладилар. Алиментларни ундириш ва оталикни белгилаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Чунончи, агар боласига алимент ололмаётган она (ота) ёрдам сўраб “Эҳтиёжманд оилаларга муваққат ёрдам” (Temporary Assistance for Needy Families — TANF) дастурига мурожаат этса, болага алиментни “Алимент тўлашга мажбурлов” (Child Support Enforcement — CSE) дастури доирасида иш олиб бораётган агентликлар ундириб берадилар. Барча штатлар ана шу дастур билан қамраб олинган. Онаси (отаси) билан яшаётган болалар алиментга тенг миқдорда нафақа ёки кафолатланган миқдордаги ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Бунда қайси бирининг суммаси кўпроқ бўлса, шуниси тўланади.

Алимент тўламаётган шахсларни мамлакат штатлари бўйича махсус компьютерлаштирилган хизмат ёрдамида қидириб топиш, учрашувларнинг белгиланган тартибини бузиб, болани яшириб юрган — васийлик қилмаётган отанинг (онанинг) яшаш жойини аниқлаш ҳам дастур олдида қўйилган вазифалар сирасига киради. Дастурда бола никоҳсиз туғилган тақдирда онасига ёрдам кўрсатиш ҳам назарда тутилган. Ёлғиз она ўзидаги оталикни белгилаш ва отани қидириб топишда ёрдами тегиши мумкин бўлган бор ахборотни ана шу хизматга тақдим этмоғи керак. Даромаддан алимент ундириш, мол-мулкни хатлаш ва сотиш ҳам дастурда белгилаб қўйилган вазифалардан саналади. Судга қадар алимент суммасини тўлаб қутулишда, тарафлар ўз талабларини келишиб олишида кўмаклашадиган махсус хизматлар ҳам бор.

**Ўзбекистонда эр-хотин ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари.** ОКнинг 15-

боби эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятларини белгилайди.

Эр-хотиннинг бир-бирига моддий ёрдам бериши никоҳ тузилган пайтдан вужудга келадиган эр-хотиннинг ўзаро мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Ушбу мажбуриятнинг қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда сўзсиз бажарилишининг зарурлиги, шу билан белгиланадики, эр-хотин шу жумладан собиқ эр-хотинга агар эр (хотин) ихтиёрий равишда моддий таъминот беришдан бош торганда ёки улар ўртасида таъминот бериш ҳақидаги келишув мавжуд бўлмаганда суд тартибида таъминот ундиришга ҳақли ҳисобланади.

Расмий рўйхатга олинмаган никоҳни қайд этмасдан, амалда никоҳ муносабатларида бўлган шахслар ўзаро моддий ёрдам талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Бу қоида мутлақ тус касб этади ва шахсларнинг амалда қанча муддат никоҳ муносабатларида бўлганлиги бу вазиятда аҳамият касб этмайди.

Эр-хотиннинг бир-биридан моддий ёрдам олиш ҳуқуқи собиқ эр-хотинларга ҳам тегишли ҳисобланади. ОК собиқ эр (хотин) нинг таъминот олиши мумкин бўлган ҳолатлар қатъий рўйхатини назарда тутаяди (118-модда шарҳига қаранг). Бироқ никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда эр-хотин бир-биридан моддий ёрдам беришни талаб қилишга ҳақли бўлмайди. Бу ҳолатга нисбатан истинно бўлиб, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, инсофли эр (хотин)нинг ҳуқуқлари бузиши ҳисобланади. Бу ҳолатда суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топилганда инсофли эр (хотин)га инсофсизлик қилган хотин (эр)дан ОКнинг 118-119-моддаларида белгиланган қоидалар асосида моддий ёрдам ундириб бериши мумкин.

Бундан ташқари, эр-хотиннинг бир-биридан моддий ёрдам олиши учун асос бўладиган шартлар келтириб ўтилган. Энг аввало, бу меҳнатга лаёқатсизлик ва ёрдамга муҳтожлик ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатсиз бўлиб пенсия олиши ёки олмаслигидан қатъи назар, пенсия ёшидаги эр (хотин) (55 ёш – аёллар ва 60 ёш – эркеклар) ҳисобланади. Шунингдек, I, II, III гуруҳ ногиронлари ҳам меҳнатга лаёқатсизлар тоифасига киради.

Ёрдамга муҳтожлик эр (хотин)дан моддий ёрдам олиш учун асос сифатида суд томонидан ҳар бир аниқ ҳолатда келиб чиқиб белгиланади. Қоидага кўра, ёрдамга муҳтожлар жумласига мустақил иш ҳақига эга бўлмаган, пенсия олмайдиган ва мол-мулкдан, шунингдек кредит муассасаларига омонатлар, акциялардан даромад олмайдиганлар киради.

Шунингдек, меҳнатга лаёқатсизлиги ёки ёрдамга муҳтожлигидан қатъий назар эр-хотиннинг бир-биридан моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган қуйидаги ҳолатлар келтириб ўтилган:

- хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;
- ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча;

- болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган ўртадаги болага қараган ёрдамга муҳтож эр (хотин) ёрдам беришга қодир бўлган хотин (эр)дан. Мазкур ҳолатларда моддий ёрдам суд тартибида таъминот (алимент) тарзида белгиланади.

Шунингдек, эр ва хотинни бир-бирларига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиш ёки бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклашга оид қоидалар белгиланган. Бинобарин, эр ва хотиннинг бир-бирига таъминот бериш мажбурияти ҳам вазиятнинг ўзгари-

ши, яъни эр ва хотиннинг моддий ва оилавий аҳволи ўзгариши билан бекор қилиниш ёки тўланаётган алимент миқдори камайирилиши мумкин. Бунда ОК суд томонидан эр (хотин)ни ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйиши мумкин бўлган ҳолатларнинг қатъий рўйхатини назарда тутаяди.

Эр (хотин)ни алимент тўлашдан озод этиш асосларидан бири уларнинг никоҳда қисқа вақт мобайнида бўлганликлари ҳисобланади. Бу ҳолат ҳар бир аниқ вазиятда суд томонидан белгиланиши лозим. Одатда, амалиётда қисқа вақт давом этган никоҳ сифатида бир йилдан уч йилгача давом этган никоҳлар эътироф этилади.

Ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг нолойиқ хулқ-атвори алимент тўлашдан озод қилиш ёки уни тўлашни муайян муддат билан чеклаш учун асос бўлади.

Бинобарин, қонун томонидан ўз таъминоти учун маблағ тўланишини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг хулқ-атворини нолойиқлиги масаласини белгилашни суднинг ваколатига берилганлиги сабабли ҳар бир аниқ ҳолат айнан суд органи томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Нолойиқ хулқ-атворга мисол бўлиб эр-хотиндан бирининг болаларни тарбиялаш ва таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажармаслик ҳисобланади.

Суд эр-хотинни ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз хотин (эр)га таъминот бериш мажбуриятидан озод қилиши ёхуд бу мажбуриятни муайян муддат билан чеклаб қўйишининг мустақил асосларидан бири ёрдамга муҳтож эр ёки хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши унинг спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни суистеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши оқибатида юз берганлиги ҳисобланади.

Ёрдамга муҳтож эр ёки хотиннинг спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни суистеъмол қилиши ёки қасддан жиноят содир этиши маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланадики, бу ҳолат ушбу шахсга нисбатан оилавий-ҳуқуқий тусдаги салбий оқибатларни ҳам юзага келтиради.

Оила кодекси эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқини тугаши алимент олиш ҳуқуқини вужудга келтирган юридик фактлар тугаши билан юзага келишини назарда тутаяди. Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи Оила кодекснинг 117-118-моддаларида белгиланган шартлар тугаши билан тугайди. Шу билан бирга, эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи никоҳдан ажралган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда тугайди. Бунда алимент тўлаши шарт бўлган эр-хотин алимент келишувга мувофиқ белгиланган бўлса, алимент тўлашни бир томонлама тўхтатишга ҳақли ҳисобланади. Агар таъминот учун маблағ суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилган бўлса, уни тўлаши шарт бўлган эр-хотин бундан буён алимент тўлашдан озод этиш ҳақидаги талаб билан судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. <https://en.wikipedia.org/wiki/Alimony>.
2. family.findlaw.com › Family Law › Divorce.

3. [www.justice.gc.ca](http://www.justice.gc.ca) › Home › Family Law › Spousal Support.

4. [egov.kz/cms/en/articles/alimenty](http://egov.kz/cms/en/articles/alimenty).

Д.А. Таджибаева,  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Академияси катта ўқитувчиси

### ПЕНИТЕНЦИАР МУАССАСАЛАРДА МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

**Аннотация:** мақолада замонавий тузилмалар статистикасини таҳлил қилиш асосида пенитенциар муассасаларда профилактика ишларининг хусусиятлари ва самарали индивидуал профилактик тадбирлар шартлари тақдим этилди.

**Таянч тушунчалар:** жиноятчиликни олдини олиш, пенитенциар муассасалар, профилактик тадбирлар, профилактик таъсир ва профилактик чоралар, маҳкумлар

**Annotation:** in the article on the basis of analysis of modern statistics are presented features of preventive work in correctional institutions; conditions of effective individual and preventive activity.

**Keywords:** prevention of crime, prisons, preventive treatment, prevention and preventive measures, the convicted persons.

**Аннотация:** в статье на основе анализа современной статистики представлены особенности профилактической работы в пенитенциарных учреждениях, а также условия эффективной индивидуально-предупредительной деятельности.

**Ключевые слова:** профилактика преступности, исправительные учреждения, профилактическое воздействие, предупредительно-профилактические меры, осужденные.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давлат ва унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари олдида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида фаол ҳаракатни ва янгича чора-тадбирларни талаб этади. Мазкур шароитда жиноятчиликка оид замонавий миллий сиёсатнинг муайян ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш ўта долзарб вазифадир. Жазони ижро этиш жойларида фаолиятнинг тўғри ташкиллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашувчи жамият ва барча давлат органлари ишининг муваффақиятини белгилайди.

Пенитенциар<sup>4</sup> муассасаларнинг профилактик фаолияти самарадорлигини баҳолашда, аввало, унинг асосий мақсадидан – маҳкумларнинг тузалиши орқали янги жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик эканлигидан келиб чиқиш лозим бўлади. Ушбу мақсад нафақат маънавият ва инсонпарварлик тушунчаларидан яралган, балки бутун жамият манфаатлари нуқтаи назаридан оқилона ва рационалдир.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида шахс янгидан шаклланмайди, ундаги кузатиш мумкин бўлган кейинги ҳислатлар олдин мавжуд бўлган характернинг давомли ўзгариши ва ривожининг оқибати дейиш

<sup>4</sup>Пенитенциар (жиноят-ижроия) тизим (лотинча *poenitentia* — тавба қилиш) — қонуний асосларда фуқароларга давлат тайинлаган жиноий жазони ижро этишга қаратилган давлат институти. Судгача тергов остида бўлганларни ушлаб туради ҳамда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо ижросини таъминлайди. Унинг тасаруффига тергов ҳибсхоналари, турма ва турли режимдаги колониялар қиради.

мумкин. Жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган озодликдан маҳрум этиш жазоси ҳақида гап борар экан, баъзи олимларнинг уни самарасиз деб қарашларини эътироф этиш лозим, сабаби улар жазони ижро этиш муассасасидан бўшатиш шахслар орасида жиноят рецидивни жуда юқори даражада деб билдилар.

Суд томонидан айбдорлик ҳақида ҳукм чиқарилиб шахсга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган ҳолларда, маҳкумлар жазони ўташ учун пенитенциар муассасаларга жойлаштирилади. Бир томондан, бу тоифадаги шахсларнинг жиноий фаолиятига барҳам берилди, улар жамиятдан ажратилди ва мантқиқий изчиллик бўйича улар бошқа ҳуқуққа хилоф қилмиш содир этмайдилар деса бўлади. Бироқ доимо вазият бошқача тус олишининг реал эҳтимоли мавжуд. Озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумлар ўзлари эркинликда содир этган жиноий муҳитдан фарқли равишда янада кучлироқ криминоген муҳит оғушига тушиб қоладилар. Озодликдан маҳрум қилиш жойларига келиб қолган маҳкумнинг муомала доираси бирмунча тораяди. Озодликда унинг алоқалари нафақат салбий йўналган субъектлар билан чекланади деган умид қилинса, пенитенциар муассасаларда увақтини фақат ўзига ўхшаган ҳуқуқбузарлар билан ўтказишга мажбур бўлади. Бундай ҳолатларда “энди муассаса ҳудуди доирасида янги жиноят содир этишдан уни қандай қилиб олиб қолиш мумкин?” деган ўринли савол туғилади, бироқ ҳамон жиноятлар содир этилиши тўхтаётгани йўқ.

Шуни айтиш керакки, юртимизда 2015 йилда пенитенциар тизим муассасаларида 690 мартаба жиноят содир этилиши қайд этилган [2] (2014 йилда – 587та), улардан қасддан одам ўлдириш – 2та, гиёҳвандлик – 1та, конституцион тузумга тажовуз қилиш – 12та, ЖИЭМлар [3] фаолиятини издан чиқарувчи ҳаракатлар ёки маъмурият талабларига бўйсунмаслик – 672та, қочишлар – 1та, бошқа турдаги жиноятлар 2тани ташкил этди.

Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар жиноятчилиги ўзига хос бўлган жиҳатларга эга. *Биринчидан*, бу ҳодиса локал чекланган маконда ёйилади – у фақат муассаса ҳудудида мавжуд ва шу ерда ўзгариб боради, мазкур муассасалар (*манзил-муассасаларидан ташқари*) одатда қуролланган қўриқловга эга; бундан ташқари жазони ўташ мобайнида маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган махсус режим талаблари ва ҳуқуқий чекловлар комплекси мавжуд бўлиб, ижтимоий-мажбурий, ахлоқни тузатувчи-тарбиявий ва руҳий таъсир қилиш хусусиятга эга махсус воситалар, шакллар ва усуллар қўлланилади.

*Иккинчидан*, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жиноятчилик сифатларига кўра маълум характерга эга, яъни содир этиладиган жиноятлар доираси бирмунча тор. Тез-тез учраб турадиганлари – булар пенитенциар муассасадан қочиш, жазони ўташдан бўйин товлаш, ўғрилик, безорилик, калтаклаш, одам ўлдириш, соғлиққа енгил, ўртача ва қаттиқ зарар етказиш, гаровга олиш билан боғлиқ ёхуд бесоқолбозлик, муассаса нормал фаолиятини бузадиган, оммавий тартибсизлик келтириб чиқарадиган жиноятлардир.

*Учинчидан*, жиноятчилик субъектлари – бу маҳкумлар, илгари қонун асосида суд томонидан жиноятчи деб топилган, уларга шундоқ ҳам озодликдан

маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлиб, улар ўшани ўтаётганлардир.

*Туртинчидан*, юқорида кўрсатилган жиноятлар ўзига хослигининг яна бир жиҳати уларнинг кўпчилиги учун бир хил қуроллардан фойдаланганлиқдир, одатда, таёқ, тош, қайроқ каби маиший буюмлар ишлатилади.

*Бешинчидан*, маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг кўпчилиги юқори даражадаги руҳий зўриқиш, тажовузкорлик, жўшқин ҳиссиётлар, можароли вазиятларнинг вужудга келиши билан тавсифланади.

Пенитенциар муассасаларда жиноятларнинг катта қисми – зўравонлик орқали қилинганлиги билан ажралиб туради. Бу жиноятлар энг хавфли бўлгани учун ҳам уларни қайд этилади ва улар юқори даражада туради. Бироқ шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, маҳкумларнинг зўравонлик билан содир этган қилмишлари ҳар доим ҳам жиноят сифатида, аслида шундай бўлишига қарамай (калтаклаб ташлаш, азоблаш, безорилик, зўравонлик орқали бесоқолбозлик, турли шахвоний қилмишлар), қайд этилавермайди.

Пенитенциар муассасалар ходимларидан интервью олинганда, уларнинг 70%и маҳкумлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг латентлиги жуда юқори эканлигини таъкидлайдилар. Шунинг учун жазони ижро этиш жойларида жиноятчилик аҳволини таҳлил қилиш учун эътиборни нафақат қайд этилган жиноий зўравонликка, балки жиноят сифатида қайд этилмайдиган жиноий зўравон қилмишларга ҳам қаратиш зарур. Асосан, ҳаётга ва соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар аниқланиб, ор-номусга, қадр-қимматга, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка қарши қаратилган жиноятлар ошкор этилмай қолиб кетади.

Жиноят содир этиладиган жой мунтазам қўриқловга олинган (ёки манзил-муассасаларда назоратга олинган) ҳудуд (яшаш ва ишлаб чиқариш объектлари, мактаб, ошхона, кир ювиш ва ювиниш комплекслари, клублар) ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган фактлар нафақат бир қатор ижтимоий-иқтисодий тавсифдаги объектив омиллар мавжудлиги билан белгиланади, балки жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган жиноятчилик профилактикасининг мукаммал эмаслиги, бу фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, ходимларнинг касбий тайёргарлиги юксак профессионал даражада эмаслиги ҳамда уларнинг ташкилий-бошқарув жиҳатдан уқувсизлиги билан ҳам боғлиқ. Жазони ижро этиш муассасалари ва давлат олдида турган биринчи даражадаги асосий вазифа профилактика ва олдини олиш чоралари орқали жиноятчиликни кескин пасайтиришдир.

Объектив равишда айтиш жоизки, пенитенциар муассасаларда маҳкумлар жиноятчилигининг олдини олишда нафақат пенитенциар муассаса маъмурияти асосий ўринни эгаллайди, балки маҳкумлар реабилитациясига кўмаклашиш мақсадига эга давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятчиликнинг профилактикаси (юнонча *“prophylakticos”* – эҳтиёт чораси) – бу жиноятларни олдини олиш, жиноятчиликнинг умумий тарзда ва унинг алоҳида турларини келтириб чиқарувчи омилларни чеклаш ва бартараф этиш, жиноятчи

шахсини ижтимоий хавфлилигини аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Таниқли криминолог-олимларнинг қарашлари юридик манбаларда акс этиб, улар профилактика жиноятчилигининг олдини олишнинг энг асосий ва муҳим шакли эканлигини таъкидлайди. Жиноятлар профилактикаси – бу жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш бўйича мақсадга йўналтирилган профилактик таъсир чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, амалга оширишдан ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларга мойил шахсларга нисбатан таъсир ўтказишдан иборат фаолиятдир. Эътиборни шунга қаратиш жоизки, профилактика тушунчасига таъсирнинг барча соҳаларининг қамраб оладиган ягона қонуний асос, шунингдек ушбу жиноятчиликка қарши кураш мазмунини очиб берадиган ягона илмий фикр, ёндашув ҳам мавжуд эмас. Н.И. Ветровнинг[3, 9-бет] фикрига кўра, қонунчилик ҳамда фан томонидан профилактика таърифини тўла шакллантиришга уринишлар бўляпти, лекин ҳозирча бу уринишлар унинг бутун моҳиятини қамраб ололмайти.

**Бизнинг фикримизча, жазони ижро этиш жойларидаги профилактик таъсир** – бу муассаса маъмурияти ва бошқа субъектларнинг маҳкумлар жиноятларининг келиб чиқиш шарт-шароитлари, сабабларини аниқлаш, бартараф этиш ва нейтраллаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларга мойил маҳкумларга нисбатан уларни янги жиноят содир этишдан олиб қолиш мақсадида превентив<sup>5</sup> таъсир ўтказишдан иборат қонунчиликка асосланган фаолият.

Пенитенциар муассасаларда маҳкум шахсини чуқур ўрганиш, унинг ахлоқи етакчи мотивларини аниқлаш профилактик ишларни муваффақиятини белгилайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, жиноятчилар тузалишини амалга оширувчи амалиёт органлари муайян шахснинг итоаткор хулқини таъминлаш учун унинг жиноий қилмишларини нима келтириб чиқаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши лозим.

ЖИЭМларнинг маҳкумларнинг криминоген хусусиятларини нақадар ҳисобга олинганлиги индивидуал равишдаги профилактика фаолияти самарадорлигини келтириб чиқаради.

Бинобарин, пенитенциар муассасалар маъмуриятининг профилактик уринишлар бош объекти – маҳкум шахсидир, бу ерда у алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки жазони ўташ шарт-шароитлари билан ҳамжиҳатликда кўриб чиқилиши зарур. ЖИЭМларида маҳкумлар жиноятининг профилактикаси баъзи салбий омилларнинг қуйидаги салбий таъсири орқали мураккаблашиб боради:

1) бутун озодликдан маҳрум қилиш жазоси тизимининг консервативлиги, яъни жамиятда юз бераётган ўзгаришлардан кам таъсирланиш, юзага келган вазиятга ўз вақтида, сифатли баҳо бера олмаслик, таҳлил қила олмаслик ҳамда ҳодисаларнинг ривожланишини башорат қила олмаслик;

2) маҳкумлар ахлоқига маъмурият вакиллари билан ҳамкорликни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган

криминал субмаданият норма ва анъаналарининг таъсир ўтказиши, шунинг учун ҳам жабрланганлар ҳар доим ҳам ўзларига нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақида хабар бермайди;

3) пенитенциар муассаса фаолиятини баҳолашда уни қайд этилган жиноятлар сонига боғлиқлик амалиётининг мавжудлиги. Ҳозирда ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришда «ўтган йилгидан ёмонроқ бўлиши мумкин эмас» деган қоидага асосланиш. Мазкур ҳолат ҳодисаларнинг энг ноқулай оқибатларига қарамай, тизим ўз фаолиятини нисбатан яхшироқ кўрсатишга интилади;

4) ходимларнинг белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга монелик қиладиган жисмоний ва касбий тайёргарлигининг етарли даражада эмаслиги ҳамда тузилма айрим қисм ва хизматларида малакали кадрларнинг етишмаслиги муаммоси.

Пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикаси объектлари бир неча элементларни ўз ичига олган мураккаб динамик тизимни ташкил этади. Ўз навбатида, ушбу элементларнинг ҳар бири мураккаб, тараққий этаётган, нисбатан мустақил, махсус таъсирга муҳтож деб қаралиши лозим. Шунинг учун **объект** сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабаблари ва (*иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, моддий-техник, ташкилий-бошқарувга оид*) шарт-шароитлари;

2) маҳкум (ёки маҳкумлар гуруҳи)нинг муайян пенитенциар муассасада содир этган маълум бир жинояти сабаби ва шарт-шароитлари (*маҳкумларни сақлаш тартиби ва шартлари, маҳкумлар ўртасида низоли вазиятлар, криминал анъана ва одатлар муҳити, муассаса маъмурияти ишида нуқсон ва камчиликлар*);

3) ЖИЭМда жиноят содир этган маҳкумнинг шахси;

4) ЖИЭМда жиноят содир этиши мумкин бўлган маҳкумларнинг шахси (мойиллик асосида профилактик рўйхатга олинганларга тааллуқли).

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг жиноий ахлоқи сабаби ва шартлари орасида муассаса персоналининг фаолиятида учрайдиган камчилик ва нуқсонлари билан боғлиқ бўлганлари алоҳида ўрин тутати.

Олиб борилган сўровномалар натижаси шуни кўрсатадики, маҳкумларнинг деярли ярми (48,8%) пенитенциар муассасанинг персонали ҳақидаги саволга, уларнинг тўла равишда ёки кўпчилик ҳолларда маҳкумларни қайта тузалишига таъсир қилиши мумкин деб ҳисоблайди. Аксинча, сўралганларнинг 39%и маҳкумларнинг тузалишига ходимлар таъсир кўрсата олмайди деб ҳисоблайди, агар бундай имконият яратиладиган бўлса, уларни махсус тайёргарликка қўшимча ўқитиш зарур, деб ҳисоблайди маҳкумларнинг 12,2%и.

Профилактик тадбирлар таъминотини муайян бир орган ва муассасалар томонидан амалга оширилади, улар бутун профилактик тизимни таркибий қисмлари ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар жиноятчилигининг профилактикаси тизимига қуйидаги **субъектлар** киради: жазони ижро этувчи муассаса ва органлар; таълим муассасалари ва

<sup>5</sup>Превенция (лотинча, *praeventio* — олдиндан билиш, олдини олиш; инглизча, *prevention*) — олдини олиш, эҳтиётлаш, йўл қўймаслик. Хуқуқ соҳасида превентив чоралар деб хуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган профилактик ва бошқа чораларни назарда тутадилар.



органлари; халқаро ташкилотлар; соғлиқни сақлаш органлари; судлар; прокуратура; ички ишлар органлари; тергов органлари; ҳуқуқни муҳофиза қилувчи ташкилотлар; диний конфессиялар; хайрия жамғармалари; методик кенгашлар; инсон ҳуқуқлари бўйича вакил; Олий Мажлис палаталари; ижодий уюшма ҳамда ташкилотлар ва б.

Маҳкумлар жиноятчилигининг профилактикаси тизими субъектлари жуда кўп бўлишига қарамай, амалда уларни янги жиноят содир қилишдан олиб қолувчи мушкул вазифа бўлиб қолмоқда. Бундай вазият юзага келишига сабаб профилактика субъектларинг бир-биридан ажралган ҳолда ҳаракат қилишидир, мазкур ишда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик талаб этилади.

Жиноятчилик профилактикаси тизими динамик тизимларга тааллуқли бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун юзага келаётган шароитга қараб мослашувчан бўлиши ва доимо такомиллашиб бориши зарур.

Ҳар бир профилактика субъектининг роли уларга давлат томонидан юкланган кўплаб вазифалардан иборат бўлиб, профилактик фаолиятни амалга ошириш учун берилган ваколатлар билан белгиланади. Шубҳасиз, пенитенциар муассасаларда маҳкумлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, аслида уларга имкон яратаётган ижтимоий шароитлардан ташқари мавжуд эмас. Шу сабабдан объектларга таъсир этувчи профилактик чоралар, уларни таркибий элементлари хилма-хиллигидан келиб чиқиб, кенг қамровли – комплекс характердаги, уларни қўллаш эса тизимли, изчил ва мувофиқлаштирилган бўлиши лозим.

Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа институтларини такомиллаштириб бориш маҳкумларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, моддий-маиший ҳолатини бирмунча яхшилашга кўмаклашади; уларни тузатишда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришни таъминлайди, онгида бегоналашув ҳиссини бартараф этади, шу билан бирга жамиятга нисбатан ижтимоийлашув эркинлигини тезлаштиради; инсонпарварлик ва демократизм тамойиллари асосида пенитенциар тизим фаолиятини такомиллаштиради, оқибатда умуман жиноят-ижроия тизим фаолияти ҳақида ижобий фикрни шакллантиришга эришади.

*Фикримизча*, ушбу ижобий омиллар маҳкум онгида қамоқ субмаданияти ғояларидан келиб чиқадиган салбий таъсирни нейтраллаштиради, бу эса умуман олганда, маҳкумнинг жамиятдан узилиб кетиши, хусусан эса, ахлоқининг тузатишига қаратилган пенитенциар тизим фаолиятига қарама-қарши туришни бартараф этади. Умумижтимоий олдини олиш чоралари махсус профилактика чораларини келтириб чиқаради. Жиноятчиликни олдини олиш – бу мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, турли хилликнинг бирлиги бўлмиш бир бутунликни муайян сифатларига эга эканлигини инкор этиб бўлмайди. Умумижтимоий олдини олиш қанчалик мукамал бўлса, махсус олдини олишга шунчалик кўп имконият яратилади. Шунинг учун махсус профилактика чораларини кўриб чиқиш асосида биз умумижтимоий олдини олишга дахл қиламиз.

Умуман олганда, давлатнинг ягона ички сиёсатини таркибий қисми бўлган миллий пенитенциар сиёсатимиз шахс, жамият ва давлатга озодликдан маҳрум этиш жойлари криминоген таъсирини бартараф этиш, жиноятчиликка барҳам беришда жуда муҳим восита эканлигини намоён этади. Ўзбекистонда

ҳозирда рўй бераётган вазият жамиятнинг барча жабҳаларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий туб ислохотлар рўй бераётгани билан тавсифланади. Айниқса, ижтимоий-сиёсий тузилма ҳамда иқтисодий фаолиятнинг ислохотлари жараёнида ижтимоий муносабатларнинг криминализациялашуви таҳдиди ўткир тус олиб муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жиноятчиликка қарши курашни самарали ташкил этишда жазолаш натижаси алоҳида муҳим аҳамият касб этиб, ижтимоий адолатни тиклаш ҳамда маҳкумларни тузатиш, янги жиноят содир этишларини олдини олиш мақсадини кўзлайди. Мазкур барча қўйилган мақсадлар юқори савияда фақат озодликдан маҳрум этиш жазосини ўталиши мобайнидагина амалга ошириш мумкин бўлади. Жазонинг мақсадларини амалга ошириш учун жазони ижро этиш муассасаларида қулай муҳитни яратиш, бунга эса шахсда ҳуқуққа итоаткорлик руҳини шакллантириш реал имкониятини таъминлаш орқали эришилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқаро қамоқхоналарни ўрганиш маркази (ICPS) 2015 йил маълумотлари – <http://www.prisonstudies.org/map/asia>
2. ЖИЭМлар – озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони ижро этиш муассасаси (ёки пенитенциар муассаса).
3. Ветров Н.И. Криминологическая характеристика правонарушений молодежного возраста. М., 1981. С.9.

Н.Рамазонова,  
докторант ТГЮУ

## ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ ОЧНОЙ СТАВКИ В РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШЕННЫХ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ ЛИЦАМИ

**Аннотация:** в статье исследуются теоретические и практические аспекты тактики проведения очной ставки по делам несовершеннолетних. Вместе с тем, проводится сравнительный анализ уголовно-процессуального законодательства некоторых стран по проведению данного следственного действия.

**Ключевые слова:** несовершеннолетний, расследование, преступление, очная ставка, следственное действие.

**Аннотация:** ушбу мақолада вояга етмаганларнинг ишлари бўйича юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилади. Шу билан бирга мазкур тергов ҳаракатларини ўтказиш бўйича айрим давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигининг қиёсий таҳлили амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** вояга етмаган шахс, тергов, жиноят, юзлаштириш, тергов ҳаракати.

**Annotation:** the article explores the theoretical and practical aspects of the tactics of conducting a confrontation for juvenile cases. At the same time, a comparative analysis of the criminal procedural legislation of some countries on the conduct of this investigative action is carried out.

**Key words:** juvenile, investigation, crime, confrontation, investigative action.

Дифференциация проведения следственных действий для несовершеннолетних обусловлено необходимостью дополнительной защиты законных прав и интересов детей в силу их психофизиологических особенностей развития. Данное правило признано как в международных, так и национальных нормативно-правовых актах, в частности, в Конвенции о правах ребенка от 20 ноября 1989 года предусмотрена важность установления отдельных правил и условий для детей. В Республике Узбекистан законодатель также дифференцирует правовое регулирование вопросов уголовной ответственности несовершеннолетних, устанавливая для них дополнительные правовые и процессуальные гарантии.

Необходимо отметить, что по делам несовершеннолетних может быть проведен ряд первоначальных следственных действий, таких как допрос, осмотр места происшествия, экспертиза и другие. Однако изучение тактики проведения последующих следственных действий, как очная ставка, обыск и выемка, проверка показаний на месте, предъявление для опознания, проверка показаний на месте события, эксперимент, также имеет важную значимость в расследовании преступлений, совершенных несовершеннолетними лицами.

В процессе расследования преступлений несовершеннолетних проведение очной ставки имеет немало важное значение, порой выступая единственным способом доказательства совершенного преступления. Данное следственное действие может быть проведено в случае возникновения существенных противоречий

между показаниями двух ранее допрошенных лиц для выяснения причин этих противоречий. Правила проведения следственного действия закреплены в национальном уголовно-процессуальном законодательстве. Так, глава тринадцатая Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан посвящена нормам проведения данного следственного действия, в котором предусмотрено, что очная ставка производится ввиду существенных противоречий между показаниями двух ранее допрошенных лиц для выяснения причин этих противоречий

Рассматривая понятие «очная ставка» в уголовно-процессуальном законодательстве некоторых стран, можно встретить схожие по сущности определения, как «если в показаниях ранее допрошенных лиц имеются существенные противоречия, то следователь вправе провести очную ставку» [1], «следователь вправе провести очную ставку между двумя ранее допрошенными лицами, в показаниях которых имеются противоречия» [2], «лицо, осуществляющее досудебное расследование, вправе провести очную ставку между двумя ранее допрошенными лицами, если в их показаниях имеются существенные противоречия, для выяснения причин этих противоречий» [3], «очная ставка между лицами может быть произведена в случае, если противоречия в их показаниях не могут быть устранены иным способом» [4], «с целью устранения существенных противоречий в показаниях ранее допрошенных лиц следователь, лицо, производящее дознание, вправе провести очную ставку между двумя ранее допрошенными лицами, в показаниях которых имеются существенные противоречия» [5], «в случае, если в показаниях лиц, допрошенных по одному и тому же делу, есть противоречия, производится очная ставка между этими лицами, в том числе с теми, показания которых не в пользу подозреваемого, обвиняемого, если необходимо установить истину и устранить противоречия» [6], «следователь проводит очную ставку между двумя ранее допрошенными лицами, если в их показаниях имеются существенные противоречия, для выяснения причин этих противоречий» [7].

Анализируя различия в проведении очной ставки с проведением допроса, следует отметить, что в начале допроса на очной ставке дознаватель, следователь или председательствующий в судебном заседании спрашивает каждого из допрашиваемых поочередно, знакомы ли они, каковы их взаимоотношения и выслушивает их ответы. Затем каждому из допрашиваемых поочередно предлагается ответить на вопросы об обстоятельствах, относительно которых возникли противоречия. Если противоречия касаются нескольких эпизодов или нескольких обстоятельств, то после дачи показаний на очной ставке обоими допрашиваемыми по одному эпизоду или одному обстоятельству им могут быть заданы вопросы по следующему эпизоду или следующему обстоятельству.

Изучая теоретические подходы касательно тактики проведения очной ставки по делам несовершеннолетних, Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, Ю.Г.Корухов и Е.Р.Российская отмечают, что целесообразно проведение очной ставки при расследовании преступлений несовершеннолетних в исключительных случаях, так как подростки крайне неохотно идут на участие в очной ставке. Основные мотивы, по – мнению авторов, при этом: прослыть предателем и боязнь возмездия. При этом исследователи предупреждают о возможно-

сти полного нарушения психологического контакта, установившегося между следователем и подростком.

Кроме того, в работах указанных авторов говорится о главной опасности, то, что он изменит свои показания под влиянием другого участника, в особенности, если этот другой – взрослый соучастник преступления. Не менее сложны очные ставки и между самими несовершеннолетними. Изобличающие показания подростка другой участник обычно объясняет плохими взаимоотношениями, которые существуют между ними. Если есть возможность устранить противоречия в показаниях несовершеннолетнего обвиняемого и других допрошенных лиц иным путем, не прибегая к очной ставке, следователь должен воспользоваться этой возможностью [8, 323-с].

Как отмечают И.Ф.Герасимов, Я.Л.Драпкин и Л.Л.Каневский, очная ставка – не единственный и не лучший способ устранения противоречий в показаниях несовершеннолетнего обвиняемого (подозреваемого) и других допрошенных по делу лиц. Если есть возможность устранить противоречия путем проведения иных следственных действий (следственного эксперимента, проверка показаний на месте и др.), следователь должен использовать прежде всего эти возможности.

Нецелесообразно проводить очную ставку при очевидности отрицательного воздействия на несовершеннолетнего обвиняемого со стороны взрослого соучастника (угроза, запугивание, шантаж) или если несовершеннолетний потерпевший болезненно реагирует на предстоящую встречу с обвиняемым. В подобных случаях показания несовершеннолетнего обвиняемого или потерпевшего можно зафиксировать с помощью видео- или звукозаписи и воспроизвести их при допросе.

Научные исследователи полагают, что при проведении очной ставки желательнее присутствие педагога, который, используя свои специальные познания, не только сможет помочь в подготовке и проведении очной ставки, но и в какой-то мере снимет напряжение, окажет дисциплинирующее воздействие на другого участника очной ставки [9, 672-с].

В заключение, нами предлагается участие психолога, нежели педагога в проведении очной ставки по делам несовершеннолетних, так как считается целесообразным участие профессионала в силу того, что в очной ставке чаще всего двое допрошенных пытаются взыграть вину друг на друга. В данном случае высок риск влияния на психологию несовершеннолетнего, для превенции чего высокоэффективным является участие именно психолога.

Кроме того, нами предлагается следующая тактика проведения очной ставки по делам несовершеннолетних: если из двух допрашиваемых один несовершеннолетний, один совершеннолетний, вопросы необходимо задавать несовершеннолетнему, а потом допрашивать совершеннолетнего. В случае, если оба допрашиваемых несовершеннолетние, сначала следует выслушать несовершеннолетнего, у которого нет криминального либо антисоциального прошлого. Если оба несовершеннолетние являются несудимыми лицами, вопросы следует задавать самому младшему. Данный алгоритм действий, по нашему мнению, является эффективным в получении правдивых показаний.

#### Список литературы:

1. УПК Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 29.07.2017);
2. УПК Украины. <http://pravoved.in.ua/section-kodeks/79-upku/329-glava15.html>;
3. УПК Казахстана. <https://www.zakon.kz/4757685-kommentarij-k-glave-26-upk-rk-dopros-i.html>;
4. УПК Эстонии. <http://zakon24.ee/ugolovno-processualnyj-kodeks>;
5. УПК Беларусь. <http://kodeksy.by/ugolovno-processualnyy-kodeks/statya-222>;
6. УПК Молдовы. <http://lex.justice.md/index.php>;
7. УПК Туркменистана от 18 апреля 2009 года. (В редакции Законов Туркменистана от 31.03.2012 г. №292-IV, 22.12.2012 г. №359-IV, 01.03.2014 г. №41-V, 03.05.2014 г. №78-V, 12.01.2016 г. №322-V, 26.03.2016 г. №380-V);
8. Аверьянова Т.В., Белкин Р.С., Корухов Ю.Г., Российская Е.Р. Криминалистика. Учебник для вузов. – М.: Издательство НОРМА, 2000.
9. Герасимов И.Ф., Драпкин Я.Л., Ищенко Е.П. Криминалистика. – М.: Высшая школа, 2000.

**Д.Ш.Умарханова,**  
ТДЮУ “Халқаро оммавий ҳуқуқ”  
кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

**Аннотация:** мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари ва хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларининг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, бу борада турли ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, экстрадиция, маҳкумларни топшириш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, халқаро шартнома.

**Аннотация:** в данной статье проанализированы направления и особенности международного сотрудничества по уголовным делам. Автором широко раскрывается взаимосвязь между направлениями международного сотрудничества по уголовным делам, а также мнения и рассуждения учёных правоведов в данной сфере.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, преступление, экстрадиция, передача осуждённых, взаимная правовая помощь, международный договор.

**Annotation:** in this article is analyzed the direction and features of international cooperation in criminal cases. The author reveals the relationship between directions of international cooperation in criminal matters, as well as the opinions and reasoning of jurists in this field.

**Keywords:** international cooperation, crime, extradition, transfer of prisoners, mutual legal assistance, international treaty.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро шартномаларда назарда тутилган объектларга кўра халқаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатади. Бу эса халқаро шартнома иштирокчиларига нисбатан вужудга келадиган халқаро мажбуриятларнинг доирасини белгилашда аҳамиятга эга. Бу каби муносабатлар қаторида халқаро, трансмиллий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва уни олдини олиш ҳамда жиноят иш юритуви борасида халқаро ҳамкорлик масалаларини кўриш мумкин.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик масалаларига давлатлар ва халқаро ташкилотлар мавжуд жиноятчиликка қарши кураши, уни содир этилишини олдини олиши, вужудга келадиган жиноятчиликнинг янги шакллари аниқлаши ва уларга қарши курашнинг янги усулларини ишлаб чиқиши ҳамда мазкур муносабатларда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги назарда тутилади [1, 36-37 бетлар], [1.4; 5-6 бетлар], [1.6; 60-63 бетлар], [1.11]. Мазкур муносабатлар икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларда белгилаб олинади.

Жиноят иш юритуви соҳасида халқаро ҳамкорлик эса давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг асосий мақсади, содир этилган жиноят учун халқаро ҳамкорликнинг турли шакл ва йўналишлари орқали жавобгарлик муқаррарлиги ҳамда одил судловни

таъминлашдан иборатдир. Ва бугунги кунда бу каби муносабатларни “жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик муносабатлари” деб аташ тенденцияга айланди [1.4; 5-6 бетлар], [1.11], [1.12; 364-бет]. Чунки, Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик ўз моҳиятига кўра, халқаро муносабатларнинг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади ва бу, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқий ва давлатларнинг ички ҳуқуқий тартибини таъминлашга, шунингдек, халқаро ва миллий хавфсизликни тартибга солишга хизмат қилади.

Бундай ҳамкорлик содир этилган жиноят учун жавобгарликни белгилаш, белгиланган жазонинг ижросини таъминлаш ҳамда маҳкумлар билан муомалада бўлиш борасидаги халқаро муносабат субъектларининг ўзига хос фаолиятини ташкил этади. Мазкур халқаро ҳамкорликни амалга оширишда содир этилган жиноят юзасидан давлатларнинг жиноят иш юритувидаги ҳамкорлиги назарда тутилади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларини белгилашда эса процессуал ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш лозим. Зеро, бу каби йўналишларни ажратиб олиш давлатларнинг амалга оширадиган ҳамкорлик фаолиятини кўрсатиб бериш учун ҳам хизмат қилади. Чунки процессуал ҳаракатларни тартибга солишчи давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро халқаро шартномалар ҳамда халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ва қарорлари жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларининг асосий предмети ташкил этади. Бу эса жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик шакллари белгилашда ёрдам беради.

Жумладан, халқаро характердаги жиноятларга қарши курашга йўналтирилган конвенцияларда ҳуқуқий тартибга солиш предмети татбиқ қилишга ёрдам берадиган халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топади. Мисол сифатида, Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенциясини (1988 йилги) кўришимиз мумкин. Унга кўра, томонларнинг асосий ҳамкорлик йўналиши гиёвандлик ва психотроп моддаларининг ноқонуний айланмасига қарши кураш ҳамда тегишли органларнинг аниқ фаолиятини ташкил этишдан иборат. Мазкур конвенциянинг асосий йўналишларини амалга оширишда томонларнинг ўзаро халқаро ҳамкорлик масаласи ўртага чиқади. Одатда, бу каби конвенцияларда аниқ ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш шакллари ўз аксини топган бўлади (7 моддаси) [1.7.].

Халқаро ҳуқуқда назарий жиҳатдан ҳам баъзи олимлар томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари белгилаб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, П.Н.Бирюков жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам масаласида тадқиқот олиб борар экан, унинг йўналишларини белгилашда халқаро шартномаларда назарда тутилган барча процессуал ҳаракатларни ҳисобга олиш лозим деб таъкидлайди. Озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони ўташ учун айбдорни у фуқароси бўлган давлатга топширишни эса иштирокчи давлатларнинг алоҳида ҳамкорлик йўналиши сифатида қарайди [1.2; 94-129 бетлар].

Г.В.Игнатенко, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалардан келиб чиққан ҳолда процессуал ҳаракатлар сифатида

қуйидагиларни кўрсатади: 1) жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукмини ижро этиш учун ушлаб бериш; 2) бошқа давлатнинг талаби билан ўз фуқаролари устидан жиноий таъқибни амалга ошириш; 3) жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган далилларни топшириш; 4) томонларнинг фуқароларига нисбатан эълон қилинган ҳукм ёки бошқа маълумотлар ҳақида ўзаро хабар бериш [1.3; 428-бет].

Мамлакатимиз олимларидан Ф.М.Файзиев таъқиқот ишида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам соҳаси эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Шундан келиб чиқиб, у жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларини шартли равишда 5 тага бўлади: 1) тезкор қидирув фаолияти амалиётини ишлаб чиқиш (алоҳида талабномаларни бажариш ва юбориш, ҳужжатларни топшириш, маълумотлар алмашиш ва бошқалар); 2) экстрадиция (ушлаб бериш); 3) хорижий давлат судлари томонидан маҳкум этилган шахсларни жазо ўташи учун у фуқароси бўлган давлатга топшириш; 4) жиноий таъқибни амалга ошириш; 5) ашёларни топшириш [1.5; 57-бет].

Юқорида таҳлил қилинган олимларнинг таъқиқот ишларига назар ташласак, улар асосан жиноят ишларни бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари сифатида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш институтининг процессуал ҳаракатларини санаб ўтадилар. Бу эса жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини тўлиқ ҳолда қамраб ололмайди.

Кореялик амалиётчи олим Жун Гю Ким (Joон Guу Kim) ўзининг амалий тажрибаларини баён этган асарида ҳақли равишда, экстрадиция, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда маҳкумларни улар фуқароси бўлган мамлакатга тайинланган жазони ўташ учун топшириш институтларини умумий тарзда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари деб таъриф беради ҳамда ҳар бирининг алоҳида мақсадлари мавжудлигини, алоҳида процессуал ҳаракатлар талаб этилишини таъкидлайди [1.13; 20-28 бетлар].

Ушбу процессуал ҳаракатларни ўз номидан ҳам кўриш мумкин, улар алоҳида шартномаларда ҳам ўз аксини топади ва уларни жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигининг алоҳида йўналишлари сифатида қараш мумкин. Бу каби шартномалар қаторига, БМТ “Экстрадиция тўғрисидаги Намунавий шартномаси”, “Жиноят иш юритуви соҳасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Намунавий шартномаси”, “Шартли айбланган ва озод қилинган ҳуқуқбузарлар устидан назорат қилиш учун топшириш тўғрисидаги Намунавий шартномаси”, “Жиноят иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Намунавий шартномаси” [1.7] ҳамда “Экстрадиция тўғрисидаги Европа Конвенцияси”, “Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси”, “Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси” [1.10] каби шартномалардир.

Баъзи икки томонлама халқаро шартномаларда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари аниқ белгиланган бўлади. Масалан, Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлигининг асосий уч хил йўналиши белгиланган шартномаларни тузиш амалиёти мавжуд. Булардан, жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар (2000 йилда Хиндистон, 2007 йилда

Покистон, 2002 йилда Чехия, 2003 йилда Корея, Болгария, 2014 йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан тузилган шартномалар) ва ушлаб бериш тўғрисидаги шартномалар (2000 йилда Хитой, Эрон ва Тожикистон, 2003 йилда Корея ва Болгария, 2014 йилда Бирлашган Араб Амирликлари, 2016 йилда Афғонистон билан тузилган шартномалар) ҳамда маҳкумнинг жазони ўташ учун у фуқароси бўлган давлатга топшириш тўғрисидаги шартномалар (1998 йилда Украина, 2009 йилда Туркменистон, 2014 йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан тузилган шартномалар).

Мазкур икки томонлама халқаро шартномаларда томонларнинг амалга оширадиган процессуал ҳаракатлари аниқ қайси йўналишларда бажарилиши ўз аксини топган.

*Лекин бу каби халқаро шартномалардан фарқли ўлароқ ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисидаги кўп томонлама шартномаларда одатда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи барча процессуал ҳаракатларни ўз ичига олган йўналишлар келтирилган. Жумладан, Ўзбекистон иштирокчиси бўлган 1993 йилги Минск Конвенциясида қуйидагилар ўз аксини топган:*

1) Сўралаётган давлат фуқароларининг жиноий таъқибини амалга ошириш;

2) Талабнома юборилган давлат қонунчилигида назарда тутилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар бўйича талабномаларни бажариш;

3) Шахс қидируви бўйича талабномани бажариш;

4) Жиноят содир этган шахсни жиноий жавабгарликка тортиш ёки суд ҳукмини ижро этиш учун ушлаб бериш (экстрадиция);

5) Тергов жараёнида иштирок этиши учун жазо шакли сифатида ҳибсда бўлган ёки озодликдан маҳрум қилинган шахсларни вақтинча топшириш бўйича талабномаларни бажариш;

6) Ушлаб бериш ҳақидаги талабнома келгунига қадар айбланувчи ёки гумонланувчини қамоқда ушлаб туриш ёки қўлга олиш бўйича талабномаларни бажариш;

7) Хорижий давлат суд ҳукмини тан олиш, судланган шахсни суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ учун ўз фуқаролиги бўйича ёки доимий яшаш жойи бўйича давлатга топшириш;

8) Ҳужжатларни топшириш ёки қайта юбориш бўйича талабномаларни бажариш;

9) Томонларнинг амалдаги қонунчилиги ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича талабномаларни бажариш;

Юқорида таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишларини амалга оширишдан энг асосий мақсад жиноят содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш эканлигини кўришимиз мумкин. Шундай экан, амалиётдан келиб чиққан ҳолда буни амалга оширишда асосий йўналишлар сифатида марказий ўринни эгаллаган 3 та асосий институтни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1) Жиноят содир этган шахсларни экстрадиция қилиш;

2) Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

3) Озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўташ учун шунингдек, руҳий касалликка

чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун фуқаролигига тегишли бўлган давлатга топшириш ва қабул қилиш;

Мазкур асосий йўналишларни жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи процессуал ҳаракатларни унификация қилиш учун миллий қонунчилик ва халқаро мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда ваколатли органларнинг ўзаро яқин алоқасини таъминловчи элемент сифатида намоён бўлишини ҳам қузатиш мумкин. Зеро, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари нафақат халқаро шартномада белгиланган йўналишлари балки давлатларнинг миллий қонунчилигида белгиланган процессуал ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 14-бўлими “Жиноят иш юритуви соҳасида халқаро ҳамкорлик” масаласига бағишланган бўлиб, унинг доирасида суд, прокурор, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби (64-боб), шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш учун ушлаб бериш (65-боб) масалалари тартибга солинади. Қолаверса, ЖПКнинг 601 ва 603-моддаларида жазони ижро этиш учун ушлаб бериш асослари, шартлари ва тартиби, рад этиш учун асослар тартибга солинган [1.8].

Аммо Ўзбекистон Республикаси ЖПКда озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазо ўташи учун топшириш ҳамда руҳий касалликка чалинган, шунингдек руҳий касалликлар билан касалланган шахсларни фуқаролигига тегишли бўлган давлатда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун топшириш масаласи қонун даражасида тартибга солинмаган.

Мазкур масала, миллий даражада фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, “Руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш учун бериш тўғрисида”ги конвенция (Москва, 1997 йил 28 март) қоидаларини ва ушбу соҳада Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро шартномаларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш мақсадида руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси томонидан бериш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом [1.9] тасдиқланган.

Умумий ҳулоса сифатида шуни эътироф этиш кераки, қайд этилган барча тадқиқот ишларида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари халқаро жиноят ва жиноят процессуал ҳуқуқи, жиноятчиликка қарши кураш ва бу борадаги халқаро ҳамкорлик масалалари анъанавий тарзда соҳага оид халқаро шартномалардан ва унинг қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлигини кўриш мумкин. Бизнингча, бу каби муаммоларни ўрганишда ва йўналишларга ажратишда ҳамкорлик мақсадидан келиб чиққан ҳолда аниқ процессуал ҳаракатлари келиб чиққан ҳолда асосий йўналишларни белгилаш лозим. Шундай экан, тадқиқот натижасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик йўналишлари қуйидаги турларга ажратилди ва муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

– *экстрадиция* бу халқаро шартнома, миллий қонунчилик ёки ўзаролик принциплари асосида жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тор-

*тиш ёки унга нисбатан чиқарилган ҳукми ижро этиш мақсадида ушлаб бериш тўғрисидаги талаб-номага асосан, сўраётган томондан барча шартлар бажарилган тақдирда уни қаноатлантиради ёки бунинг учун этарлича асослар мавжуд бўлса қаноатлантиришни рад этиши тўғрисидаги бир томондан давлат ва иккинчи томондан бошқа давлат ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар мажмуидир;*

– *жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам – давлат томонидан жиноят ишларида фойдаланиши учун далил йиғишда хорижий давлатдан ёрдам сўраш ва уни таъминлаш жараёни ҳисобланади. Бу эса, жиноий жараённинг ҳар қандай босқичида – терговдан тортиб то судгача таъминланиши мумкин. Бу ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: гувоҳликка олиш, тергов ёки суд учун шахсларнинг кўрсатмалари; далил тўғрисидаги маълумотномалар, ёзма тасмалар, ҳужжатлар ва суд чақирув қоғози каби ҳужжатлар тақдим этишдир. Бу яна шахсни аниқлаш ва жойлаштириш, гувоҳликка олиш учун қамоққа олишдаги шахсларни ўтказиш ва излаш, қўлга олиш учун сўровларни бажаришни ўз ичига олади;*

– *маҳкумни у фуқароси бўлган мамлакатга тайинланган жазони ўташ учун юбориш фақат шахснинг хоҳишига кўра амалга ошириладиган жараён бўлиб, маҳкум фуқароси бўлган давлат топшираётган мамлакатда чиқарилган ҳукми тан олади ҳамда унинг ижросини таъминлашни ўз мажбурияти деб билади.*

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абашидзе А.Х. Борьба с терроризмом, Международной уголовный суд и Российская Федерация // РЕМП. Спец. вып. – СПб., 2003. – С. 36-37.
2. Бирюков П.Н., Нормы международного уголовного-процессуального права в правовой системе Российской Федерации. – Воронеж: Воронежский государственный университет. 2000. – 228 с.
3. Международное право: Учеб. для вузов / Отв. ред. Г.В. Игнатенко и. О.И. Тиунов. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2005. – 624 с.
4. Сафаров Н. Экстрадиция в международном уголовном праве: проблемы теории и практики. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – 416 с.
5. Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2007. – 139 с.
6. Фрахи Б. Международной сотрудничество против организованной преступности. Опыт Европейского интеграции // Вестник МПА СНГ. – 1995. – № 1. – С. 60-63.
7. Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган конвенцияларнинг матни жойлаштирилган электрон манзил: [www.un.org](http://www.un.org).
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон ресурс]: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
9. Руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси томонидан бериш ва қабул қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 346-сонли қарори (17.10.2016 й.). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 42-сон, 485-модда.

10. European Treaties database [Electronic resource]: <http://www.coe.int/>

11. Bossard A. Transnational Crime and Criminal Law. – Chicago, 1995. – 125 p.

12. Matti Joutsen. International Cooperation Against Transnational Organized Crime: Extradition and Mutual Legal Assistance in criminal matters // Asia and Far East Institute for the Prevention of Crime and the Treatment of Offenders (UNAFEI) ANNUAL REPORT FOR 2000 and RESOURCE MATERIAL SERIES No. 59. Fuchu, Tokyo, Japan. October 2002. – Pp.364-393.

13. Joon Gyu Kim, Cheol-Kyu Hwang. New initiatives on International Cooperation in Criminal Justice. – SNUPRESS (Seoul National University Press), 2012. – 257 p.

**Э.Маргишвили,**  
Сотрудник ТПП РУз

### **СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПРАВОВОГО РЕЖИМА СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ**

**Аннотация:** в статье представлен обзорный сравнительно-правовой анализ норм законодательства Республики Узбекистан и Российской Федерации об особых экономических зонах, а также отличительные особенности правового режима особых экономических зон обеих стран.

**Ключевые слова:** свободная экономическая зона, особая экономическая зона, льготы, особый режим, законодательство.

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг таҳлили амалга оширилган бўлиб, эркин иқтисодий зоналар ҳуқуқий режимининг ўзаро фарқли жиҳатлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** эркин иқтисодий зона, махсус иқтисодий зона, имтиёзлар, махсус режим, қонунчилик.

**Annotation:** the survey comparative and legal analysis of standards of the legislation of the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation on special economic zones and also distinctive features of a legal regime of special economic zones of both countries is presented in article.

**Key words:** free economic zone, special economic zone, privileges, particular treatment, legislation.

В инвестиционной политике любого государства главенствующую роль играет наличие инвестиционного климата в стране. На сегодняшний день это понятие включает в себя совокупность сложившихся в государстве политических, социально-культурных, финансово-экономических и правовых факторов, отражающих качественные показатели деловой инфраструктуры, эффективность инвестирования и уровень предполагаемых рисков процедуры вложения иностранного капитала.

Исследование и глубокий анализ инвестиционного климата государства являются важным сегментом в построении государственной и региональной инвестиционной политики. Так, не маловажную позицию в формировании инвестиционного климата страны играют свободные экономические зоны, являющиеся своеобразным индикатором инвестиционной политики государства.

Правовой режим свободных экономических зон Российской Федерации и Республики Узбекистан представляет большой интерес для исследования с точки зрения инвестиционной эффективности и реализации поставленных государством инвестиционных целей, с учетом разного геополитического расположения, различием правового режима и формы правления стран, климатических, демографических и иных условий, влияющих на формирование деловой среды в государстве.

Первостепенную роль в исследовании правового режима деятельности СЭЗ обоих государств играет наличие и качественная составляющая правового

фундамента, состоящего из нормативных правовых актов.

Законодательная база, регулирующая деятельность СЭЗ в Узбекистане, состоит из законов «О свободных экономических зонах», «Об инвестиционной деятельности», Закона «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов», Закона «Об иностранных инвестициях», Указов Президента страны «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями», «О дополнительных мерах по стимулированию экспорта продукции, производимой предприятиями с иностранными инвестициями» и ряда других.

В свою очередь, законодательный фундамент в сфере особых экономических зон Российской Федерации включает Федеральный закон «Об особых экономических зонах в Российской Федерации», Федеральные законы «Об инвестиционной деятельности в РФ», «О защите прав и законных интересов инвесторов на рынке ценных бумаг», «Об инвестиционных фондах», Приказ Правительства РФ «Об осуществлении иностранных инвестиций в экономику Российской Федерации с использованием средств, находящихся на специальных счетах нерезидентов типа «С» и другие.

Также, необходимо отметить, что на сегодняшний день законодательная база в сфере привлечения иностранных инвестиций обоих государств, в основном, состоит из законов и подзаконных актов, отсутствует единый кодифицированный акт в данной сфере. Однако, во исполнение пунктов «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», на сегодняшний день разработан проект Инвестиционного кодекса Республики Узбекистан, который в настоящее время находится в стадии народного обсуждения.

Важно подчеркнуть, что принятие Узбекистаном единого нормативного акта в сфере регулирования инвестиционной деятельности будет первым на территории всей Средней Азии. Кроме того, в пространстве СНГ подобный кодекс был разработан только лишь в Белоруссии в 2001 году, однако, на сегодняшний день потерял свою актуальность в виду вхождения страны в Таможенный союз. Выше упомянутый проект Кодекса содержит такие новеллы в национальном законодательстве, как институт «инвестиционной суды», «визы иностранного инвестора», «учета инвестиций за пределами Узбекистана», а также широкий социальный пакет для иностранных инвесторов.

Приступая к сравнительному анализу правового режима свободных экономических зон, представляется целесообразным обратиться к дефиниции свободной экономической зоны, предлагаемой инвестиционным законодательством каждой из стран.

Так, согласно части 1 статьи 1 Закона Республики Узбекистан «О свободных экономических зонах» под *свободной экономической зоной* понимается специально выделенная территория с четко определенными административными границами и особым правовым режимом, создаваемая в целях привлечения отечественного и иностранного капитала, прогрессивной технологии и управленческого опыта для ускоренного социально-экономического развития зоны [1]. В то время, как статья 2 Федерального Закона РФ «Об особых экономических зонах» вбирает в себя следующее понятие, *особая экономическая зона* — это часть территории Российской Федерации, которая определяет-

ся Правительством РФ, и на которой действует особый режим осуществления предпринимательской деятельности, а также может применяться таможенная процедура свободной таможенной зоны [4].

Примечательно, что границы свободных экономических зон Узбекистана также определяются Кабинетом Министров Республики Узбекистан, об этом гласит статья 3 Закона Республики Узбекистан «О свободных экономических зонах».

Отдельного внимания заслуживает некоторое смешение дефиниций в рамках данной темы. В российском законодательстве бытует обобщенное понятие — *особая экономическая зона*, но при этом в большинстве научных изданий употребляется понятие — *свободная экономическая зона*. В то время как, в узбекском законодательстве прочно устоялось название — *свободная экономическая зона*. Однако, существенной качественной разницы в этом различии нет, предметно эти два названия представляют единую категорию.

Что касается классификации свободных экономических зон, в этом секторе законодательство двух стран несколько различается.

Так, в Узбекистане СЭЗ могут создаваться в трех видах:

- зоны свободной торговли;
- свободные производственные зоны;
- свободные научно-технические и иные зоны.

В то время, как в России насчитывается четыре типа свободных экономических зон:

- промышленно-производственные зоны;
- технико-внедренческие зоны;
- туристско-рекреационные зоны;
- портовые зоны.

Если первые две категории СЭЗ РФ — промышленно-производственные зоны и технико-внедренческие зоны по своей специализации можно приравнять к свободным производственным зонам и свободно научно-техническим зонам, то такие категории как туристско-рекреационные зоны и портовые зоны понятия, присущие исключительно российскому законодательству.

Безусловно наличие портовых зон обусловлено географическим расположением России, издревле являвшейся морской державой с высокой степенью развитости морской торговли. Такие зоны создаются вблизи морских и речных портов, выведенные за пределы национальной таможенной территории для ведения экспортно-импортных операций. Вполне логичным будет сделать вывод, что отсутствие данной категории классификации СЭЗ в узбекском законодательстве обусловлено отсутствием на территории государства крупных морских и речных портов, а также выхода к мировому океану.

В случае же с туристско-рекреационными зонами, напротив, у Узбекистана имеется достаточный туристический потенциал, рассеянный по всей территории республики. Принимая во внимание такие памятники истории и культуры, как ансамбль «Регистан», Обсерватория Мирзо-Улугбека, мечеть «Биби Ханум» в Самарканде, минарет «Калян», площадь «Ляби-Хауз» в Бухаре, минарет «Кальта-Минар», Ичан-кала в Хиве и другие, возможность создания подобных зон в Узбекистане способствовала бы более эффективному развитию туристической сферы услуг в стране.

Кроме того, отличительной чертой законодательства о СЭЗ РФ является возможность объединения



СЭЗ в кластер, узбекское же законодательство не предусматривает данной возможности. Такой кластер представляет собой совокупность особых экономических зон одного типа или нескольких типов, которая определяется Правительством Российской Федерации, и управление которой осуществляется одной управляющей компанией. Наличие такой перспективы, в первую очередь, объясняется широко масштабно-стью территории Российской Федерации из чего и вытекает внушительное количество созданных в стране СЭЗ. На сегодняшний день в РФ действует 33 особые экономические зоны, из которых 9 промышленно-производственных, 6 технико-внедренческих, 3 портовых и 15 туристско-рекреационных. В то же время, в Республике Узбекистан насчитывается 14 СЭЗ из которых 7 СЭЗ имеют фармацевтическую специализацию, и еще 7 являются зонами общей направленности. Исходя из специализации СЭЗ в Узбекистане, на данном этапе нет острой необходимости объединения их в кластеры.

Не маловажен и тот факт, что в соответствии с Федеральным Законом Российской Федерации «Об особых экономических зонах в Российской Федерации» на территории государства, могут создаваться только четыре типа ОЭЗ, указанные законом. При этом в статье 5 Закона Республики Узбекистан «О свободных экономических зонах» после перечисления классификаций СЭЗ имеется указание на слова «и другие», что свидетельствует о возможности создания и других видов зон в соответствии с иными актами национального законодательства.

Также для некоторых видов ОЭЗ России указана допустимая площадь, так с 2012 года площадь промышленно-производственных зон может быть не более 40 км<sup>2</sup>, а площадь технико-внедренческих зон не более 4 км<sup>2</sup>, узбекское же законодательство о СЭЗ не содержит данного ограничения.

Рознится законодательство двух стран и в определении срока функционирования СЭЗ. Так, российским законом данный срок определен в 25 лет, в Узбекистане данный срок на 5 лет больше и составляет 30 лет.

Безусловно сердцевиной законодательства о СЭЗ любой страны является пакет предоставляемых льгот и преференций для инвестора.

Конечно, первую скрипку здесь играют налоговые и таможенные льготы. В законодательстве РФ существуют общие для всех типов особых экономических зон следующие преференции и льготы:

#### **Земельные льготы:**

- Резиденту предоставляется земля в пользование на безвозмездной основе на весь срок деятельности ОЭЗ (25 лет).

#### **Налоговые льготы:**

Для резидентов всех типов зон устанавливается пониженная ставка налога на прибыль подлежащего зачислению в бюджеты субъектов Российской Федерации. Резиденты освобождаются от уплаты налога на имущество на срок от 5-10 лет в зависимости от зоны с момента постановки имущества на учет при выполнении следующих условий:

- имущество создано или приобретено в целях ведения деятельности на территории зоны;
- указанное имущество находится на территории зоны;
- имущество фактически используется на территории зоны.

Кроме того, на федеральном уровне инвесторы освобождаются от уплаты земельного налога на 5-10 лет в зависимости от зоны с момента возникновения права собственности на земельный участок, расположенный на ее территории [6].

В российском законодательстве также имеют место быть требования к минимальному объему инвестиций, установленные для резидентов промышленно-производственных и, в некоторых случаях, портовых особых экономических зон. Так, резидент особой экономической зоны обязан осуществить капитальные вложения в рублях в сумме, эквивалентной не менее 3 миллионам евро, при этом резидент особой экономической зоны обязан осуществить капитальные вложения в рублях в сумме, эквивалентной не менее 1 миллиону евро в течение года с даты заключения указанного соглашения.

Кроме того, если соглашением об осуществлении деятельности в портовой зоне предусматривается осуществление деятельности по строительству и реконструкции объектов инфраструктуры морского порта, речного порта, аэропорта, резидент портовой особой экономической зоны в течение срока действия такого соглашения обязан осуществить капитальные вложения в рублях в сумме, эквивалентной не менее 10 миллионам евро.

#### **Таможенные льготы:**

Преференции по транспортному налогу устанавливаются субъектами Российской Федерации, на территории которых создаются особые зоны. Для инвесторов льгота по транспортному налогу предоставляется с момента регистрации транспортного средства [5].

Инвестиционное законодательство Республики Узбекистан содержит в себе следующие льготы для резидентов СЭЗ:

#### **Земельные льготы:**

- Резиденту предоставляется земля в пользование на безвозмездной основе на весь срок деятельности СЭЗ (30 лет).

#### **Налоговые льготы:**

Резиденты освобождаются от уплаты:

- налога на прибыль юридических лиц;
- налога на имущество;
- налога на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры;
- единый налоговый платеж для микрофирм и малых предприятий;
- обязательные отчисления в Республиканский дорожный фонд.[3]

#### **Таможенные льготы:**

- Резиденты освобождаются от таможенных сборов на оборудование и сырьё [2].

Выше перечисленные льготы предоставляется при инвестировании:

- от 300 тыс. до 3 млн \$ США – сроком на 3 года;
- свыше 3 млн до 10 \$ США – сроком на 5 лет;
- свыше 10 млн \$ США – сроком на 7 лет.

Таким образом, в национальном законодательстве Узбекистана, мы видим, вариацию объёма капиталовложения и сроков предоставления льгот, в то время как российское законодательство содержит единый четко установленный минимум иностранного капиталовложения.

Безусловно, правовой режим свободных экономических зон обеих стран, в первую очередь, зависит от географического и территориального расположения, а сама инвестиционная политика выработана с учетом

имеющегося в государствах инвестиционного потенциала с ориентирами на национальную стратегию развития стран.

Несомненно, опыт Российской Федерации в области создания и развития СЭЗ весьма ценен и представляет не мало важное значение для Узбекистана. Особенно в таких сферах как специализация СЭЗ, необходимо признать отсутствие ее так таковой в национальном законодательстве, что в значительной мере размывает цели и задачи создания той или иной свободной экономической зоны. Особого внимания заслуживают также успешно функционирующие в России туристско-рекреационные зоны, создание таковых в Узбекистане определенно способствовало притоку туристов в республику.

В заключении, можно сделать однозначный вывод: формирование российской и узбекской инвестиционной политики, включая углубление процессов развития инфраструктуры городов и регионов, достижение макроэкономической стабилизации и обеспечение устойчивого роста притока инвестиционного капитала, неразрывно связаны с продвижением развития деятельности свободных экономических зон обеих стран. Развитие последних в свою очередь, способствует улучшению инвестиционного климата в стране, что безусловно повышает инвестиционную привлекательность государства.

#### Список литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «Об особых экономических зонах» (ред. от 29 августа 1997 г.) N220-I.
2. Закона Республики Узбекистан «О таможенном тарифе» (ред. от 25 апреля 1996 г.) N 470-I.
3. Налоговый Кодекс Республики Узбекистан (ред. от 25 декабря 2007г.) N 470-I.
4. Федеральный Закон Российской Федерации «Об особых экономических зонах в Российской Федерации» [принят Гос. Думой 13.07. 2005г.], (ред. от 13.07.2015), N 116-ФЗ.
5. Налоговый Кодекс Российской Федерации (часть 1 ред. от 31 июля 1998 г., часть 2 ред. от 5 августа 2000 г.) N 146-ФЗ, N 117-ФЗ.
6. Таможенный кодекс Российской Федерации (ред.от 28 мая 2003 года), N 61-ФЗ.

## БУЮК ОЛИМ СИЙМОСИ

Устозлар ҳақида калом айтиш, улар билан боғлиқ хотирани баён этиш зиммамизга катта масъулият юклайди. Халқимизнинг фидойи фарзанди, миллий ҳуқуқшунослигимизда ўзига хос из қолдирган таниқли олим Анвар Аъзамхўжаев хавас қиларли умр кечирди.

Камина Анвар Аъзамовични 1973 йил ТошДУнинг юридик факультетига талаба бўлган куним илк бор кўриб, шу кундан эътиборан у инсонга хавас ва ихлос назари билан қараб келганман. У кишидаги салобат, вазминлик, камтарликка йўғрилган алломалик, катта салоҳият мени ўзига ром этар эди.

Мен 1978-1982 йиллари юридик факультети ёшлар ташкилотининг сардори сифатида Анвар Аъзамович билан бевосита мулоқотда ишлаш бахтига муяссар бўлганман.

Анвар Аъзамовичдаги юксак маданият ва раҳбарлик қобилияти, жамоани маъмурий бошқариш санъати, мураккаб вазиятларда вазминлик билан тадбир ва ечим топа билиш маҳорати ҳаммиша мени ҳайратга солар эди. У инсон ўз иш шароитида ҳамкасбларининг кучли ва заиф жиҳатларини нозик сеза оладиган, зукколик ва кучли хотира билан назорат қиладиган истеъдодли раҳбар эди.

Анвар Аъзамовичнинг фаолият кўлами ниҳоятда кенг эди. Мазкур ўринда шуни эслаш кифояки, устозимиз Ўзбекистоннинг муносиб вакили сифатида Иттифоқ юристлари Уюшмаси Бошқарувининг аъзоси (1988 й.) бўлганлар. Айни вақтда, Ўзбекистон юристлари уюшмасининг раиси этиб сайланганлар. 1990 йилдан эътиборан Собиқ Совет давлати Конституциявий назорат қўмитасининг аъзоси эдилар. Бу уларнинг улкан салоҳиятли олим ҳамда нуфузли жамоат арбоби бўлганликларининг далилидир.

Анвар Аъзамович дастлаб юридик факультетнинг декани бўлиб узоқ йиллар фаолият юритганлар. Шу кезларда юридик факультет замирида Юридик институт ташкил этиш ташаббусини илгари суриб, саъй-ҳаракатлар қилганлар. 1991 йилда Тошкент Давлат юридик институти ташкил этилиб, Ўзбекистон давлат раҳбарининг қарори билан А.Аъзамхўжаев мазкур Институтнинг биринчи ректори этиб тайинланган.

Олим Тошкент Давлат юридик институтига раҳбарлик қилган даврларда профессор-ўқитувчилар жамоаси ўртасида ахллик, ҳамжиҳатлик, илмий-ижодкорлик муҳити ҳукм сураб эди.

1991-1992 йилларда мен Анвар Аъзамхўжаев билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи таркибидан бирга меҳнат қилдим. У киши ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари сифатида Асосий қонунимиз матнининг пухта тайёрланишига жуда катта ҳисса қўшдилар. Хотирамда муҳрланиб қолган бир вазиятни кўп эсламан. Лойиҳа юзасидан бўлган муҳокама мажлисларидан бирида Анвар Аъзамович жиддий мавзуга эътиборимизни жалб этиб: “Япон миллатида ота-оналарнинг фарзандга меҳри, бола тарбиясига эътибори жуда катта экан. Хитойларда эса, аксинча, фарзандларнинг ота-оналарига, катталарга ҳурматни улар тарбиясига сингдириш муҳим ўрин тутаркан. Уларда ота-онасини беҳурмат қилиш жиноят саналиб, жазога сабаб бўлар экан. Ўзбек миллатининг табиатида бу фазилатларнинг ҳар иккиси ҳам мавжуд. Мен 1978 йилги ЎзССР Конституцияси лойиҳаси бўйича халқ муҳокамаси чоғида фуқаролардан тушган



таклиф-мулоҳазаларни умумлаштирувчи комиссия раиси сифатида фаолият юритган вақтимда республикамиз аҳолисидан “фарзандлар томонидан ота-оналарининг ҳурмат ва эҳтиромини жойига қўйиш ҳақидаги қонидани Конституцияда мустаҳкамлаш зарур”, деган таклифлар кўп бўлган эди. Собиқ тузум давридаги мафкура туйғайли бу олижаноб қонидани Конституцияга киритишнинг иложи бўлмаган эди.

Энди мустақилмиз! Халқимиз табиатида хос бу қонидани Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритсак, нур устига аъло нур бўларди”, - дедилар.

Шу таклиф атрофидаги изланишлар, бахс-мунозаралар натижасида қуйидаги конституциявий норма шакллантирилди: “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”.

Ушбу қоида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

66-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу ўзбекона қадриятимиз Конституцияда муҳрланиб, бугунга қадар инсонлар тарбиясига, маънавиятига ижобий таъсир ўтказиб келмоқда. Айни вақтда, амалдаги қонунчилик ва юридик амалиёт ривожига сарчашма манба бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 1998 йилда қабул қилинган Оила кодексига “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти” (109-модда) мустаҳкамланди. 2017 йил 20 декабрида қонунчиликка шундай янги қоида киритилди: “Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болаларни, шунингдек, ота-оналарини таъминлаш учун алиментлар тўлашдан бўйин товлаган шахс тегишли қонуний муддат тугагач, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.” Бу мисоллар Конституциянинг 66-моддаси бугунги ҳаётимизда ўзининг фаол амалини топиб келаётганидан далолатдир.

Домла Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини зўр мамнуният, ички қониқлиш ва шукроналик билан кутиб олдилар. Аввалдан Ўзбекистонда давлатчиликнинг

ташкил топиши ва ривожланиши масалаларини илмий тадқиқ қилган, бу борада салмоқли асарлар яратган олим асл орзулари ушалганидан илҳомланиб, умрларининг якуний палласида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари” (1993 й.) номли монографияни ёзиб, чоп эттирдилар. Мазкур асарда устоз Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришишининг беназир тарихий аҳамиятини, унинг суверен давлат сифатидаги моҳиятини, бунда Конституция ва бошқа тегишли қонунларнинг давлатимиз ҳуқуқий пойдевори бўлишдек салоҳиятини халқчил тушунарли тилда юксак маҳорат билан ифода этиб берганлар. Давлатимиз фаолият юритишининг демократик принциплари, уни мустаҳкамлаш ва равнақ топтириш йўналишларини белгилаш бу асар мағзини ташкил этди.

Мустақилликнинг буюк неъматларидан бири бўлган ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши жараёнларида ҳам Анвар Аъзамович фаол жонбозлик кўрсатганлар. Бу хусусдаги Қонун 1989 йил октябрида қабул қилинган бўлса, устоз бундан бир йилча чамаси муқаддам давр мобайнида Ўзбекистон телевидениеси орқали ўзбек тилини давлат тилига айлантиришнинг ҳуқуқий, маънавий, ташкилий ва тарбиявий жиҳатларига бағишланган алоҳида рукнда бошловчи сифатида туркум кўрсатувлар олиб борганлари ёдимда. Ушбу давра суҳбатларига олимлар, депутатлар, соҳа мутахассислари, жумладан, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Неъматилла Иброҳимов ва бошқалар жалб этилган.

Тил тўғрисидаги Қонунни ҳаётга равон жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат раҳбари раислигида “Ўзбек тили атамалари кўмитаси” тузилди. Анвар Аъзамович шу Кўмита Раисининг муовини сифатида (1990-1994 й.й.) фаолият олиб борганлар.

Анвар Аъзамович республика миқёсида танилган, катта жамоат арбоби эди. Устозимиз билан биргаликда 1993 йил бошларида барча ташкилий ва таъсис ҳужжатларни тайёрлаб, Ўзбекистоннинг “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий кўмитаси”ни тузиш юзасидан мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида қурултой ўтказдик. Қурултой қатнашчилари бир овоздан Анвар Аъзамовични Кўмита Бошқарувининг раиси этиб сайладилар. Устоз ана шундай шарафли лавозимда умрларининг охиригача меҳнат қилдилар.

Менинг илм соҳасида шаклланишимда ҳам устозимизнинг ҳиссалари катта бўлган. Юридик факультет ёшлар ташкилоти раҳбари сифатида фаолият бошлаётган чоғимда домлага кўнглимни очиб, ниятим илмий иш билан шуғулланиш, имкони бўлса, аспирантурага кириб ўқиш, деб айтдим. Шунда Анвар Аъзамович: “Хожимурод, Сиз кўнглини тўқ қилиб ишлайверинг. Икки йиллардан кейин аспирантура бўлса, мана мен турибман”, дедилар. Бу гап менга илҳом ва умид бахш этди. Кутилган фурсат келганда эса, Москвага аспирантурага бориш истагимни билдирдим. Домла менга аввал берган ваъдаларини ўзлари эслатиб, аспирантурага боришимга “оқ фотиҳа” бердилар. Бу хайрли кун бир умрга менинг хотирамда оталарча ғамхўрлик учун Анвар Аъзамовичга миннаддорлик ҳиссини туядиган бахтли воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

Анвар Аъзамхўжаев ўзбек ҳуқуқшунослик фанининг равнақи ва юқори малакали юрист-олимлар, амалиётчи мутахассислар тайёрлаш ишига ниҳоятда

улкан ҳисса қўшган. Уларнинг бевосита раҳбарлиги ҳамда саъий кўмагида 10 га яқин докторлик ва кўплаб номзодлик диссертациялари тайёрланган, ҳимоя қилинган. Домла бир қатор хорижлик илм толибларига, яъни Вьетнам, Яман, Бангладеш ва бошқа давлатлардан келган изланувчиларга ҳам устозлик қилиб, юридик фанлар номзодларини етиштириб чиқарган.

Ўзбекистон шарафини халқаро миқёсда улуғлашда ҳам олимнинг муносиб ўринлари бор. Хусусан, Буюк Британия, Албания, Венгрия, Мўғулистон ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган, илмий анжуманларда, халқаро йиғинларда фаол иштирок этган, долзарб ҳуқуқий мавзуларда маърузалар ўқиган. 1967 йили Брюсселда бўлиб ўтган Сиёсий фанларнинг VII Конгрессида ҳам маъруза қилган; 1974 йили Жазоирда Халқаро юрист-демократлар ассоциацияси X Конгрессида қатнашган. 1970 йилда Тошкентда ўтказилган БМТ нинг ЮНИДО органи ташкил этган “Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро семинар”да мамлакат вакили сифатида раислик қилган.

1992 йил февралда Анвар Аъзамхўжаев Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси таркибида Хельсинкида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ишида қатнашиш шарафига муяссар бўлган.

Миллий ҳуқуқшунослик фани ривожига қўшган ҳиссаси, юрист мутахассис кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун олим Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонларига, Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Бизга устоздан, илмга фидоий бўлиш бобида улуғ ибрат қолди, ўз халқини, Ватанини ва ҳаётни севиш ҳамда эъзозлашда намуна бўладиган буюк муҳаббат қолди. Ҳозирги ҳуқуқшинослар авлоди олдидаги вазифа – Анвар Аъзамовичнинг илмий мероси ва ҳаёт фаолиятини чуқур ўрганиш, фанда у киши асос солган илмий мактаб ва йўналишни собитқадамлик билан давом эттиришдан иборат.

**Х.Т.Одилқориев**  
юридик фанлар доктори,  
профессор